

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Исмоил Саифназаров

Аслиддин Обидов

**ДИНЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК - ИЖТИМОЙ
БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ**

Тошкент – 2019

УЎК 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

С 21

Саифназаров, Исмоил.

Динлараро ҳамжихатлик - ижтимоий барқарорлик омили [Матн] : монография / И. Саифназаров, А. Обидов. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. - 142 б.

УЎК 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

Масъул муҳаррирлар: проф.А.Мухтаров, доц., ф.ф.н. А.Бобоев, Д.Эрназаров(PhD).

Тақризчилар: А.Қодиров – фалсафа фанлари доктори, профессор(ЎДЖТУ);

Т.Султонов – фалсафа фанлари номзоди, доцент(ТДИУ)

Монография ПО – 20170929280 “Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш шароитида ёшларнинг толерант дунёқарашини шакллантириш” номли илмий амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Монографияда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг бешинчи устувор йўналиши талаблари асосида мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлашга доир ижтимоий-фалсафий муаммолар таҳлил қилинди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2018 йил 31 октябридаги 3-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Монография подготавливается в рамках научно-прикладного гранта ПО-20170929280 «Формирование толерантного мировоззрения молодежи в условиях ускоренного развития Узбекистана»

В монографии на основе Стратегии Действий по развитию Узбекистана 2017-2021 гг. и ее пятого приоритетного направления освещаются проблемы дальнейшего укрепления межнационального и межконфессионального мира и согласия в Узбекистане.

ISBN 978-9943-5574-9-9

© Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, танланган дунёвий демократик тараққиёт йўлимизнинг бардавомлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Кўпмиллатли, кўпконфессияли Ўзбекистонда миллий бирликни, худудий яхлитликни, барқарор ривожланишни таъминлаш дарҳақиқат долзарб муаммодир. Ушбу муаммони муваффақиятли ҳал этиш атрофимизда кечаётган ижтимоий жараёнларга илмий, ижтимоий-фалсафий ёндашувни, чуқур илмий-назарий таҳлилни амалга оширишни талаб қилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 188-модда; 2010 й., 23-сон, 183-модда; 2014 й., 4-сон, 47-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда) шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъий назар

¹ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май. 101 (6795).

тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланиши, шунингдек, Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш, давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш, давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттиради.

Дин соҳасига оид изчил сиёсат конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлашда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигининг гарови сифатида – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарорида Конфессиялар ишлари кенгашининг таркибини тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисидаги Низом қабул қилинди¹.

Мазкур Қўмита давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириши, диний ташкилотлар, шунингдек хорижий диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга доир диний масалалар бўйича ишларни олиб бориши каби вазифаларни ўзида мужассам этган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 23 апрель, 196-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон.

Ўз вақтида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилаб берилди:

“Жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;

динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада

малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш.¹

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, мутаассиблик ва экстремизм асосида диний муносабатларни кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Муайян динга эътиқод қилувчиларни бошқасига киритишга қаратилган прозелитизм ва миссионерлик фаолияти қонунан ман этилади².

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириғига кўра, виждон эркинлигига ва диний ташкилотлар фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирокини инобатга олиб, диний таълим муассасалари фаолияти белгиланган тартибда лицензияланиши, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қилади, лицензиялар реестрини юритади.

Республикада жойлашган диний ташкилотлар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик қилиш, турли диний конфессиялар фаолияти амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш, жамиятда динлараро ва миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминлаш юзасидан таклифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш, конфессиялараро мулоқот маданиятини ривожлантириш учун Қўмита ҳузурида Конфессиялар ишлари жамоатчилик кенгаши ташкил этилди ва унинг таркибига республикадаги кўп сонли диний конфессиялар етакчилари киритилган бўлиб ўз ваколатлари доирасида диний ташкилотларнинг, шу жумладан диний ўқув

¹ “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // “Халқ сўзи”, 2018 йил 16 апрель. 75 (7033).

² Ҳасанбоев Ўткир. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. - 552 б.

юртларининг фаолиятини, уларнинг ўқув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларини, фанлар бўйича ўқув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, уларга ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, ҳуқуқий, методик ёрдам кўрсатиш каби вазифалар киритилган.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий барқарорлик, динлараро ҳамжиҳатлик, халқимиз тарихида азалдан мавжуд бўлган бошқа эътиқод вакилларига ҳурмат муносабатининг тарихий ворисийлигини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 йил 23 июнда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонда “Ислом цивилизацияси Маркази”ни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”¹ги Қарор имзоланди.

Ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Маданият вазирлиги, Фанлар Академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ва бошқа ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Хусусан ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш бундан буён давлатимизнинг динга оид сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа диний муносабатларга оид ҳужжатлар ва хусусан юқорида тилга олинган Президент Қароридан келиб чиққан ҳолда ушбу китобда динлараро ҳамжиҳатликнинг қатор долзарб ижтимоий-фалсафий масалалари ва уларнинг ечимлари ёритилади.

Юзаки қараганда, мамлакатимизда мавжуд ижтимоий ҳолат, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ўз-ўзидан мавжуд

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 январь, 23-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон.

бўлаверади, уни мустаҳкамлаш учун зарурат йўқ, қонунларимиз миллий ва диний низоларга йўл қўймайди, деган тасаввур ва тушунча пайдо бўлади. Аслида эса бундай тасаввур ва тушунчалар асоссиз бўлиб, реал ижтимоий воқеликда динлараро муносабатларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки дунёда кечаётган турли ихтилоф ва келишмовчиликлар бошқа ҳудудларга таъсир этмай қолмайди. Буни фаҳмламаслик илмий қарашларга зид бўлиб қолади. Ҳаёт диалектик жараёнدير, кечаги нарса бугунга, бугунги нарса эса эртанги кун талабларига жавоб бермай қолиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳатто “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) (1998) Қонун ҳам ҳаёт талабларига мос такомиллаштириб борилиши лозим.

Биринчидан – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизация марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонларини ҳамда мавзуга доир бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг мантиқий давомийлиги ҳам ижтимоий воқеликка догматик ёки эклектик ёндашув эмас, балки диалектик ва синергетик ёндашувни тақозо этади.

Иккинчидан – эса кўпконфессияли бўлган Ўзбекистон халқаро жараёнлар ва муносабатлар билан ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқадорликда ривожланади.

Айрим Араб дунёсида, Яқин Шарқда кечаётган диний-сиёсий жараёнлар ислом маданиятининг йирик марказларидан бири деб тан олинаётган юртимизга ҳам таъсир этмай қолмайди.

Учинчидан – жаҳоннинг етакчи давлатлари Яқин Шарқдаги биродаркуш зиддиятларни бартараф этиш бўйича ҳали ҳамон яқдилликка эриша олмаётирлар.

Бундай шароитда ислом дини тўғрисида бирёқлама, уйдирма ва бўҳтонларни фош этиш юртимизда динлар ва конфессиялар ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида –Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилди.

“Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”¹ дея таъкидлади.

Ушбу юкасак таклиф янграганига бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу муддат ичида бу эзгу ташаббуснинг қанчалик аҳамиятли экани, шу она замин истиқболи учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини бутун дунё халқлари англаб етди ва натижада, 2018 йилнинг 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган мазкур резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Ушбу резолюцияни 50 дан зиёд мамлакати билан ҳаммуаллифликда қабул қилинди. Резолюцияда маърифатпарварлик ғоясини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилиб, сайёрамизда хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ва ўзаро англашувнинг нечоғли муҳимлиги эътироф этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрдаги 189 (6883).

Мазкур тадқиқот динлараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда демократик давлат шароитида дин ва давлат муносабатлари, динга оид давлат сиёсати, миллатлар ва динлараро ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда миллий ғоя ва унинг методологик аҳамияти, ушбу сиёсатга доир ички ва ташқи таҳдидлар масалалари таҳлил қилинади, халқимиз танлаган дунёвий демократик тараққиёт йўлининг тарихан ўзини оқлаётганлиги масалалари ёритилади.

Ушбу китобда юртимиздаги бир нечта мазкур соҳада илмий-назарий фикрларга таянган ҳолда иш олиб борган бир қатор қуйидаги олимлар: А. Очилдиев “Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаш омили”, З. Хуснидиновнинг “Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари”, Э. Ибрагимов “Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни”, М. Хашимов “Юнеско фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари”, К. Камиллов “Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари”, А. Каримов “Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари (Ўзбекистон мисолида)”, У. Кушаев “Жаҳон динларида Бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги” каби мавзусидаги диссертация ишлари ва ишланмаларидан фойдаланилди.

I Боб. Ўзбекистоннинг динга оид давлат сиёсати ва унинг динлараро ҳамжиҳатликни таъминлашдаги методологик аҳамияти.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – динлараро ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий кафолати сифатида.

Миллий мустақиллик халқимиз тарихида мисли кўрилмаган ўзгариш ясади – мустақил иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тараққиёт ҳуқуқи қўлга киритилди, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этиш имконияти пайдо бўлди.

Мустақиллик бизга янгича тафаккур услубини, янгича дунёқараш заруратини тақозо этди. Чунки янги демократик, дунёвий жамиятни бир зумда яратиш мумкин эмаслиги, ҳали кишилар онгида эскича дунёқараш, мустабид тузум асоратлари сақланиб қолажаги, эски дунёқараш янги, замонавий дунёқарашга тўсқинлик қилиши маълум эди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йиллариёқ “бозор муносабатларига ўтиш учун одамларни шунга тайёрлаш, аввало, кўниктириш керак. 74 йил бир хил тузумда яшаб келиб, бир ёки икки – уч йил ичида бутунлай бошқа тартибга ўтиб бўлмайди”,¹ деб таъкидланган эди. Етмиш йилдан зиёд мавжуд бўлган совет тузумида кишиларда даҳрийлик, манқуртлик руҳи билан суғорилган, ўз диний эътиқоди, иймони, ота-онасини ҳам унутган шахс дунёқарашини шакллантиришга уриниш бўлган, бунга сиёсий тус бериб, ҳеч қандай маблағ аялмаган, мафкуравий ишлар мунтазам олиб борилган эди.

Сўзда социалистик жамият энг халқчил, демократик жамият деб эълон қилинса-да, амалда халқ сўзи, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари паймол қилинар, “халқ душманлари”, “диссидентлар” деган тушунчалар “Ватан хоини” тушунчасига тенглаштирилган эди. Павлик Морозов ва бошқа падаркуш инсонлар образи ёш авлод учун намуна деб тарғиб қилинар, социалистик Ватан муқаддас деб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1– жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 11-б.

ўсиб келаётган авлод онгига сингдирилар эди. “Октябрат”, “пионер”, “комсомол” деган тушунчалар шахс камолоти учун муқаддас ҳисобланиб, ушбу тушунчалардан маҳрум бўлиш, пионер ва комсомол ташкилотидан четлаштириш ўша даврда оғир жазо ҳисобланар эди. Диний эътиқод, иймон тўғрисида гап ҳам бўлмас эди, худосизлик энг ибратли ҳолат эди, атеизм совет мафқурасининг муҳим йўналишларидан бири эди.

Миллий мустақиллик буларнинг барчасига барҳам берди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан демократик жамият қуриш назарияси ишлаб чиқилди, унинг ҳуқуқий асоси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹ – Асосий қонун яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” иккинчи бўлимининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”² деб ифода этилган.

Шуларни ҳисобга олар экан, Ислон Каримов шундай деган эди: “Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, ислон динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки дин турмуш тарзимизга маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва куруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатдан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга”³. И.Каримовнинг ушбу фикр-мулоҳазалари 1992 йил 8 декабрида

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 80 бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1– жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 12-б.

қабул қилинган ва мустақиллигимизнинг кейинги йилларида ижодий тўлдириб ва такомиллаштириб борилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, унинг 18, 31, 57 ва 61-моддаларида конкрет тарзда ўз ифодасини топди, демократик жамиятнинг энг муҳим тамойили – виждон, эътиқод эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹ деб ёзиб қўйилди. Диний эътиқод эркинлиги эълон қилингандан сўнг жамиятимизда юзага келган ҳолат, ушбу эркинлик ҳуқуқидан фойдаланиб, мамлакатимизга диний экстремистик ва бошқа бузғунчи, вайронкор ғояларни олиб кирмоқчи бўлган кучлар, уларнинг мафкуравий қўпорувчилик фаолияти, миссионерлик, прозелитизм деган ғоявий таҳдидларнинг пайдо бўлиши кишилар онгини заҳарлашга уринганлигини, дунёвий тараққиёт йўлимизга таҳдид солганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Мустақилликка эришишимиз диний эътиқод эркинлигининг эълон қилиниши билан бир қаторда мустаҳкам ва мунтазам динга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этди.

Бундай сиёсатга зарурат фикримизча, қуйидагилар билан изоҳланади:

– **етмиш йилдан кўпроқ давр кишилар онгини атеистик (дахрийлик) ғояси билан заҳарлаб келган совет давлати мафкураси асоратларининг мавжудлиги;**

– **совет даврида кишиларнинг сиёсат ва давлат ишларидан бегоналашуви, иккиюзламачилик, яъни кўрқув остида дахрийлик либосини кийишга мажбур бўлганликда, бунинг натижасида диний эътиқоднинг тобора заифлашувида;**

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. Ўзбекистон, 2017. 13-бет.

– мустабид тузумда “коммунист” ва “атеист” бўлиш-киши карьерасининг, ижтимоий ўз ўрни ва мавқеига эга бўлишининг бош мезонига айлантирилганлигида, атеизм, дахрийлик маънавияти расмий жихатдан рағбатлан-тирилганлигида;

– жамият турли ижтимоий қатламлар онгида атеистик руҳиятнинг таълим-тарбия воситасида мустаҳкамланганлигида, виждон эркинлигининг умуман йўқлигида, ва ниҳоят – мустақилликнинг дастлабки йилларида жамиятда “мафкуравий бўшлиқ” ҳолатининг юзага келганлигида.

Маълум бўлишича, табиат “вакуум” ни, “бўшлиқ”ни ёқтирмагани каби жамият ҳам “бўшлиқ” ни ёқтирмас экан.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов “... бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади”¹ – дея, таъкидлайди.

“Мафкура” терминидан безган кишилар мустақилликнинг дастлабки йилларида виждон эркинлиги эълон қилиниши муносабати билан ўзига хос аросатда қолишди. Айниқса на дин ва на атеизм тўғрисида тушунча ва тасаввурга эга бўлмаган ёш авлод диний мутаассибчилар, турли товламачилар, дин номидан гапирадиган, бироқ ғаразли мақсадларни кўзловчи нопок, диндан бутунлай узоқ кишилар тузоғига илиндилар. “Ҳизб-ут Таҳрир”, “Нурчи” лар, “Жиходчи” ва “Акромийлар” деб аталувчи “авлиёлар” халқимиз танлаган эркин, дунёвий тараққиёт йўлига хавф солдилар, аҳолининг айрим қатламларини, айниқса дин ҳақида ҳақиқий тушунчага эга бўлмаган фуқароларни ўз тарафига оғдиришга ҳаракат қилдилар.

Асосий Қонунимизнинг 57-моддасида “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб кўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 12-б.

чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқиқланади”¹ деб, мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаб келмоқда.

Гарчи икки тузум ва икки сиёсий блоклар ўртасида геостратегик қарама-қарши туриш, ҳарбий мусобақалар, “совуқ уруш” даври барҳам топган бўлса-да, жаҳон мафкуравий жараёнлари, мафкуравий устунлик қилиш учун жаҳоннинг турли минтақаларида мафкуравий кураш мунтазам давом этар эди. Бу курашнинг совуқ шамоли Марказий Осиё ҳудудини, мустақилликка чиққан ёш давлатлар ижтимоий маконини ҳам четлаб ўтмади, айрим қўшни давлатларда мустақилликнинг дастлабки йилларида фуқаролар урушини келтириб чиқаришга ҳам, ўз ҳукмини ўтказишга ҳам муваффақ бўлишди. Вужудга келган бундай шароитда Ислом Каримов динга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини тушунди ва 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” қонун қабул қилинди. Кейинчалик эса “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”²ги Қонунни қайта ишлаб чиқиш лозимлигини, уни вазиятни ҳисобга олиб такомиллаштириш зарурлигини ва ижро ҳокимияти тасарруфида турувчи давлат секуляр сиёсатининг мунтазамлигини таъминловчи институт – Диний ишлар бўйича Қўмитани тузиш зарурияти юзага келди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 19-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда) Тошкент шаҳри, 1998 йил 1 май, 618-1-сон.

Натижада 1998 йил 1 майда янги таҳрирда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонун кучга кирди, динга оид давлат сиёсати қарор топди.

Қонуннинг аҳамияти шундаки, у ижро ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия тизими ва умуман ижро ҳокимияти учун дастурамал вазифасини бажарди. Агар 90-йиллар ўрталарида масжидлар сони 4 мингдан зиёд бўлган бўлса, янги қонун талаблари асосида улар тенг ярмига қисқарди. Бу динга нисбатдан дискриминация ёки даҳрийлик сиёсатини қайта тикланиши эмас эди, албатта. Бу ҳақида Ислом Каримов 1993 йил 4 мартада МДХ даги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат чоғида АҚШ нинг “Ассошэйтед пресс” агентлигининг мухбири Александр Меркушевнинг “Президент жаноблари, сизнинг мамлакатингизда ислом дини қонун-қоидалари тикланиши яққол намоён бўлмоқда. Айни вақтда Сиз Ўзбекистондаги барқарорлик учун ислом ақидапарастлиги энг катта хавф эканлигини бир неча бор айтдингиз. Рисоладагидек ислом билан барқарорлик ва тинч турмушни бузадиган жангари ислом ўртасида чегара борми?” деган саволига биринчи Президентимиз: “Бултур мен асосий дини ислом бўлган кўпгина мамлакатларга бориб келдим. Маккаи Мукаррамада, Мадинаи мунавварада, Эронда, Малайзияда, Индонезияда, Покистон, Мисрда бўлдим.

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига ишончим комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар, Ислом дини инсонларни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтганда, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Ахмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар... бизда масжидлар тикланмоқда.

Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир... Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман”¹, деб таъкидлайди.

Ислом Каримовнинг бу жавоблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг диний эътиқод ва виждон эркинлигига оид асосий қоидаларни ифода этади ва динга оид секуляр сиёсатнинг мақсади ва моҳиятини ифода этади.

Конституцияга мувофиқ динга оид давлат сиёсатининг моҳияти қуйидагилар:

– Конституциянинг 18-моддасида ифодаланганидек. “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”;

– диний бағрикенглик – Ўзбекистонда динга оид сиёсатининг тамал тошидир. Диний эътиқодга мансублик, титул миллат диний эътиқодидан фарқ қилиш таъқиб қилинмайди;

– динлараро, конфессиялараро ҳамжихатлик, ўзаро дўстлик ва ҳурмат ришталарини мустаҳкамлаш динга оид давлат сиёсатининг ажралмас қисмидир;

– дин давлатдан ажратилгандир, улар бир-бирларининг ишларига аралашмайдилар;

– диний мафкурага асосланувчи фирқалар, партиялар, уюшма ва ҳаракатларни тузиш мумкин эмас, улар қонунга зиддир;

– Конституциявий тартибни қўпоришга, ўрта аср қабилидаги диний давлат (халифалик) қуриш маън этилади;

– диний ташкилотлар ва диндор кишилар Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақоми талабларидан келиб чиқиб амалдаги қонунчиликка бўйсунушлари шарт;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1– жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 164-б.

- миссионерлик таъқиқланади;
- яширин диний ташкилотлар ва гуруҳлар тузиш, хорижий диний экстремистик ва террористик ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш таъқиқланади;
- диний эътиқод мажбуран сингдирилмайди, диний эътиқодсиз фуқаролар таъқиб қилинмайдилар;
- прозелитизм ва миссионерликка оид фаолият қонунга ва конституцияга зиддир.

Конституциямизнинг фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга оид моддаларини акс эттирувчи ушбу талаблар динга оид давлат сиёсати – секуляр сиёсатни акс эттиради. Ушбу сиёсатда миллий жиҳатлар билан бир қаторда жаҳон маърифий-маданий ҳамжамияти томонидан умумэътироф этилган ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳам акс этади ва ҳақиқий демократизмни ифода этади. Бугунги Ўзбекистонда 136 миллат ва элат вакиллари, 16 диний конфессия эркин-эмин фаолият кўрсатади. 2017 йил маълумотига кўра юртимизда 2052 та масжид*, 9 та ўрта-махсус ислом билим юрти, 2 та олий ўқув юрти, 157 та христиан ташкилоти, 8 та яҳудийлар жамоаси, 6 та баҳойлар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 12 та диний ўқув юрти (1 та ислом махади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та Тўлиқ инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.”¹ Мазкур жамоалар ва ташкилотлар мавжудлигининг ўзи миллатлараро, динлараро ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликнинг мавжудлигинигина эмас, балки бундай ҳолатнинг ортида пухта ва ҳар томонлама ўйланган изчил давлат сиёсати турганлигини кўрсатади.

Ижтимоий фалсафий жиҳатдан қараганда Марказий Осиё минтақаси демографик, этнопсихологик ва этномаданий жиҳатдан худди Болқон ярим оролидаги ҳолатга ўхшаб кетади, бу ерда ҳам

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маълумоти (2018 йил август).

¹ Ўзбекистондаги маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари эришилган натижалар ва истиқболи. Тўплам. – Т.: Академия, 2010. -253 б.

турли маданиятлар ўзаро аралашиб кетган, кўпмиллатликка асосланган янги мустақил давлатлар пайдо бўлган.

Айрим геосиёсий кучлар геостратегик жиҳатдан, углеводород ва бошқа ҳом ашё ресурслари жиҳатдан етакчи захира худудларидан ҳисобланган Марказий Осиё минтақасига кўз тикишади, ўз манфаатларида гоҳо “миллий-этник” картани, гоҳо эса “диний-конфессионал” картани “катта ўйин”га солмоқчи бўладилар, барқарорликни бузмоқчи, низо чиқариб “ҳакамлик” қилмоқчи, миллий мустақил ривожланишга раҳна солмоқчи бўладилар.

Хўш, бундай вазиятда ташқи ва ички таҳдидларга нимани қарши қўйиш мумкин, уларни қайси йўл ва усул билан зарарсизлантириш мумкин? Бу саволга Биринчи Президентимиз Ислон Каримов лўнда ва содда қилиб “Маънавият – Юксак маънавият – енгилмас куч” деб жавоб берган эдилар. “Нега деганда, – инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”¹.

Масалага фалсафий қараганда, миллий мустақиллигимизга, миллий ривожланишимизга таҳдидларни бартараф этиш фақат бир йўл – маърифий йўл билан ҳал этилиши мумкин. Фалсафий мушоҳада қилар экан, биринчи Президентимиз “жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард – оқибатда таназзулга юз тутади”² деб таъкидлаганлар.

Маънавият асосида кишилар ўртасида меҳр-мурувват, ҳамжихатлик, ҳамдардлик, ҳамфикрлилик, саховатпешалик, ўзаро ҳурмат каби ахлоқий категориялар ётадики, улар “толерантлик” ёки “бағрикенглик” деган ижтимоий категория воситасида интегратив

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. И.Каримов. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 11 б.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 222 б.

шаклда ифода этилади. Концептуал жиҳатдан қараганда ушбу муаммо онгда толерантликнинг шаклланиши деган қиёфада гавдаланади. Киши онгида толерантлик ҳислатининг шаклланиши жамиятда ижтимоий барқарорлик, осойишталик, тинчлик ва фуқаролараро ҳамжиҳатликнинг муҳим гаровидир. Муаммонинг сиёсий ва фалсафий жиҳатларидан бири толерантликнинг “муроса” ва “бағрикенглик” каби категориялар билан ўзаро субординация қилиши, интеграциялашувига эришишдир. Ушбу муаммонинг фалсафий жиҳатлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг фикрича “давлат томонидан олиб борилаётган миллий сиёсатда ҳар бир миллат ва элат вакилларининг эҳтиёж ҳамда манфаатларининг ҳисобга олиниши ва барча соҳалардаги тенглигининг қонун билан белгилаб қўйилганлиги ва уларнинг амал қилиши устидан назорат қилиши кабилар муҳим аҳамиятга эга”¹ деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси айнан шундай ҳолатнинг жамият ҳаётида қарор топишининг ҳуқуқий кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бундай ҳолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб, 18-моддада фуқаролик ҳуқуқлари шаклида тенглик принципи орқали ифода этади.

Юқорида таъкидланганидек, фуқароларнинг миллати, дини, эътиқоди, ирқи, жинси ва ҳ.к. хусусиятларидан қатъий назар ушбу моддага биноан қонун олдида тенгдирлар, бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Бу мамлакатимизда қарор топган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчилик ҳолати учун ойдек равшан, ҳаммага маълум нарсадир. Ундай бўлса, бу ерда муаммо нимада, қандай муаммо бор, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан қайси масала долзарб, деган ўринли савол туғилади. Ўзбекистонда миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатлик, толерантлик муҳитининг мавжудлигига фақат тирноқ остидан кир қидирувчи, фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва бирлик муҳитига хасад билан қаровчи ташқи кучлар ёки ичимиздаги айрим ношукур, гумроҳ бандалар шубҳа билдириши мумкин. Бироқ муаммо шундаки, кўпчилик бугунги

¹ Хожиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. Т.: “Fan va tehnologiya”, 2010. – 111 б.

Конституциявий ҳолатнинг собиқ иттифоқдаги ҳолати ва ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳолат ўртасидаги принципиал фарқни ҳар доим ҳам фарқлай олмайди. Гап шундаки, бугун ҳар бир миллат ва элат томонидан миллий ўзликни англашга, миллий ва тарихий этномаданий идентификация қилишга (ўзини танишга – И.С., А.О.) интилишнинг тобора кучайиб бораётгани, нафақат постсовет ижтимоий маконида, балки жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳам авж олаётган бир паллада мамлакат ҳудудий яхлитлигини (антисепаратизм), ижтимоий барқарорликни ва толерантликни сақлаб қолиш ва уни тобора мустаҳкамлаш бағоят муҳим муаммодир. Қолаверса, муаммонинг “де юре”, яъни, қонунда ва “де факто” яъни, амалда деган жиҳатлари борки, уларни ўзаро уйғунлаштириш ҳам назарий ва ҳам амалий муаммодир.¹

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасидаги бугунги миллатлараро, динлараро толерантлик, ўзаро бағрикенглик муҳити фақат қоғозда эмас, балки амалда, ҳаётда ҳам мавжуддир. Буни қатор Ғарб олимлари, шунингдек, мамлакатимизда ўзбеклар билан бир ягона оилада яшаб, меҳнат қилаётган юздан ортиқ миллат ва 16 дан зиёд диний конфессия вакиллари ҳам эътироф этишмоқда. Масалан, Тошкент ва Ўрта Осиё собиқ архиепископи ҳазрат Владимир бу жиҳатларни назарда тутар экан “Янги замонда, айти жонажон Ўзбекистонимизда икки жаҳон дини – ислом ва православиянинг бутун оламга намуна бўлгулик нодир ҳамкорлиги тажрибаси тўпланган”² дейди.

Агар муаммога Конституциявий ҳуқуқ жиҳатидан қарайдиган бўлсак, собиқ иттифоқ даврида на ислом, на христиан динига адолатли ёндашув бўлган, барча дин “халқ учун афюн” (К.Маркс) деган ақидага асосланиб, доим қувғинда эди. Нафақат диндорлар, балки диний ташкилотлар фаолияти ҳам таъқиқланган эди. Эндиги

¹ Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Т.: ТДЮИ. 2006. – 157 б.

² Қаранг: Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 195 б.

муаммо миллий бағрикенглик ва миллий давлатчиликни жонлантириш билан боғлиқ.

Агар аниқроқ ифодаламоқчи бўлсак, Ўзбекистонда фуқаролик мавқеи билан тил мавқеи ўртасида муайян зиддиятлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Бундай зиддиятни тинч йўл билан фақат бир восита – мамлакат аҳолисини маънан ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилувчи миллий ғоя воситасида ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон Конституциясида катта салоҳият мавжуд. Ушбу салоҳият шахс ҳуқуқ ва эркинликларига фуқаролик ҳуқуқларига, давлат ва жамият қурилиши қоидаларига бориб тақалади.

Бугунги Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг энг юқори поғоналаридан тортиб то маҳаллий бошқарув тизимигача бўлган ҳуқуқий маконда миллий ва диний фарқларга нисбатан толерантлик принципи амал қилади. Марказий Осиё мустақил давлатлари ичида фақат Ўзбекистонда масъул лавозимларга тайинлашда ёки сайловларда миллий ва диний мансубликка эътибор берилмайди, балки даъвогар шахснинг ахлоқий, инсоний, касбий ва малакавий фазилатлари асосий деб қаралади. Шу боис давлат тузилмалари таркибида турли лавозимларда турли миллат ва элат вакиллари ўзбеклар билан елкама-елка туриб ижтимоий-иқтисод ислохотларни амалга оширмоқда, Ўзбекистон манфаатини ўз манфаати деб тушунмоқда.

Бироқ айрим хорижий тадқиқотчилар Ўзбекистондаги бу ҳолатни “қийшиқ ойна”да акс эттирган каби ўз асарларида нотўғри, бузиб талқин этмоқдалар, келажакда гарчи диний “низо” келиб чиқмаса-да, миллий “низо” муқаррар келиб чиқишини башорат қилмоқчи бўладилар.¹

Масалан, уларнинг ушбу “башорат” учун асосий аргументи – давлат тили мақоми масаласи билан боғлиқ.

Муаллифлар Понарин Э.Д. ва Мухаметшина Н.С. фикрича, маҳаллий миллат ёки илмий тил билан ифодалаганда “титул

¹ Масалан, қаранг: Понарин Э.Д., Мухаметшина Н.С. Национальные проблемы на постсоветской территории. СПб.: Институт “Открытое общество”, 2001. – 79 с.

миллат”нинг тили давлат тили мақомига эга бўлган мустақил давлатлар ичида Марказий Осиё минтақасида фақат Ўзбекистон давлатидир. Уларнинг фикрича Ўзбекистонда русийзабон миллатлар тили ва маданияти иккинчи даражада бўлганлиги сабабли мамлакатдан Россия ва бошқа хуудларга аҳоли миграцияси айниқса Ўзбекистонда юқори эмиш.¹ Тадқиқотчилар ҳақиқий ҳолатни билмаганликлари сабабли миллий миграция билан иқтисодий мотив (сабаб, баҳона) билан боғлиқ бўлган гастарбайтерлар миграцияси билан адаштирадилар, муаммога сиёсий тус бермоқчи бўладилар. Бундай “тадқиқот” реал воқеликдан батамом узоқлиги маълум.

Юқорида тилга олинган муаллифларнинг Ўзбекистонда фақат титул миллат ижтимоий мавқеи устувор, деган фикрлари ҳам батамом асоссиздир.

Ушбу ғайри-илмий мулоҳазалар ва жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, фуқаролараро ва динлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш эҳтиёжи Ўзбекистонда динга оид давлат сиёсатининг назарий-методологик масалаларини янада чуқурроқ тадқиқ этишни, ижтимоий фалсафий хулосалар ишлаб чиқиш ва амалий тавсиялар яратишни бағоят долзарблаштиради. Бунинг учун умуминсоний муаммо бўлмиш секуляризация ва унинг муқобили – ресекуляризация ҳодисаларининг илмий-тарихий ва назарий-методологик асосларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш тақозо этилади. Зеро бундай зарурият ижтимоий-фалсафий таҳлилни фақат назарий модел бўлибгина эмас, балки мамлакат барқарорлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, миллий тараққиётни таъминлаш борасида фаолият юритувчи давлат институтлари ва нодавлат ташкилотлари фаолияти учун амалий-услубий дастур, қўлланма ва кўрсатма вазифасини ўташи мумкинлиги билан изоҳланади.

¹ Ўша асар, 40-41 бетлар.

* “Гастарбайтерлар” – бозор муносабатлари билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, ортиқча меҳнат ресурсларининг бир иқтисодий хууддан иккинчи иқтисодий хуудга эркин кўчиши, иқтисодий аҳволни яхшилашга уринувчи ишчилар табақаси – А.О.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим ва диққатга сазовор жиҳатларидан бири – нафақат виждон, эътиқод эркинлигига ҳуқуқий кафолатлар берилди. Балки ҳар бир алоҳида диний эътиқод учун ҳуқуқий-ижтимоий маконга руҳсат беради. Гап шундаки, инсон она қорнидан бирон бир эътиқодга эга бўлиб туғилмайди. Инсон эътиқоди муайян ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Демак, у ёки бу эътиқоднинг кишида қарор топишида оила (микро муҳит), маҳалла, жамоа (макро муҳит) ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шу ўринда инсон эътиқодини шакллантирувчи уч омилини кўрсатамиз:

- инсон ҳаётининг мақсади ва мазмунини англатадиган, ҳаётий дунёқарашини белгилайдиган, халқимизнинг буюк ва қадимий меросида ифодаланган гуманитар билимлар;

- шахснинг интеллектуал салоҳиятини юксалтирадиган ва чуқурлаштирадиган, таълим жараёнларини баҳолашнинг энг холис йўлларини, тамойилларини, усулларини шакллантирадиган илмий-назарий, ижтимоий-фалсафий билимлар;

- ўзга халқлар ҳаёти, маданияти, маънавияти, дунёқарашини ўргатадиган, уни ўзи мансуб миллий маданият билан таққослаб, ҳар бирининг муносиб ўрнини англашга имкон берадиган ҳозирги замон илғор ижтимоий билимлари¹.

Дарҳақиқат, ушбу омилларнинг тадрижий ҳаракати орқали инсон эътиқоди маълум бир асослар орқали шаклланиш билан биргаликда мустаҳкамланиб бориш механизмини бугунги кунда ёшларда миллийликка интилиш жараёнида кўришимиз мумкин.

Ижтимоий фалсафа ва социология фанлари соҳаларида “шахс ижтимоийлашуви” деган категория ва муаммо мавжуд. Методологик жиҳатдан инсонда диний жиҳатдан ҳам ўзига хос ижтимоийлашув жараёни кечади. Масалан, ижтимоий маконда кишиларнинг диндорлик (тақводорлик) даражаси турлича бўлади.

¹ Саифназаров И. Ахборот хуружлари ва мафкуравий иммунитет // “Парламент назорати ва ОАВ-мамлакатни модернизациялашнинг муҳим омили” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2012 йил 20 февраль Т.: 2012. –Б. 6-7.

Ҳатто бир оилада ўсиб-улғайган оила аъзоларида ҳам эътиқод, иймон даражаси ва мустақамлиги турлича бўлади. Девиант ҳулқ-атворга мойиллик ҳам айнан шундай индивидуал фарқларга асосланади. Диалектиканинг муҳим қондаси – яккалик, алоҳидалик ва умумийлик диалектикаси ушбу ҳодисада ўзини яққол намоён қилади.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган адолатли сиёсатга таҳсинлар айтиш мумкин. Масалан, собиқ совет тузумида диндор оиладан чиққан инсон учун ҳеч қандай истиқбол йўқ эди ҳисоб, гарчи уни “халқ душмани” деб атамасалар ҳам, агар у диндор оилада ўсиб-унган бўлса, шаклланса бирон бир ижтимоий ишончдан маҳрум эди. Юқорида тилга олинган “октябрий”, “пионер”, “комсомол” деган сиёсий фарқловларга биноан бирон бир динга мансуб ёш давлат кадрлар сиёсатидан четда қолар эди.

Бу ҳолатни Президентимиз Ш.Мирзиёев қаттиқ қоралади, у собиқ совет қатағон сиёсатининг инерцияси, “изм”дан бошқа нарса эмас эканлигини таъкидлаб, қанчадан қанча иқтидорли кадрлар натижада бирон бир айб билан (яқинларидан бирининг судланганлиги, диндорлиги, мулкдорлиги) ижтимоий ҳаётдан четлаштирилар, масъулиятли лавозимлардан маҳрум қилинар эдилар. ЧК, НКВД, КГБ деган репрессив ташкилотлар, уларнинг гумашталари бу ишда жонбозлик кўрсатиб минглаб истеъдодли кишиларни “учлик” қарори билан жисмонан йўқ қилиб юборган эдилар. Муҳтарам Президентимизнинг ушбу масала бўйича сиёсати ўзининг халқчиллиги билан, инсонпарварлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Диалектиканинг юқорида эслатилган методологик қонуниятига биноан ҳар бир индивид, шахс ўзига хос ва мос муайян ҳатти-ҳаракати, ҳулқ-атвори учун масъул ва жавобгар бўлишига эришиш лозим.

Тадқиқотчи Г.Каримованинг фикрича,- “Индивидуализм – ўз кучига, лаёқатига, имкониятларига ишонч, масъулиятни ўз зиммасига олиш, ўз мустақил фикрига эга бўлиш демакдир. Аввало ўзини севган бошқани ҳам сева олади, дейди донишмандлар.

Ўзининг афзалликларини, нималарга қодирлигини юқори, объектив баҳолайдиган инсон ишонч билан фаолият юритади. Демак, кўпчиликда индивидуализм у ёки бу даражада ривожланган. Ахлоқий тамойил сифатида ғурурининг баландлигини, ўз шаъни ва кадр-қимматини сақлашни ривожлантиради”.

Шу ўринда, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг кадрлар масаласи бўйича янги сиёсати ҳуқуқий, инсонпарвар бўлиши билан бирга уни адолатли ҳам деб баҳолаймиз. Ушбу сиёсат конституциявий аҳамиятга молик. Нима бўлса ҳам ҳатто террорчи жангари, диний мутаассибчи ҳам юртимиз фуқаросидир, ундан воз кечиб бўлмайди. – Бундай эси озган, адашган фуқароларни бу йўлдан қайтариш, бошқаларни улар сафини тўлдиришларининг олдини олишда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси диний эътиқод масаласи бўйича масъулиятини оила институтига қўяди. Чунки, “тўғри” ҳам, “ўғри” ҳам оиладан чиқади, онадан у тўғри ёки ўғри бўлиб туғилмайди. Шундай экан инсон боласини инсон қиёфасида шаклланиши учун даставвал оила масъул ва жавобгардир. Ота-онадаги диний эътиқоднинг фарзандга ўтиши табиий, қонуният даражасидаги жараёнидир.

Бугунги кунгача бу муаммо ижтимоий фалсафа соҳасида етарли ўрганилмаган. Ушбу муаммонинг криминологик, девиант жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар махсус илмий тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Ушбу муаммо айниқса 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси, бунинг бешинчи устувор йўналишига алоқадор бўлиб, динлараро, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш масаласи билан боғлиқ. Ушбу муаммонинг марказида ҳазрати инсон муаммоси туради. Демак, у биринчи навбатда ижтимоий-фалсафий ва фалсафий антропологик муаммодир.

Педагогик, дидактик, социологик, психологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳ.к. тарбиянинг асосий йўналиши конкрет амалий натижаларни таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, у бугунги кун инсонининг маънавий табиатини қандай қилиб соғлом ўзакда шаклланишини илмий жиҳатдан таъминлаши даркор. Акс ҳолда

Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсади – Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва бунинг учун қонун устувор бўлган ижтимоий маконни шакллантиришга эришиб бўлмайди. Чунки бундай юксак маррага фақат ва фақат илм-маърифат, билим ва соғлом тафаккур воситасида эришиш мумкин.

Конфессиялар, динлараро мулоқот, ҳамжиҳатлик ва толерантлик масаласига келсак, бу масала Ўзбекистон келажагини белгилайди. Масалан, ҳозирги кунда (2018 йил маълумотига кўра) Ўзбекистон аҳолисининг сони 33 млн.дан ошган бўлиб, улар 130 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Фуқароларнинг 93% дан зиёди ислом динига эътиқод қилади. 3,5% га яқин фуқаролар православ динига мансуб бўлиб, қолганларини бошқа конфессия вакиллари ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессияга мансуб 2239 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2065 таси исломий, 155 таси христиан, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳоий жамоалари, биттадан Кришнани англаш жамияти ва Будда ибодатхонасидир. Булардан ташқари конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда ҳамда бошқа диний конфессияларга мансуб диний ташкилотлар фаолияти уларнинг тарихий ватанлари билан боғлиқ, улар ўз диний марказларида ишлаб чиқиладиган йўриқномалар асосида фаолият юритадилар.

Масаланинг қалтис томонларидан бири шундаки уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари масаласи етарли аниқланмаган. Миссионерлик, прозелитизм каби салбий ҳодисаларининг вақти-вақти билан ошқор бўлаётганлиги давлатлараро ҳуқуқий механизмнинг ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаганлигидан далолат беради.

Республика байналминал маркази, миллий-маданий марказлар фаолиятига, улар ўтказётган турли тадбирларга маҳлиё бўлиб, юқори баҳо бериш билан бирга айрим муаммоларни ҳам чуқур таҳлил қилиш, жаҳонда кечаётган динлараро жараёнлар контекстида илмий кузатувлар олиб бориш - бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳриридаги Қонуни – давлат ва диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти унда ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар¹.

Чунки бугунги давр, динлар, конфессиялараро кечаётган зиддиятли жараёнлар, диний радикализм, халқаро терроризм маҳаллий шаклда ҳам ўз аксини топади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган динга оид эркинлик ва ҳуқуқлар дунёвий илмий тадқиқотларни мунтазам олиб боришни тақозо қилади.

Яқин Шарқда, Шимолий Африкада дин ва демократик тараққиёт тарафдорлари ўртасида кечаётган етакчилик учун жараёнлар давлат секуляр сиёсатни илмий ва диалектик асосда олиб боришни тақозо қилади. Чунки, диний эътиқод дунёвий ҳаётга шундай сингиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш мушкул. Чунки халқ анъана ва удумларида, турли маросимларда дунёвий жиҳат билан бир қаторда диний жиҳат ҳам яшаб келади. Ҳатто дахрийликка асосланган собиқ шўро Конституцияси ҳам уларни айри қила олмади. Диний эътиқод инсон қалбидан ташқи таъқиқларга қарамай яшаб келди. Миллий мустақиллик диний эътиқодга эркинлик берди, у энди баралла эркин нафас олмоқда. Давлатимизнинг динга оид сиёсати бу жараённи борган сари кучайтирмоқда ва кенгайтирмоқда, конституциявий жиҳатдан кафолатламоқда.

¹ “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда) 1998 йил 1 май, 618-1-сон.

1.2. Секуляризация ва ресекуляризация

Кўпмиллатли давлат ва жамият шароитида миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш орқали жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва ривожлантириш дин, давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни илмий талқин қилишни тақозо этади. Бугунги кунда тинчлик ва барқарор ривожланишга таҳдид солаётган диний мутаассибчилик, экстремизм, терроризмнинг сабаби ҳам айрим кишиларнинг дин, унинг асл моҳиятидан беҳабарлиги, саводсизлиги билан боғлиқ. Маърифатгина турли бузғунчи, вайронкор ғоялар таъсирини камайтиради.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти томонидан ўз вақтида “Жаҳолатга қарши маърифат” деган шиорнинг ўртага ташланиши, Ўзбекистоннинг динга муносабатини “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас” деган тамойил орқали ифодаланиши мамлакатимизда динлараро тотувлик муҳитини шакллантирди.

Ўз навбатида ушбу тамойилни янада юксалтиришнинг яққол ифодаси сифатида давлатимиз раҳбари 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини сақлаш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда диний соҳа вакиллари олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб **“Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этсак, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади”**¹, – деган таклифларида ўз аксини топди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 491-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида Ўзбекистонда динга оид давлат сиёсати шаклланган бўлиб, юқорида тилга олинган тамойил дин ва давлат муносабатлари учун асос қилиб олинди ва диний маърифат учун шу асосда мисли кўрилмаган шароитлар яратилди. Агар мустақилликкача республикамизда бор йўғи 80 та масжид фаолият юргизган бўлса, бугунги кунда (2018 йил маълумотига кўра) масжидлар сони 2042 дан зиёд. Ҳозирги кунда Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви асосида 10 та ўрта махсус билим юрти (мадраса) ва Тошкент ислом институти фаолият юргизмоқда. Миллий меросимиз ислом билан боғлиқлигини ҳисобга олиб Биринчи Президент Ислам Каримов 1998 йил 7 апрелда Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида фармон чиқарди. Диний билимларни дунёвий талаблар асосида ўрганиш, ислом дини соҳасида фаолият кўрсатувчи кадрларни тайёрлаш бўйича бундай махсус олийгоҳ Марказий Осиёда ягонадир. Тошкент ислом университетининг диний бағрикенглик ғояларини фуқаролар онгига сингдиришда, кофессиялараро ўзаро дўстлик ва бағрикенглик ришталарининг мустақамланишидаги катта роли қатор хорижий олимлар, шунингдек ушбу университетга ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар томонидан ҳам эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Бугунги кунда университет халқаро Ислам академиясига айлантирилди, унинг қошида Исламшунослик илмий тадқиқот Маркази, академик лицей ва ислом соҳасига ихтисослашган махсус мактаб фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили университетнинг ислом тарихи ва фалсафаси, ислом ҳуқуқи (фиқҳ), иқтисод ва табиий фанлар факултетларини юзлаб талабалар битириб чиқмоқдалар, улар мамлакатимиз маърифий ишларига катта ҳисса қўшмоқдалар, ақидапарастлик, диний муросасизлик, экстремизм - ислом дини моҳиятига батамом зид эканлиги маърифий йўл билан фуқароларимиз онгига сингдирмоқдалар.

Мамлакатимиз ҳудудида, Мовароуннаҳрда азалдан дунёвий давлатчилик ҳукм сурган. Илмий тил билан ифодалаганда секуляризм Марказий Осиё ҳудудида узоқ тарихга эга. Ислам

динининг VII аср охирларида Марказий Осиё ҳудудига кириб келиши маҳаллий туркий халқлар маданияти ва эътиқоди томонидан яхши кутиб олинган. Чунки исломгача туркий халқлар ҳам яккахудоликка, Тангрига эътиқод қилганлар, Оллоҳ ҳам Тангри каби ягона қудратли куч, яратувчи деб эътироф этилган. Шу боис ислом динининг Марказий Осиё ҳудудига, туронзаминга кириб келиши маълум маънода анча осон кечган. Акс ҳолда орадан бир, бир ярим аср ўтиб Марказий Осиёда ислом олами учун Уйғониш даври – Мусо ал-Хоразмий, ал-Фарғоний Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва бошқа мутафаккирлар бошлаб берган илм-фан, маънавият ва маърифат равнақи, футувватчилик, сўфийлик, тасавуфчилик ва бошқа турли тариқатлар юзага келмас эди.

Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида 2017 йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида, – Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машҳур бўлган. Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуғ ватандошларимиз – алгоритм асосчиси Ал-Хоразмий, қомусий олим Ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ғарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутафаккир зотларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир,¹ – деб таъкидлади.

Ислом дини ақидалари Марказий Осиёда исломгача бўлган маданият ва ахлоқ билан тезда уйғунлашиб кетган. Бунинг сабаби ислом динининг дунёвий ҳаёт қадриятлари ва қонунларига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 11 сентябр. 181 (6875).

яқинлигида, эзгулик, ҳалоллик ва адолатпарварлик унинг асосий тамойиллари эканлигидир. Бу жиҳат бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, замондошларимиз ислом динининг азалий кадриятларини, эзгулик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат тамойилларини ҳозир ҳам аввалгидек қадрлашади. Ислом Каримов ислом дини бундан буён ҳам халқимизнинг олий маънавий кадрияти бўлиб қолаверади, у ота-боболаримиз динидир, дейди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида, – “Сизларга яхши маълум, бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда.

Ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилган, Дониёр пайғамбар номи билан аталадиган мақбара ислом, христиан ва яҳудийлик дини вакиллари томонидан бирдек эъзозланади.

Эл-юртимиз неча асрлардан буён бу қутлуғ қадамжони асраб-авайлаб, обод қилиб, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келмоқда.

Шу биргина мисолнинг ўзи олижаноблик, эзгулик ва том маънодаги бағрикенглик фазилати халқимиз табиати, менталитети асосини ташкил этишидан далолат беради”¹ – деган сўзлари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида нафақат ислом дини жамиятимизда тикланди, балки унинг ривожини билан боғлиқ бўлган буюк шахслар – Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Ахмад Яссавий, Мотурудий, Бурхониддин Марғиноний каби алломалар асарлари, таълимотларидан халқимиз илк бор баҳраманд бўлди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 464-465-бетлар.

Ислом динига бўлган янгича муносабатнинг яна бир муҳим факти – мусулмонларнинг муқаддас китоби – Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди, унинг мазмуни ва моҳияти билан бевосита танишиш имконияти яратилди.

Бироқ ислом динини тиклаш ва обрўйини кўтариш бўйича эришилган ютуқларни шарҳлаш эмас, балки мустақиллик шарофати билан, исломий эътиқод учун конституциявий кафолатлар ўрнатилиши билан юзага келган давлат ва жамият ҳаёти учун шаклланаётган таҳдидлар, уларни бартараф этиш муҳим муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммо концептуал ва контекстуал тамойилларга эга бўлиб, уларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Аниқроқ ифодаламақчи бўлсак, ушбу муаммо “секуляризм”, секуляризация, секуляр сиёсат деган тушунчалар билан боғлиқ. Ушбу тушунчаларни илмий таҳлил қилиш ва уларнинг маъносини тўғри тушуниш ва изоҳлаш давлат ва жамият, дин ва давлат муносабатларини ягона мақсад атрофида умумлаштиради, айрим нохуш ҳодисаларни – экстремизм, диний мутаассибчилик, ақидапарастлик ва ҳ.к. салбий ҳодисаларнинг олдини олади, натижада жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, ислом секуляризм принципи дин ва давлат муносабатларида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафотидан сўнг қарор топган.¹ Шарқдан фарқли ўлароқ Ғарбда нафақат Уйғониш даври (Ренесанс), балки секуляризм принципи ҳам бирмунча кечроқ жамият ҳаётида қарор топди. Ушбу муаммо тарихи билан махсус шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича “секуляризм” атамаси илк бор 1648 йили Франция элчиси томонидан Вестфаль сулҳи

¹ Хасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш // Ислом ва дунёвий маърифий давлат. З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер – Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т.: 2003. – 26-30 бетлар.

музокаралари давомида руҳонийлик институтини жамият ҳаётидаги ўрнига барҳам бериш маъносида зикр этилади.¹

Маълумки ўрта асрларда нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам руҳонийлар институти (черков) жамият ҳаётида етакчи ўрин тутган, ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва бошқа масалалар руҳонийлар иштирокида ҳал қилинган. Диннинг жамият ҳаётида, давлат бошқарувида мавқеи юқори бўлган. Черков, руҳонийлар катта ерларга эгалик қилган. Секуляризм Ғарб Реформация даврининг етакчиларидан Ж.Уиклиф, Д.Гус томонидан XV асрда кўтариб чиқилган бўлса, XVI асрга келиб М.Лютер томонидан янада ривожлантирилган ва жамият ҳаётида оммалаштирилган. Этимологик жиҳатдан қараганда “секуляризм” атамаси лотинча “secular”, “secularus” сўзидан олинган бўлиб, “дунёвий тамойил”, “дунёвийлик” деган маънони англатади.

Фан оламида катта обрўга эга бўлган, қисқача Оксфорд луғатида эса “секуляризм – инсон дунёвий ишлари учун ғамхўрлик қилувчи, бироқ Худога эътиқод қилиш ва истиқболдаги ҳолатдан ташқари бўлган ахлоқий таълимот”² деб, таърифланади.

Секуляризм тушунчасининг илк маъноси билан бугунги маъноси ўртасида фарқ мавжуд.

Агар ўзининг илк ишлатилишида секуляризм мазмун жиҳатидан қуйидаги уч таркибий қисмни, яъни:

1. Черков қарамоғида, тасарруфида бўлган ерларни давлат ҳисобига мусодара қилиш, давлат ихтиёрига ўтказиш.

2. Динни дунёвий турмуш тарзига мослаштириш (уни “дунёвийлаштириш”).

3. Кишини диний онгдан озод қилиш, яъни унинг дунёқарашини шакллантиришда черков таъсирини чеклаш, фанга черков аралашувига чек қўйишни қамраб олади.

¹ Қаранг: Питш Р. Современное секулярное государство в условиях исламского общества. // Секуляризм и ислам в современном государстве: Что их объединяет? Материалы международного “круглого стола” (Алматы за ноябрь 2004 г.). Б.К.Султанов – Алматы: КНСИ при Президенте Р.К., 2008. – с. 39.

² Қаранг: Merriam – Webster’s Collegiate Dictionary, 1056. Frederick C.Mish (ed.), 10 th Edition. Merriam – Webster’s Inc., 1994. – p. 47.

Ғарб илмида секуляризм тушунчасини мутлақ “дунёвийлик” деган тушунчага яқинлаштиришга ҳаракат қилинади. “Секуляризм” собиқ шўро даврида ҳатто “дахрийлик”, “атеизм” деган маънога ҳам яқинлаштирилиб, давлат расмий мафкураси даражасигача кўтарилган, дин ва диндорлар қувғинга учраб, К. Маркснинг “дин – халқ учун афюнدير” деган тезиси оммалаштирилган эди.

Аслини олганда секуляризм инсоният тарихида ижобий из қолдирди. Секуляризмнинг жамият ҳаётида қарор топиши натижасида эркин, либерал фикрловчи кишилар ҳаёти сақлаб қолинди, инквизиция (диний суд) судлари ўз вақтида қутуриб инсониятнинг Жордано Бруно, Николай Коперник, Галилео Галилей ва бошқа буюк сиймоларини таъқиб этган ва жазолашган бўлса, секуляризм сиёсатининг қарор топиши диннинг давлат ишларига аралашувига, айрим кучлар томонидан динни ниқоб қилиб ҳур фикрловчи кишиларни таъқиб қилишга чек қўйди. Агар тарихга муурожаат қилсак, секуляризм сиёсати росмана равишда, илк бор XVIII асрда Франк давлати қироли Карл Мартелл томонидан юргизилган бўлиб, Карл Мартелл черковнинг ерларини давлат хизматчилари ва ҳарбийларига “совға” яъни “бенефиций” шаклида бўлиб берган эди. Айрим манбаларга қараганда секуляризмга ўхшаш сиёсат Византия империяларида ҳам кузатилган.¹

Секуляризм гоҳида “лаицизм” деб ҳам аталади² ва диннинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги таъсирини йўқ қилишга қаратилган ижтимоий ҳаракат деб тушунилади. Нима бўлганда ҳам секуляризмни турлича тушуниш, ушбу тушунчага турлича маъно бериш, ҳатто уни динийликнинг қарама-қаршиси, тескариси, ҳатто “дахрийлик” дейиш қатор муаммолар туғдиради, айрим кишиларда секуляризм тўғрисида нотўғри тушунча шаклланади. Нотўғри тушунча, нотўғри ҳаракат – атеизм ёки экстремизмга олиб боради.

¹ Қаранг: Удадьцова З.В., Осипова К.А. Геополитические особенности феодализма в Византии. // проблема социальной структура и идеологии средневекового общества. – Вып. 1. – Л.: Изд. ЛГУ., 1974. – с. 14-19.

² Мегаэнциклопедия Крилла и Мефодия. <http://www.megabook.ru/Article.asp?AID>.

Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда инсон фаолияти муайян тушунчалар, тасаввурлар заминда, унинг онги, ақлий фаолияти асосида кечади. Нотўғри фикрлаш нотўғри тушунчалар асосида бўлади. Шундай экан, юзаки қараганда беозор бўлиб кўринган айрим ижтимоий тушунчалар жамият ҳаёти учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Соғлом фикр ва соғлом тафаккур соғлом ижтимоий фаолият, ҳатти-ҳаракат гаровидир. Ушбу жиҳатни “Динимизга моненьлик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик – бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир”¹ деб, таъкидлаган эди Ислом Каримов. Шу маънода диний ва дунёвий тушунчаларни ўз ўрнида ишлатиш, кишиларни чалғитмаслик жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллий ва диний ҳамжиҳатликнинг, толерантликнинг гарови эканлигини ҳисобга олиб, Ислом Каримов “дунёвийлик даҳрийлик эмас” дейди ва секуляризм сиёсати давлат ва дин ўзаро бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслиги лозимлигини, буюк мақсадлар атрофида бирлашишини, фуқаролараро, динлараро бўлинишга, қарама-қаршиликларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига ундайди. Ўзбекистонда динга оид давлат сиёсати юқорида таъкидланганидек, дин ва давлат муносабатларини айнан шундай тушунишга асосланади.

Энди “ресекуляризация” дегани нима эканлиги ҳақида тўхтаб ўтамиз. “Ресекуляризация” дин ва давлат муносабатларида атеизм, даҳрийлик сиёсати ҳукм сурган даврларга барҳам бериш, дин ва давлат ўртасида зиддиятни эмас, балки ўзаро диалогни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сиёсатдир.

Ресекуляризация аҳолисининг кўпчилигини бир конфессияга эътиқод қилувчи фуқаролар ташкил этувчи жамият учун ўта муҳимдир. Чунки ресекуляризация сиёсати воситасида жамиятда фуқаролараро, аниқроғи ота-она, ота-бола ёхуд ака-ука ўртасида эътиқод, иймон масаласида ўзаро ажралиш, бўлиниш ва ҳатто қарама-қарши туриш, уришиш эмас, балки ўзаро кечиримлилик,

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5. жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 223 б.

ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, дўстлик муносабатлари қарор топади, давлат сиёсатининг обрўйи ошишига эришилади.

Ресекуляризация дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни янги тарихий босқичга чиқиши, жаҳонда иқтисодий, сиёсий, маданий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг тезлашиши билан боғлиқ.

Тарихий нуқтаи назардан ресекуляризация дин ва давлат муносабатларида уч асосий босқичга бўлинади.

Биринчи босқич. Ислом дининг илк ривожланиш ва жаҳон узра тарқалиш даври (VII-VIII асрлар) билан боғлиқ бўлиб, ислом дини асосчиси Муҳаммад (с.а.в) вафотидан сўнг давлат ва дин ўртасида юзага келган муносабат билан боғлиқ.

Иккинчи босқич. Марказий Осиёда XI-XII асрдан бошлаб жамият ҳаётида руҳоний уламолар мавқеининг ошиб бориши, жамият ҳаётида дунёвий қадриятларга нисбатан диний қадриятлар, шариат қонунлари устуворлигининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу давр XIX аср иккинчи ярми – жадидчилик ҳаракатларининг юзага келиши билан яқунланади.

Учинчи босқич. Марказий Осиёда бу босқич Чор Россияси истилоси, айниқса, 1917 йил октябрь инқилоби, натижада жамиятда дахрийлик мафқурасининг расмий давлат сиёсати даражасига кўтарилиши нафақат ислом, христианлик ва буддавийлик каби жаҳон динлари, балки яҳудийлик каби миллий динларнинг ҳам таъқиб қилиниши, жамият ҳаётидан динни сиқиб чиқариш, таъқиқлаш сиёсати даври билан боғлиқ бўлиб шўро тузумининг парчаланиши, ёш мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг юзага келиши, динга нисбатан янгича муносабатларнинг шаклланиши, миллий қадриятлар билан бир қаторда диний қадриятларнинг, дин мавқеининг ҳам кўтарилиши билан боғлиқ.

Ресекуляризация мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, ушбу жараёнда, бир томондан, исломий қадриятларни тиклаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётида устуворлигини таъминлаш учун курашни (фундаменталистлар, салафийлар, жиҳодчилар, акромийлар ва ҳ.к.) ўз ичига олса, иккинчи томондан дунёвий

демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун курашни ўз ичига олади. Ресекуляризация ислом динининг бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан жамиятда табиий равишда юзага келган маргиналлашув, ортиқча меҳнат ресурсларининг шаклланиши, собиқ тузум кулагандан сўнг “мафкуравий вакуум” (бўшлиқ) юзага келиши, бундай ҳолатдан халқаро исломий кучлар томонидан фойдаланиб қолишга уриниш, панисломизм ғояларининг минтақага кириб келиши, ўрта аср қабилидаги “халифалик” давлатини тузиш васвасаси билан боғлиқ. Ушбу жараёнлар маҳаллий аҳолининг ислом динига оид кўп асрлик анъаналари билан алоқадор¹ эканлиги билан ресекуляризация муаммосини янада долзарблаштиради.

Ресекуляризация Ўзбекистон истиқболи учун қуйидаги аҳамиятга эга.

1. Дин ва давлат, дин ва шахс, дин ва жамият ўртасида миллий ривожланиш ғояси атрофида бирлашиш, уйғунлашиш тенденциясининг шаклланишига олиб келади.

2. Кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон шароитида динлараро ва миллатлараро ҳамжихатлик, бағрикенглик ва дўстликни мустаҳкамлайди.

3. Дунёвийликнинг динийликка нисбатан устуворлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Ресекуляризация ҳодисасини чуқурроқ англамоқ учун миллий онг ва миллий ўзликни англаш концептуал парадигмасига мурожаат қилиш лозим бўлади. Чунки ресекуляризация том маънода динга нисбатан мавжуд бўлган собиқ расмий муносабатни туб ислоҳ қилиш, миллий онгнинг уйғониши, ўзини ўзи англаш (тарихий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, маданий, диний ва х.к.), мустақиллик билан боғлиқ.

Ўзбекистонда бугунги кунда кечаётган динга нисбатан жараёнлар айнан ресекуляризация жараёнларидир. Буни янада чуқурроқ англаш учун собиқ шўро секуляр сиёсатиغا мурожаат

¹ Ёвкочев Ш. Ислам и политика. Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – 116 с.

қилиш кифоя. Октябрь инқилобидан кейинок, 1918 йилда “Ер тўғрисида”ги декрет билан бир қаторда советлар томонидан “Динни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида” декрет қабул қилинди ва натижада динни ижтимоий ҳаётдан батамом суриб чиқаришга қаратилган қатағон сиёсати бошланган эди. Бундай сиёсат секуляризм эмас, балки атеизм сиёсати эди.

Ресекуляризация сиёсатида эса дин ва диний ташкилотлар ижтимоий-маданий ҳаётда бошқа жамоат ташкилотлари билан тенг ҳуқуқли иштирок этадилар. Конституцияга биноан ҳеч ким диний эътиқод, у ёки бу диний конфессияга мансублиги учун таъқиб қилинмайди. Ресекуляризация сиёсати жамиятда дунёвийлик билан динийлик ўртасида рационал мувозанатни, демак, жамиятда фуқаролараро, динлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни қарор топтиради. Бу ўз навбатида жамиятда тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиёт учун муҳим омилдир.

Ресекуляризациянинг муҳим ижобий хусусияти – унинг турмуш исломи билан дунёвий ҳаётни яқинлаштира олишида кўзга ташланади. Яъни, диний кадриятларни – турли одатлар, анъаналар, удум ва маросимларнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши эмас, балки расмий қўллаб қуватлаши, бунинг тасдиғи – диний байрамлар: Рамазон ва Қурбон хайитларнинг расмий халқ байрами деб эълон қилиниши ва кенг нишонланишидир. Ресекуляризация секуляр сиёсатдан бирмунча фарқ қилади. Фарқи шундаки, ресекуляризация сиёсатида давлат ва дин бир бирларидан мутлақ ажратилмайди, балки умумий тараққиёт йўлида ўзаро ҳамкорлик ва собитқадамликка эришилади. Бу нарса фуқаролараро бирдамликкагина эмас, балки давлат ва халқ ўртасидаги бирдамликни таъминлаш учун ҳам муҳимдир.

Бир гуруҳ ўзбек олимларининг таъкидлашича “жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бир ёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатди. Хусусан, давлатга ўз номини берган миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари орасидаги

муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс холда жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин”¹.

Ўзбекистонда бу масалада катта ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”² деган мазмундаги модданинг киритилиши Ўзбекистон қандай давлат ва қандай мамлакат эканлигини кўрсатиб турибди. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Ўзбекистонда олиб борилаётган ресекуляризация сиёсати, бир томондан, диннинг давлатга аралашуви, сиёсийлашувига барҳам берса, иккинчи томондан эса динга, диний маърифатига кенг йўл очмоқда, шўро даврида таъқиқланган диний асарлар, дин пешволарининг номлари улуғланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тўғрисидаги Низомда – “Марказ мусулмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой мероси, уларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига кўшган бебаҳо хиссаси ва илм-фан тараққиётида тутган ўрнини чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро муносабатларда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинч-тотув ҳаётга интилиш каби ислом динининг асл қадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ва уларни садоқат руҳида тарбиялаш, халқаро миқёсдаги ҳамкорлик ва ўзаро мулоқотни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган”³.

Имом Бухорий номидаги халқаро жамғарманинг ташкил этилиши ва қанчадан қанча пиру-авлиёлар номлари билан боғлиқ жамғармаларнинг тузилиши, турли қадамжоларнинг қайтадан тикланиши, таъмирланиши ва обод қилиниши ресекуляризация сиёсатининг оқибатида бўлмоқда. Таниқли файласуф олимларимиздан Қ.Назаров тўғри таъкидлаганидек “миллатлараро

¹ <http://fikir.uz/blog/BuxoroMTI/17800.html> 14 январ 2014 йил. (Мурожат қилинган сана 21.06.2016).

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 6-б.

³ Назаров К.Н. Миллатлараро тотувликнинг маънавий ва ғоявий тамойиллари // Ўзбекистон бағрикенг диёр. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ., 2007. – 13 б.

тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Мустақил Ўзбекистон ривожига қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир”.¹ Ресекуляризация сиёсатининг асосида миллий сиёсат ётади. Масаланинг ижтимоий фалсафий жиҳати шундаки, ҳар қандай эътиқод ва маънавиятнинг субъекти инсон, миллатдир. Миллатга нисбатан ҳурмат, уни қадрлаш миллат мансуб бўлган дин, диний конфессияга ҳам ҳурматдир. Шу боис ресекуляризация сиёсати миллий мустақилликка эришиш, ҳар бир миллат ва элат томонидан ўзлигини англаши оқибатида, ҳақиқий демократизм принципининг қарор топиши оқибатида мумкин бўлади.

Ресекуляризация демократик жамият ва адолатли фуқаролик жамияти маънавий асосларининг тарихий қисмидир.

Ресекуляризация жараёни Ўзбекистонда эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёни билан боғлиқ. Бу – умумий жиҳатдан. Жузъий қараганда, бозор муносабатларига ўтиш кенг қамровли жараён эканлиги маълум бўлади. Мулкчилик шакллариининг ҳилма-ҳиллигига эришиш, хусусий мулкчилик ва хусусий, якка тартибдаги тадбиркорликка, ишбилармонликка йўл очиш радикализм ва экстремизмнинг олдини олмаслиги маълум бўлади. Бозор муносабатлари, жамият демократлашуви кенг қамровли ва серқирра ходиса бўлиб, у демократлашувни барча соҳаларда ҳам бирдай амалга ошишини тақозо қилар экан. Масалан, ОАВ ларини демократлаштирамай ёхуд давлат ва жамият бошқарувини демократлаштирамай, аниқроғи либераллаштирамасдан бозор муносабатларига ўтиш секинлашади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Хизб ут-Таҳрир, жиҳодчилар, акромийлар, салафийлик ва ҳ.к. ҳаракатларнинг юзага келиши, уларни айрим ёшлар томонидан қўллаб-қувватланиши бундай хулосани тасдиқлайди. Секуляризация ва ресекуляризация ўта жиддий сиёсий ходисадир. Айниқса ресекуляризация демократия тамойилларига риоя қилинмаса тескари натижаларни

бериши мумкинлигини, бозор муносабатларига ўтиш билан ишсизлик муаммоси юзага келиши, меҳнат ресурслари миграциясининг ошиши, аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг маргиналлашув ҳодисаси исботлайди. Буни Хизб ут-Тахрир сиёсий партиясининг “ёшлар қаноти” бўлими “дорислар” ижтимоий қатламини сиёсий таҳлили ҳам яна бир қарра тасдиқлайди. Бугунги кунда халқаро радикал ҳаракат ИШИД сафларида маргинал элементларнинг мавжудлиги ҳам ресекуляризация сиёсатини илмий асосда бўлишини талаб қилади.

Радикал ҳаракат, хурофот ботқоғига кирган ёш-ялангни қоралаш ёки жазолаш осон. Бундай ҳодисаларнинг ижтимоий сабабларини аниқлаш эса анча мушкул.

Шу боис Ресекуляризация сиёсатининг “ўзаги”ни халқимиз танлаган дунёвий, демократик тараққиёт йўлининг афзаллигига кишиларни ишонтириш, давлат ва халқ ўртасида ўзаро ишонч (русча “доверие”, инглизча “trust”) ришталарини мустаҳкамлашдир.

Социологик кузатувлардан маълум бўлишича “дорис”ларнинг аксарияти ёш савдогар ва тадбиркорлардир. Уларнинг муайян маълумоти йўқ. Улар олди-сотди билан шуғулланадилар, билим савияси пастлиги сабабли бирор бир ўқишга кира олмайдилар, натижада “мардикорлик” билан кун кечиришга мажбур бўладилар. Бугунги кунда Ёшлар иттифоқи олдида “уюшмаган ёшлар” ижтимоий қатлами билан ишлаш шиори ҳам бежиз юзага келмади. Бундай тоифа ёшларнинг аксарияти Худодан илтижо қиладилар, номозларга мунтазам қатнайдилар, дин ҳақида юзаки маълумотга эга бўлсаларда, улар диннинг “компенсаторлик” функциясига чуқур эътиқод қиладилар. Дин эса ўз ваъзларида эгалитаризмни, яъни Оллоҳ олдида барчанинг тенглигига урғу беради. Бозор муносабатлари эса табиий равишда ижтимоий тенгсизликка ундайди, бу шароитда шахсий ишбилармонлик, ташаббускорлик, таваккалчилик, соҳа бўйича маълумотлилик ўз натижасини беради

Ресекуляризация юқорида таъкидланганидек жамият маргиналлашуви билан боғлиқ. Бу дегани “кишида ҳоҳиш, истак бор, бироқ укув-билим етишмайди”. Бундай ҳолат сиёсий вазиятни

шакллантиради – фақат исломий қонун-қоидалар орқали ижтимоий адолат қарор топади, зеро Оллоҳ барча учун раҳимдилдир. Бундай фикр дунёвийлик ва динийлик муқобиллигида маргинал ёшни иккинчисини танлашга ундайди. Бу муаммонинг ечими – ёшлар учун ўзига хос ва мос иш ўринларини яратиш, аниқроғи бозор муносабатларида ўз ўрнига эга бўлиши учун имкониятлар яратишдир. Коллеж ва лицейлар сонини камайтириш орқали, уларнинг битирувчиларини қоғозда эмас, амалда аниқ иш билан таъминлаш, уларни назардан кечирмаслик – муаммони бироз юмшатади. Кўпчилик ёшларнинг хорижга иш излаб кетишга қизиқиши, айримларининг эса “одам савдоси” ёки радикал диний ҳаракатлар тузоғига тушиб қолишининг сабабларидан бири ҳам айнан ишсизлик, касб-корсизликдир. Ресекуляризация ҳодисасининг яна бир муҳим хусусияти – демократик давлат шароитида дин ва давлатнинг нисбатан яқинлашуви, диний эътиқодга Конституция ва муайян динга оид қонунлар асосида эркинлик ва ҳуқуқлар берилишидир.

Тадқиқотчи Г.Каримова навбатдаги жамият ахборотлашуви ҳақидаги фикрини билдириб ўтади, “Мамлакатимизда жамиятнинг ахборотлашувига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Жамият ахборотлашувининг кучайиши, унинг аҳоли фаолиятидаги ўрнининг мустаҳкамланиши, инфорацион маданиятнинг шаклланиши мамлакатнинг стратегик мақсадларини, унга мос аниқ тактик вазифа ва усулларни белгилаб берадиган давлат сиёсатиға ҳам боғлиқдир”¹.

Бугунги ахборотлашув даврида ҳокимият фаолиятининг “шаффофлиги”, очиқлиги ресекуляризация жараёнини соғлом, яъни динийлик ва дунёвийлик нисбатида кейингисининг устуворлигини таъминлайди. Юртбошимиз халқ давлатчилиги, халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда қарор топилишини фаолиятининг дастлабки кунларидан қатъий ва изчил бошлаб, ресекуляризация жараёнининг бундай кўлами дунёвий тараққиёт афзалликларини янада аниқ

¹ Г.Каримова. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият қуришнинг миллий ахлоқий тамойиллари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 58-б.

кўрсатади, турли радикал оқим васвасаларга ёшларнинг берилиши хавфининг олдини олади.

Ресекуляризация жараёни айрим хорижий тадқиқотчилар томонидан ноҳолис, ғайриилмий ёритилади. Масалан, рус тадқиқотчиларидан Э.Д.Понарин ва Н.С.Мухаметшина Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши, титул миллат тилига давлат тили мақоми берилишини гўёки бошқа миллатлар ижтимоий мавқеига нисбатан дискриминация¹ деб баҳолайдилар. Гўёки ҳатто рус миллатини “колонизаторлар” деб, улар ижтимоий мавқеини кескин тарзда ўзгартириш сиёсатини олиб боришади,-деб, ушбу тадқиқотчилар миллий мустақиллик муносабати билан миллий ўзликни англаш жараёнининг кенгайиши, маънавият соҳасидаги туб ўзгаришларга таъна қилишади.

Масалан, Ўзбекистон пойтахти Тошкентда қатор туманлар номларининг ўзгартирилиши (Масалан, Куйбишев тумани Мирзо Улуғбек, Октябрь тумани Шайхонтохур, Фрунзе тумани Яккасарой ва ҳ.к.), бу жараён бутун республика ҳудудига ёйилиши гўёки рус ва бошқа миллатларга нисбатан дискриминация сиёсатидан бошқа нарса эмас, деб тушунтиришади. Аслида эса олиб борилаётган топономик сиёсатдан кўзланган мақсад – тарихий хотирани сақлаш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, тарихий ҳақиқат ва адолатни танлаш ҳисобланади. Ўзбекистонда миллатчиликка ўрин ҳам, асос ҳам йўқлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, у асосда яратилган миллий қонунчилик, кадрлар сиёсати тасдиқлайди. Ҳозир мамлакат парламентида тартиб барча катта-кичик бошқарув лавозимларида турли миллат ва элат вакиллари фаолият кўрсатаётганлиги, уларни сайлаш ёки тайинлашда миллий-этник мансублик эмас, балки малака, фидойилик, ташаббускорлик ва бошқа ҳислатлар асосий мезон қилиб олинганлиги фикримизнинг аниқ исботидир. Ўзбекистондан русийзабон аҳоли миграцияси ўтган асрнинг 90-

¹ Қаранг: Э.Д. Понарин, Н.С. Мухаметшина. Национальные проблемы на постсоветской территории. – СП б., 2001. – С. 41.

йиллар охирига келиб деярли тўхтади. Аксинча, туб миллат вакилларининг, меҳнат ресурсларининг миграцияси кучайди.

Ўзбекистон замонавий демократик давлат эканлигини мамлакатда яшовчи барча миллат ва элат вакиллари яхши тушунишди. Уларнинг юздан зиёд маданий марказларининг барпо этилиши, 7 тилда таълим олиб борилаётганлиги, 16 диний конфессия тенг ҳуқуқлилиқ асосида фаолият кўрсатаётганлиги, турли халқларнинг ўз тарихий ватанлари билан маданий алоқаларнинг ривожланишига ҳеч қандай расмий тўсиқларнинг йўқлиги фикримизнинг яна бир тасдиғидир. Аслини олганда эса ислом дини ва маданиятининг ўзи байналминалликка асосланган. Турли диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшларга ислом дининг туб моҳияти ҳақида маълумот бериш – ушбу муаммони бироз юмшатишга ёрдам беради. Фикримизнинг исботи – диний бағрикенглик билан боғлиқ кадриятларни тарғиби ўрта асрлардаёқ аллома, мотурудия ақидавий оқимининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг (870-944) илмий меросида акс этган. Мотуридий Қуръон тафсирига бағишланган, ислом оламида бугун ҳам кенг эътироф этилаётган “Таъвилот аҳли сунна” асарида “Ҳаж” сураси 40-оят тафсирида “Черков ва синагогларни вайрон этиш маън этилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар юртида шу давргача улар бузилмай сақланиб қолган. бу масалада аҳли илм орасида ихтилоф йўқдир”, деб таъкидлайди. Яна бир буюк аллома, самарқандлик фақиҳ, муфассир Абу Лайс ас-Самарқандий (ваф. 1003 й.) эса ўзининг “Баҳр ул-улум” номли тафсир асарида Қуръондаги “Мумтаҳа” сурасининг 8-9-оятлари шарҳида “Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг” деб таъкидлайди. Моваронунаҳрлик яна бир машҳур фиқиҳ, муфассир Абул Барокат ан-Насафий (ваф. 1310 й.) ислом оламида машҳур бўлиб кетган, бугун ҳам илмий-диний мероси сифатида кадрланадиган, диний олийгоҳларда манба сифатида фойдаланилаётган машҳур “Мадорик ат-танзил” номли асарида юқорида тилга олинган оятларни “Ўзга дин вакилларига эҳтиром кўрсатинг ҳамда уларга сўзда ва амалда

яхшилиқ қилинг” дейди. Қадимда юртимиздан чиққан буюқ алломалар томонидан яратилган бундай бебаҳо асарлар, диний-маърифий мерос бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, миллатлараро ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда ишончли дастур вазифасини бажаради.

Афсуски, собиқ даҳрийликка асосланган тузум, унинг тарбия ва таълим тизими халқимизни бундай буюқ мерослардан узоқлаштирди, айримлар манқуртга айланди. Мустамлакачиларнинг “Бўлиб ташла ва ҳукумронлик қил!” (“Divide and conquer!”) деган шиори асосида олиб борилган миллий сиёсат акани-укадан, отани-боладан бегона қилди, ягона эътиқодга эга халқларни “ўзбек”, “тожик”, “қозоқ”, “қирғиз” деб сунъий бўлиб ташлади, ўзаро низоларни рағбатлантирди, ягона тарихий меросни ўзаро таллашишга олиб келди, турли тарихий афсона ва ривоятларнинг яратилишига сабаб бўлди¹. Бугун юқорида таъкидлаганимиздек мамлакатимизда миллий низолар учун ҳеч қандай асос ҳам, шароит ҳам йўқ. Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона изчил миллий сиёсат бунга йўл қўймайди. Бироқ потенциал диний низолар учун жаҳонда кечаётган жараёнлар (Яқин Шарқ, Европа, Америка) айрим шарт-шароитларни яратмоқда, диний асосда Ғарб ва Шарқ, христиан ва ислом маданиятларини бир-бирига қарама-қарши қўйилишига сабаб бўлмоқда.

АҚШ футурологи (башоратчиси) С.Хангтингтоннинг “Тамаддунлар ўзаро тўқнашуви” ҳақидаги ғайриилмий “башорати”ни маълум даражада реаллашувига олиб келмоқда. Бундай шароитда мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тинчликка асосланган ижтимоий барқарорликни сақлаб қолиш, диалектик мазмундаги ресекуляризация ва секуляризация сиёсатини олиб бориш, турли бузғунчи, авантюристтик диний васвасалардан ёш авлодни сақлаш, уларга дин ҳақида илмий тушунчалар бериш танлаган ривожланиш стратегиямиз бардавомлигини таъминлайди.

¹ Қаранг: Ртвеладзе Э.В., Саъдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. –Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – С. 50.

Таниқли олим, А.Очилдиев тўғри таъкидлаганидек, халқимизга хос бағрикенглик ўзининг қадимий илдизларига эга¹. Ушбу олимнинг айтишича ўзга маданият ва эътиқод вакилларига ҳурмат, бағрикенглик антик давр тарихчилари Страбон, Геродот ва бошқалар томонидан ҳам эътироф этилган, бундай фазилат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Мамлакатимизда исломгача ҳам христиан ва яҳудийлик ибодатхоналари фаолият кўрсатган.

Масалан, бугунги Исроил давлати олимларидан Р.Бенсман таъкидлашича “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қирғин қилинган яҳудийлар Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир ҳуқуқга эга эди” ва дастлабки яҳудийлик синагогаси VIII асрдаёқ Бухорода қурилган, яҳудийлик дини вакиллари фаолияти учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлган, деб эътироф этади². Демак диний бағрикенглик диёримиз учун тарихий анъана ҳисобланади. Буюк Ипак йўлининг Хитой, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, Ўрта ер денгизи ҳавзаси минтақаларини ўзаро савдо-сотик ва маданий алоқалари ривожланиши учун ўзига хос “кўприк” вазифасини бажарганлигининг сабаби ҳам халқимизда ўзга халқ маданияти, урф-одати, менталитетига ҳурмат билан қараш, меҳмондўст бўлиш каби ноёб фазилатлари билан боғлиқ.

¹ Абдувоҳид Очилдиев. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 92-б.

² Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению менирелигиозного согласия. // Межрелигиозное согласия – важное условия углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (например Республика Узбекистан). «Материалы международной конференции» -Т.: 2002. – С. 125-126.

1.3. Диний бағрикенглик – демократик жамият талаби

Ўзбекистонда шакллантирилатган ҳуқуқий давлат ва демократик жамият, мамлакатда яшаётган барча миллат ва элатлар учун тенг шароитлар яратишни ўз сиёсатининг ажралмас қисми деб қарайди. Кўпчилиқни ташкил қилувчи ўзбеклар кам сонли миллий бирликлар, этнослар билан тенг ҳуқуққа эга. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи кам сонли этнослар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг давлат концепцияси Бош Қомусимизнинг 4-моддасида аниқ – равшан акс эттирилган: “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”¹. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”²ги Қонуни ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, насл-насаби, ижтимоий ва мулкӣ аҳволи, ирқӣ ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характерида қатъий назар, тенг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини беради.

Айниқса инсон учун энг нозик ва энг муқаддас туйғу – диний эътиқод туйғуси конституциявий жиҳатдан кафолатланган. Ўзбекистонда дунёвий маърифий давлат ташкил этилмоқда. Бироқ Конституцияга мувофиқ дунёвий бўлган Ўзбекистон давлати динга эътиқод қилувчи фуқаролар билан ўзаро муносабатда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилади:

- динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш, улар фаолиятига аралашмаслик;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. – 4-бет.

² “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент ш., 1994 йил 5 май, 1051-ХП-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 127-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда).

диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг қоғлатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

– маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

– диндан бузғунчилик ва террорчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини, динга сиёсий тус беришнинг мумкин эмаслигини эътироф этиш.

Ушбу концепциянинг охири қондаси халқаро сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ҳам мос келади, улар билан ҳамоҳангдир. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасида ҳар бир инсоннинг ҳурфикрлаш, виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган бўлиб, – “Дин ёки эътиқодга, сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина даҳл қилиш мумкин”¹ дейилган.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўттиз биринчи ва бошқа моддалари билан ҳамоҳанг бўлиб, диний бағрикенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳизмат қилади. Диний бағрикенглик мустақилликкача мавжуд бўлиб халқимизга хос азалий фазилатдир. Мазкур юксак туйғу ўзбек миллий менталитетининг туб хусусиятидир. Меҳмоннавозлик, раҳм-шафқатлилик, содиқлик, олийжаноблик ва ҳ.к. фазилатлар ўзбек халқига азалдан хос. Буни холис хорижлик олимлар, ўлкашунос ва руҳшунослар ҳам эътироф этади.

¹ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган. 1976 йил 23 мартда кучга кирган.

Араб саёхатчиси Ибн Батутта Самарқандни “бутун жаҳондан меҳмонлар йиғилиб келадиган бандаргоҳ”¹ деб баҳолаган эди.

VII асрда яшаган Хитой ёзувчиси ва тарихчиси Сюань Цзень эса “Самарқанд аҳолиси ахлоқ-одоб қоидалари бобида қўшниларга намуна бўлган”² деб ёзади.

Тошкент ва Марказий Осиё собиқ архиепископи Владимир эса ўзбек халқи азалдан бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенг бўлганлигини таъкидлаб: “Православ черков ҳеч қачон ислом билан зиддиятга бормаган. Хоразм мусулмонлари ва православлари бир сафда туриб ўлкани мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилишган ва вайрон этилган Гурганч тупроғига бирга бош қўйишган. Православия ҳеч қачон миссионерлик авантюрасини бошламаган, балки барча одамларга муҳаббат ҳисси билан, шунингдек мўминлик ва самимийлик руҳи билан тўлиб тошган – исломнинг асосчиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айни ўша фазилатлари учун христианларни: “Насоралар муҳаббат бобида мусулмонларга жуда яқиндирлар, чунки уларнинг ибодатхоналари ҳамда монастирлари бор ва улар мағрурланиб кетмайдилар,” – деб мақтаган эди”³ деб атайди.

Демак, тарихан Мовароуннаҳр жаҳоннинг кўп динлари мавжуд бўлган ҳудуд бўлган. Бугунги археологик топилмалар ҳам юртимиз ҳудудида исломгача яҳудийлик, буддавийлик ва насронийликка оидлиги билан кишини ҳайратлантиради.

Миллий мустақиллигимиз дунёвий, демократик йўналишни ўзига устувор деб олар экан, барча миллатлар ва динлар вакилларига юқорида таъкидланган каби кенг шарт шароитлар яратиб берди. Собиқ шўро даврида нафақат ислом дини, балки бошқа динлар ҳам бирдай таъқиб остида эди. Кишиларнинг эзгу қадрияти – дин қувғинда эди. Бирон бир диний ўқув юрти айниқса православ дини бўйича таълим даргоҳи фаолият кўрсатмас эди.

¹ Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии – М.: Наука., 1987. С. 48.

² Қаранг: Гафарли М.С., Касаев О.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 195 б.

³ Қаранг: Ўша асар, 195 б.

Мустақилликка эришилгач, бошқа динлар қатори Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси фаолиятига ҳам ҳукумат томонидан эътибор кучайтирилди. Биргина мисол – мустақиллигимизга эришилгандан сўнг олий православ ўқув юрти – Тошкент православ диний семинарияси очилди. Ушбу семинарий келажакда епархияни олий маълумотли руҳоний кадрлар билан таъминлайди.

2017 йил 29 сентябрь куни Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл бошчилигидаги Рус православ черковининг Москва Патриархияти делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл ташриф чоғида – “Ушбу заминда азалдан кўплаб миллат ва элатлар тинч-тотув, ўзаро аҳил-иноқ яшаб келган, – Бугун ҳам Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг юксак анъаналари қарор топган. Барча дин вакиллари давлат томонидан тенг қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, христианлар учун эркин эътиқодий муҳит яратилгани бунинг ёрқин ифодасидир, – деди.

Учрашувда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани ҳам алоҳида таъкидланди”¹.

Яна бир мисол – бутун Марказий Осиёда энг йирик ибодатхона – Самарқанд авлиё Алексей собори қайта таъмирланди, ҳозирда у мамлакатимизда истиқомат қилувчи православ диндорлар учун фаолият кўрсатмоқда. Бундай шарт-шароитлар мамлакат аҳолиси кўпчилигининг дини бўлган ислом ва христианликка, хатто баптист ва кришнавийлар, баҳойлар ва католиклар каби оз сонли диндорлар учун ҳам мавжуд.

Бу ишларда Республика Байналмилал Маданий Марказининг ўрни беқиёсдир. Кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон шароитида ҳақиқий демократизм принципи нафақат қоғозда, Конституцияда, балки ҳаётда ҳам амал қилаётганлигини ҳозирда

¹ Рус православ черковининг Москва Патриархияти делегацияси учрашувлари // “Халқ сўзи”, 2017 йил 30 сентябрь. 197 (6891).

фаолият кўрсатаётган 138 та миллий-маданий марказ фаолиятида кузатиш мумкин. Мустақилликка эришганимизга сал вақт ўтмасдан, 1992 йил 12 январида Президент Фармони билан Республика Байналмилал Маданий Марказ очилди. Ушбу марказ қошида жамоатчилик кенгаши ташкил этилган бўлиб, унга миллий-маданий марказлар раислари, турли вазирликлар ва хизматлар вакиллари, миллий масала бўйича мутахассислар, йирик олимлар киради. Миллий маданий марказнинг асосий мақсади мамлакатимизда миллатлараро тотувликни сақлаш, уни тобора мустаҳкамлаш, турли миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, миллий маданият ва тилни ривожлантириш, миллий тарбия бериш учун услубий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар киради¹.

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларини демократиялаштириш, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларни либераллаштиришга қаратилган давлат сиёсати демократиянинг таянч институтларидан бири – “Халқ бирлиги” жамоатчилик ҳаракатини юзага келтирди. Ушбу ҳаракат қошида ҳам кенгаш тузилган бўлиб, у миллатлараро ва динлараро тотувликни, ўзаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Кенгаш миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда фаолият юритиб, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, барқарор ривожланишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

1999 йил январидан эътиборан Республика Байналмилал Марказида “Халқ бирлиги жамоатчилик ҳаракати Марказий кенгаши” ҳузурида “Миллатлараро тотувлик – барқарорлик кафолати” номли расмий семинар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу семинар миллатлар ва динлараро муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, ҳал этиш ва шу йўл билан айрим зиддиятларни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

¹ Ўзбекистонда маънавий соҳасидаги ислохотлар: ривожлантириш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. Т.: Akademya, 2010. – 253-б.

Ўзбекистонда қарор топган динга бўлган муносабат, расмий давлат сиёсати, сиёсий исломга, яъни ислом динини сиёсийлаштиришга уринувчи кучлар фаолиятига батамом зиддир.

Сиёсий ислом тарафдорлари худбинлик, мутаассибчилик, фанатизм ғояларга асосланган бўлиб, диний бағрикенгликни, яъни бошқа динлар қадриятларини қабул қилмайди, уларга нисбатан салбий муносабатда бўладилар.

Сиёсийлашган исломга хос хусусият – ўз позициясини, қарашларини исботлаш учун зўравонлик усуллариغا, хусусан терроризмга мурожат қилишидир.¹ Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида қарор топган ижтимоий вазият динлараро муносабатларда ўзаро ёвқарашларга, бегоналашувга, шовинизм ва зўравонликка ўрин қолдирмади. Зеро, мамлакатда шаклланаётган миллий давлатчилик ва жамият демократия принципларига таянади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари у ким бўлишидан қатъий назар қонун йўли билан муҳофаза қилинади, шовинизм маҳаллийчилик, диний мутаассибчилик ва экстремизмга йўл қўймайди. Бунинг учун асло шароит ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ.

Ушбу ҳолатни четдан туриб холисона таҳлил қилган олимларнинг баҳолашига кўра “Ўзбекистонда экстремистик кайфиятдаги кишилар 2-3 фоиздан ошмайди, уларга ҳайрихоҳлар ҳам тахминан шунча. Бинобарин, озгина одамлар фикри бутун ўзбек жамиятида ҳукмрон бўлишига йўл қўйиб бўладими? Европа замонавий демократияси нуқтаи назаридан қаралса, бунга қўшилиб бўлмайди, бу иш демократиянинг энг оддий тамойилларига зид келади.”²

Маълумки, диний экстремистларнинг асл мақсади – ислом дини ақидаларини бузиб талқин қилиш орқали ислом динидан собиқ шўро дахрийлик мафкураси яратган қулай шароитдан фойдаланиб кишилар онгини, айниқса дин ҳақида аниқ тасаввур ва

¹ Ёвкочев Ш. Ислам и политика. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2011. – 61-б.

² Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 222 б.

тушунчага эга бўлмаган ёшларни заҳарлаш, машъум ўрта аср кабилидаги халифаликни тиклаш васвасасидир.

Ўзбекистон халқи танлаган йўл – дунёвий, демократик тараққиёт йўлидир. Бироқ бу йўл тасодифан ёки фақат миллий мустақиллик натижасида пайдо бўлди, дейиш нотўғридир. Ўзбек миллий менталитети муаммосини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этган олима Ш.Мадаева фикрича “уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий маънавий мероси шу нарсани кўрсатиб турибдики, демократик фикр тараққиёти ўзбек миллий тафаккур тарзида ўзининг энг принципиал кўринишларида мавжуд бўлган.”¹ Муаллифнинг эътирофи этишига кўра, демократик тафаккур ўз тарихий генезисига эга бўлиб, у ўзбек менталитетида ўзига хос тизимни ташкил этади. У фақат мустақилликдан бошланади, дейиш ҳақиқатдан йироқ. Демократик тафаккур, яъни фикрлаш услуги юртимизда узоқ тарихга эга, унга доимо амал қилиб келишган.

Хатто, соҳибқирон Амир Темур ҳам бирон бир қарорни машварат – маслаҳатсиз, халқ вакиллари, турли табақа намоёндалари билан келишмай, маслаҳатлашмай, фикр алмашмай қабул қилмаган. Бу нарса ўзбек халқининг тарихан шаклланиш жараёни билан боғлиқ.² Бу жиҳат Ғарб антропологик, тарихий, этнографик ва фалсафий илмида ҳам таъкидланади. Масалан, АҚШ нинг кўзга кўринган советшуноси, Колумбия университети (Нью Йорк) профессори Эдвард Оллворт Марказий Осиё халқлари этномаданияти билан қизиқар экан, ўзбек халқ менталитетида тарихан мавжуд бўлган эрксеварлик, мустақиллик туйғусини эътироф этади ва бу туйғу рус мустамлакачилик даврида очик ифода этилмас, балки турли бадий асарлар орқали намоён этилар эди, деб таъкидлайди.³

Миллий ва диний бағрикенглик ўзбек халқининг тарихий миллий хусусияти эканлиги ушбу асарларда чуқур ёритилиши

¹ Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 33 б.

² Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: “Шарқ”, 2001. – 25 б.

³ Қаранг: Edmar Allworth. Central Asia^ 120 years of Russian Rule. Duke University Press. Durham and London, 1989. – P. 532 – 546.

билан бир қаторда миллий ўзликни сақлаб қолиш, халқ анъаналари ва қадриятлари ворислигини таъминлаш муаммоси ушбу адиблар томонидан фаҳмланади ва миллат тақдирига қайғуриш ҳисси асарда устуворлик қилади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, миллий бағрикенглик ва уни суистеъмол қилиш ҳукмрон шўро сиёсати томонидан йўл қўйилаётганлигини 70-80 йилларда қозоқ ёзувчиси Олжас Сулаймон, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва бошқа адиблар ўз асарларида жуда пардали қилиб ёритадилар, рус шовинизмини танқид қиладилар. Бироқ бу нарса ўзбек халқи менталитетида тарихан мавжуд бўлган бағрикенглик, меҳмондўстлик ва бошқа хусусиятларни миллий жоҳиллик, миллатчилик ўзанига бура олмаслиги аниқ. Чунки демократик жамият дегани, халқ иродаси устувор бўлган жамият деганидир. Халқ эса миллий ва диний жиҳатдан ранг баранг, турли-туманликка асосланади. Миллий ва диний бирликлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, бағрикенгликгина жамият яхлитлигини сақлаб қолади.

Шу боис Ўзбекистонда шаклланаётган фуқаролик жамияти бағрикенгликни ўз тамал тоши деб билади, диний ва миллий бағрикенгликни мустаҳкамламасдан ижтимоий тараққиётга эришиш мумкин эмаслиги тобора аён бўлмоқда.

Илмий ва тарихий жиҳатдан ёндашилганда бугунги диний мутаассибчилик, динни сиёсийлаштириш орқали дунёвий давлат ўрнига ўрта аср қабилидаги теократик давлатни барпо этишга уринишларнинг тарихий ва назарий илдизлари тўғрисида тўхташ жоиз. Бу масала принципиал аҳамиятга эга. Айниқса Яқин Шарқдаги ИШИД ҳаракати томонидан олиб борилаётган сиёсат, яъни мусулмон дунёси миқёсида ислом давлатчилиги – халифатни тузиш даъвоси мусулмон аҳолисига эга давлатлар, хусусан Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатларини ҳам қамраб олишга қаратилгандир. Мамлакатимизда диний таълим ва маърифат йўлга қўйилган. Фуқаролар виждон эркинлигининг конституциявий жиҳатдан кафолатланганлиги туфайли диний маросимларни, анъана

ва расм-русмларни эркин, ҳеч қандай чеклашларсиз амалга оширмакдалар, намоз, ҳаж амалларига кенг рухсат берилган.

Бу ютуқ ва ижобий ҳодиса, албатта. Бироқ, масаланинг ички ва яширин жиҳатлари борки, диний маърифат албатта диний эътиқод билан боғлиқ айрим зиддиятларни ҳам фаҳмлашга йўл очади. Гап ислом динидаги азалий зиддият ҳақида кетаётганлигини фаҳмлаш қийин эмас. Қуръоннинг 8-сурасининг 39-ояти, 9-суранинг 29-ояти, 44-оятнинг 23-сураси бағрикенгликка зид, номусулмонликни асосий ёв деб баҳоловчи мазмунга эга. Ислом ўз моҳиятига кўра мусулмонлар ва номусулмонларни географик ва этнографик жиҳатдан фарқлайди. Бундай эътиқод азалдан исломнинг асосий китоби – Қуръонда мужассамлигининг ўзи ислом таълимоти сиёсий элементни ўз таркибида сақлайди, дейиш учун асос яратилади. Гарчи кураш эътиқод учун кетсада, аслида у сиёсий ҳокимият учун эканлигини фарқлаш қийин эмас. Ислом нафақат дин, эътиқод, дунёқараш, балки у қонун, ҳуқуқ, сиёсат, ахлоқ ҳамдир. Юқорида секуляризация ва ресекуляризация ҳақида тўхталганимизда муаммонинг сиёсий жиҳатларига кам эътибор берган эдик. Айрим Ғарб тадқиқотчилари бу жиҳатни бўрттириб кўрсатишга уринадилар ва номусулмонлар қонини тўкиш ислом учун анъана дейишгача ҳам борадилар¹.

Бугунги кунда гап жаҳон маконини эгаллаш ва тасарруф этиш ҳақида, яъни геосиёсат ҳақида кетмоқда. Европага ва бошқа ҳудудларга ижтимоий беқарорлик оқибатида ортиб бораётган норасмий миграция, турли қочоқлар оқимининг ўсиб бориши айрим Ғарб геосиёсатчиларини ташвишлантирмоқда. Чунки демографик ва маданий жиҳатдан мусулмон эътиқодига эга кишилар потенциали юқори бўлиб, улар келажакда Европа, Америка ва бошқа қитъаларни ҳам исломлаштиришга олиб келади, деган хулоса келиб чиқади. Бундай хулосалар нафақат диний, балки миллий ва маданий бағрикенгликка ҳам зид келади деган хавотир ва ташвишни юзага келтиради. Аслида эса бугунги глобаллашув, турли маданиятлар

¹ Қаранг: Модестов С.А. Геополитика ислама. – М.: Молодая гвардия., 2003. – С. 18.

билан бир қаторда диний эътиқодларнинг ҳам ўзаро яқинлашувини, конструктив диалогини тақозо этади. Ҳозирги глобал хавф ва таҳдидлар даврида миллий, диний, ирқий ва ҳ.к. алоҳидалик ёхуд устунлик учун кураш ва даъво беъмаъниликдир.

Инсоният турли глобал хавфларга қарши фақат бирлашиши, бағрикенгликни инсон табиий ҳуқуқларига бўйсиндириши, бир тан ва бир жон бўлиб тараққий этиши, ибтидоий инстинктлардан ўзини озод қилиши, тинчлик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик учун биргаликда курашиши лозим. Чунки бугун инсоният “Ер” деган планета доирасидан чиқиб коинотга томон назар ташламоқда, урушлар, тўқнашувлар, курашлар, якка ҳокимликка интилишлар даврлари тугади. Ер шарида бугун шундай ялпи қирғин воситалари мавжудки, улар бутун тирик мавжудотларни бир неча карра қириб ташлаш қудратига эга. Ҳар қандай кураш ва урушда ғолиблар бундан кейин бўлмаслиги аниқ – барча талофат кўради.

Шунингдек диний мутаассиблик, турли геосиёсий амбиция ва инжиқликлар, Ер курраси бўйлаб якка ҳокимликка интилиш беъмаъни бўлибгина қолмай, кулгили ҳам фожеалидир.

Фақат бағрикенгликкига инсонни эзгуликка, тараққиётга бошлайди, унинг келажагини таъминлайди. Бошқа дин, дунёқараш ва эътиқодни менсимаслик, гегемонликка интилиш, фақат фожеа туғдиради. Шу боис демократик табиатдаги инсонпарвар жамиятни барпо этиш ҳудуди, макони ва турли тарихий хусусиятларидан қатъий назар глобал миқёсда бағрикенглик тамойилини кишилар муносабатларида қарор топишини тақозо этади.

2 боб. Миллий ғоя ва тараққиётда диний омил муаммоси

Ўзбекистон кўпмиллатли ва кўпконфессияли давлатдир. Миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро тотувликни таъминлаш жамият тинчлиги, барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда чорак асрдан зиёд вақт тинчлик ва барқарорлик муҳитининг бош сабаби – турли миллатлар, элатлар ва диний эътиқод вакиллари бирлаштирувчи ягона мақсад ва ғоя мавжудлигидир.

Ушбу бобда миллий ғоя ва миллий тараққиётимизда диний омилнинг ўрни хусусида гап боради, миллий ғоянинг интегротив ва миллий ўзликни англаш учун назарий функцияси ёритилади, ижтимоий ҳаётимизга таъсирининг маънавий ва ижтимоий-фалсафий жиҳатлари таҳлил қилинади.

2.1. Миллий ғоянинг интегротив функцияси ҳақида

Инсон ўз табиатига кўра онг, ақл, тафаккур асосида фаолият юритади. Киши ақл тафаккурининг маҳсули турли ғоялар, тушунча ва таълимотлардир. Гарчи тафаккур фикрлашга асосланган бўлса-да, ҳар қандай фикр ҳам ғоя даражасига кўтарила олмайди. Ғоя гарчи индивид, шахс тафаккурида шаклланса-да, у кўпчилик эътирофисиз индивидуал фикр даражасида қолаверади. Аслини олганда турли фикр, ғояларни олға суришдан осон иш йўқ. Айниқса бирон бир кишига ёки жамиятга маслаҳат бериш, “ундай қил, бундай қил!” деб ўргатиш осон.

Собиқ “катта оға” дан тортиб “оға” бўлишга интилувчи бошқа давлатлар ҳам етарлича. Улар маълум даражада жимиятни, халқни бирлаштиришга беминнат “ёрдам” беришга бел боғлагандек сиёсат олиб боришади.

Шу ўринда Ислом Каримов шундай фикрни олға сурган эди: “Бугунги кунда ҳам халқни яқдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз

эмас. Улар ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш”¹ дир.

Ғоя – халқ умиди, орзусидир. Бу – голлизм (Франция озодлик ҳаракати йўлбошчиси генерал де Голл номи билан боғлиқ) ғояси бўладими, фашизм (нацистлар Германияси етакчисининг “Менинг курашим” номли асари билан боғлиқ) ёки маоизм (Хитой Компартиясининг собиқ раҳбари, “маданий революция” ғояси ижодкори Мао Цзе Дунь номи билан боғлиқ) бўладими – барчаси бирон бир шахс, индивидни эмас, балки бутун бир халқнинг тақдирини белгиловчи ғоя бўла олади. “Пролетариат диктатураси” тўғрисидаги тоталитар ғоя ҳам тарихда ана шундай ижтимоий-тарихий ғоя эди. Улар аксарият холларда бутун бошли мамлакатни, миллионлаб кишиларни боши берк кўчага, эзгуликка эмас, балки маҳдудликка ундади. Ушбу ғоялар мазмун моҳиятига кўр-кўрона ишонган кишилар ҳатто нобуд бўлдилар, ўзларини ушбу ғоялар тантанаси учун қурбон қилдилар. Албатта булар ичидан Франция Президенти де Голлнинг озодлик ғояси истисно бўлиб, ушбу ғоя асосида француз халқи немис – фашист босқинчиларидан эрксевар Франция халқини озодликка олиб чиқди. Айрим ғояларгина миллий ғоя, халқ ғояси даражасига тарихан кўтарила олади.

Шу ўринда ўзбек халқи, унинг эркин-эмин, озод ва мустақил ривожланиши учун ўзига хос “компас” ролини ўтовчи миллий ғоясини олиш мумкин. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонининг имзоланиши ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлиб, унда ўта чуқур мукамал ишланган 5 устувор вазифа белгилаб берилди.

Унинг беш тамойили айнан шу ғоя мазмунида акс этади, халқ орзу-умидлари, эзгу ниятларини ифодалайди. Шу боис биз ушбу параграфда айнан миллий ғоянинг барқарорлаштирувчи, халқни бирлаштирувчи, ҳамжиҳатликни таъминловчи функциясини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – 1 – жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 15-б.

динлараро, конфессиялараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг методологик асоси эканлигини таҳлил қилиш ва ёритишни режалаштирдик, миллий ғояларнинг тарихига муурожаат қилдик.

Холислик, илмий атама билан ифодалаганда объективлик талаби нуқтаи назаридан қараганда ўзбек “миллий ғояси” гарчи халқ ғояси мақомига эга бўлса-да, у даставвал халқимизнинг сиёсат арбоби Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Бу фактни холис Фарб сиёсий экспертлари, кўзга кўринган олимлари ҳам эътироф этишади. Масалан, хорижий олимлардан Леонид Левитин “Ўзбекистон: Каримов даври. Президент Ислом Каримов тарафдорининг танқидий мулоҳазалари” номли рисола чоп эттирди. Мазмунан ва моҳиятан шунга яқин бўлган тахлилий асар хорижий тадқиқотчилардан М.С.Гафарли ва А.Ч.Касаев томонидан ҳам муқаддам эълон қилинди¹.

Сиёсий эксперт проф. Л.Левитин ушбу китобида таъкидлашича, XX – асрнинг 80-йиллари Ўзбекистон учун энг даҳшатли нарса ижтимоий тизимнинг издан чиқиши эмас, балки халқ томонидан келажакка умиднинг сўниши² ҳисобланади. Ушбу экспертнинг эътироф этишича, Ислом Каримов томонидан ўша паллада қилинган буюк ишлардан бири – ўзбек халқига йўқотилаётган, сўнаётган умидни қайтариш бўлди. Келажакка умидни тиклаш, муаллиф эътироф этишича, осон иш бўлмаган. Бироқ, Ислом Каримов совет маъмурияти томонидан ор-номуси топталганлигига, тузум учун хос бўлган барча иллатларни ўзбек халқи бошига ағдариб “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деб номланган коррупцияга, турли суиъистеъмолчиликларга қарши қақшатқич зарба бериши билан бирга халқни аламзада бўлишига қарамай, у парокандалик, Фарғона, Бўка воқеалари авжига чиққан кунларда ҳокимиятни қўлда сақлаб қолишга халққа ишонч туйғусини қайтаришга муваффақ бўлди. Бу у томонидан оддий халқ кайфиятини англаши, тушуниши орқали мумкин бўлди. Унинг бу

¹ Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2001., – 430 б.

² Левитин Л. Узбекистан. Эпоха Каримова. – М: ВАГРИУС, 2003. – С. 41.

шароитдаги дастлабки қадами – Марказнинг Гдлян ва Иванов бошчилигидаги қатағончи “десанти” ни, 400 га яқин терговчи-ю, судьяларни орқасига қайтариш бўлди. Иккинчи муҳим қадами – деярли 24 йил Ўзбекистонга раҳбар бўлган Ш. Рашидов номини тиклашдек савобли қадами бўлди. Учинчи муҳим қадами – эски сиёсий тартиб қулаши, ҳали янги сиёсий тартиб ўрнатилмаганидан фойдаланиб юзага чиққан турли жиноий элементларни жиловлашга қаратилган қатъий қадамлари бўлди¹.

Ушбу қадамлар кўпчилик, оддий халқ онгида ҳокимиятга, ҳукумат раҳбарига ишонч туйғусини кучайтирди.

Ислом Каримов миллий мустақилликка эришиш арафасида маҳаллий ижтимоий-сиёсий шароитни, халқ кайфияти ва орзумидларини яхши билган сиёсий етакчи сифатида жамиятда эски тизим парчаланиши муносабати билан юзага келган мураккаб шароитда турли зўравонлар фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган айрим ғаразгўй раҳбарларга ўз вақтида зарба бера олди, айрим миллатчи-экстремист кучларни хушига келтира олди².

Бизнинг ушбу параграфда яқин ўтмишимиздаги ушбу воқеаларга мурожаат қилишимиз, хотирамизда тиклашимиздан кўзланган мақсад – миллий ғоя бирданига кун тартибига чиқмаганлигини, у мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини сақлаб қолиш, парокандаликни, бош-бошдоқликни (анархияни) жиловлаш, ижтимоий жараёнларни бир ўзанга, оқимга солишдек эзгу мақсадлар билан боғлиқ бўлганлигини тарихий фактлар асосида асослашдир.

Маълумки Ўзбекистон ҳудуди, ва умуман Марказий Осиё минтақаси тарихан кўпмиллатли ва кўпконфессияли минтақадир³. Марказий Осиё ҳудудида жаҳонда кенг тарқалган динлардан яҳудийлик, насронийлик ва буддизмнинг кўхна илдизлари сақланиб қолган. Буни юртимизда олиб борилган қатор археологик ва

¹ Левитин Л. Узбекистан. Эпоха Каримова. – М: ВАГРИУС, 2003. – С. 39.

² Бу ҳақида қуйидаги манбага қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 270 б.

³ Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: Чўлпон, 1995. – 104 б.

этномаданий тадқиқотлар исботлайди¹. Этносоциолог ва этнопсихолог олимларнинг этироф этишларича, миллий ва диний туйғу энг нозик ва энг қалтис инсоний туйғулар ҳисобланади.

Ушбу туйғулар индивидни инсон, шахс сифатида ўз эрки ва ҳуқуқларини қанчалик тасарруф эта олишлигини, миллий ва диний бирлик, оила, жамоа мавқеини сақлай олиши, умуман мавжудлигининг шартидир.

Айрим сиёсий мақсадларни кўзлаган кучлар, ғаразгўй гуруҳлар ўз мақсадларига эришишда айнан шу туйғуларга мурожат қилиши, улардан устамонлик билан фойдаланишга уриниши табиийдир. Айниқса ижтимоий маконда вақтинчалик динийлик ва дунёвийлик, мултимиллатчилик ўрнига мономиллатчилик тенденциясининг маълум ижтимоий-сиёсий сабаблар билан юзага келиши жамиятда ижтимоий мувозанатнинг, барқарорликнинг бузилиши беқарорлик вазиятини туғдириши мумкин. Ижтимоий-фалсафий ёндашув орқали инсон руҳиятининг бундай механизми ва ричагидан ижтимоий ўзгаришлар мақсадида фойдаланишнинг эзгу ёки ғаразли йўналишини аниқлаш ижтимоий тараққиёт учун ўта муҳимдир. Ижтимоий воқеаларга фақат фалсафий ёндашувгина уларнинг ички моҳиятини, сабаблари ва бўлажак оқибатларини ойдинлаштиради.

Миллий ғоямизнинг ижтимоий характери, яъни халқ орзумидлари, эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ эканлиги фақат фалсафий таҳлил натижасида кенгроқ ва чуқурроқ кўринади.

Шу боис мустақиллик арафасида ва мустақилликка эришилган дастлабки йилларда миллий ғоямиз учун муайян ҳаётий замин, эҳтиёж ва кейинчалик шарт-шароит шаклланди.

Миллий ғоягина халқни бирлаштирувчи байроқ, дастур бўлиши мумкин².

¹ Гумилев Л. Древние тюрки. – М.: Айрис-пресс, 2008. – 560 с.; Бобоев Х., Гофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001. – 479 б.

² Миллий ғоя: назарий манбалар. Т.: Akademya, 2007. – 312 б.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бундай ғоя мавжуд эмас эди. Бунинг учун шароит ҳам етилмаган. Ижтимоий фалсафий жиҳатдан қараганда, янги давлатчиликнинг туғилиши давлат институти билан боғлиқ бўлган қатор унсурларнинг қарор топишини тақозо этади.

Давлат – жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкилотидир. Бироқ ҳуқуқий яхлитлик, чегара даҳлсизлиги, ижтимоий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ички тартибот кучлари ва армия муайян сиёсий-ҳуқуқий яхлитликда алоҳида унсур – мафкурасиз мавжуд бўла олмайди. Ушбу омил ва жиҳатга алоҳида ўрин беришга тўғри келади. Чунки мафкура масаласи давлат институти бор экан, ижтимоий ҳаёт марказида туриши шарт.

Бироқ тоталитаризмнинг узок вақт йўлдоши бўлган, ҳатто индивиднинг шахсий ҳаётини ҳам чирмовиқ каби қамраб олган коммунистик мафкура инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлиб, давлат манфаати шахс манфаатидан устун қўйилган социализм ва коммунизм мафкураси пойига миллионлаб қурбонлар бўлишлиги ҳам табиий равишда оқланар эди. Мафкурадан одамлар оловдан кўрққандек кўрқар, уни оммавий қатоғонлар сиёсатининг қуроли деб тушунар эдилар. Бундай кўрқув асосли эди. Мустабид шўро давлат машинаси миллионлаб кишиларни мафкура ботқоғига ботириб жисмонан йўқ қилиб юборган эди.

Шу боис ўзбек давлатчилигининг дастлабки йилларида мафкурадан безиган собиқ совет кишилари ҳарқандай “мафкура” сўзидан чўчир эдилар. Айниқса эркин бозор муносабатларига ўтиш, кооперацияни, якка тартибда ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган дастлабки давлат сиёсати давлат мулкчилиги монополиясига барҳам бериши энди жамият мафкурасиз бўлди, деган нотўғри, ноилмий тушунча ва тасаввурларни туғдирди. Айниқса демократик жамият қуриш, кўпмулкчилик муҳитини шакллантириш, жамиятда плюрализм принципини қарор топтириш муайян мафкурасиз мумкин эмаслигини ҳам кўпчилик англаб етмаган эди. Мамлакатимизнинг таниқли сиёсатшуносларидан Р.Жумаев тўғри таъкидлашича, “ўзини мафкурасиз ташкилот деб

эълон қиладиган ҳар қандай уюшма нореалдир”¹. Муаллиф бу ерда сиёсий партияларни назарда тутлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўпчилик тараққиётнинг “ўзбек модели”нинг асосида ётувчи беш тамойилни, айниқса унинг “иқтисоднинг мафкурадан, сиёсатдан холи бўлишлиги”ни ҳам етарли даражада чуқур тушунмас эди. Бундай шароитда Ислом Каримов миллий мустақилликни қўлда сақлаб қолиш ва уни абадийлаштириш мафкурасиз мумкин эмаслигини, мустақилликка эришиш ҳам аслида муайян мафкура асосида мумкин бўлганлигини таъкидлади ва “миллий истиқлол мафкураси” тўғрисидаги назарий шиорни ўртага ташлади. Миллий истиқлол мафкураси миллий мустақилликнинг дастлабки босқичи – мустақил миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий пойдеворини шакллантириш даври учун зарур ғоявий дастур эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги имомлар билан бўлган анжуманда сўзлаган нутқида – “Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда.

Ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўладилар”² – деган сўзлари миллий мафкуранинг бугун ҳам бардавомлигидан далолатдир.

Совет мафкураси тумандек тарқалгандан сўнг постсовет худудида шу пайт мафкуравий “вакуум”, бўшлиқ пайдо бўлиб,

¹ Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистана: становление и развитие. – Т.: “Фан”, 1996 – с. 98.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 466-бет.

ушбу бўшлиққа турли мазмундаги ғоялар суқилиб кира бошлаган, ижтимоий муҳитни буза бошлаган, халқимизни танлаган дунёвий тараққиёт йўлидан оғдирмоқчи бўлар, бундай ғояларга бардош бера олмаган айрим фуқароларимиз осонликча улар йўлига ўта бошлаган, уларнинг “ваъда”ларига лаққа туша бошлаган эди.

Диний мутаассибчилик, ислом фундаментализми, уларнинг энг ашаддий жанговар кўриниши жиҳодчилик, хизбутчилик, нурчилик, салафийлик, акромийлик ва ҳ.к. унсурлар айнан шу пайтларда қулаган эски иморат остидан чиққан газандалар, қурт-қумурсқалар каби атроф-муҳитга тарқала бошлаган, оддий, бегуноҳ кишиларни, айниқса тажрибасиз ёш ўсмирларни заҳарлай бошлаган эди.

Бу шароитда Ислом Каримов бундай нотинч даврда мафкуравий жиҳатдан баркамол, мустаҳкам бўлиш миллий мустақиллигимизнинг талаби эканлигини таъкидлар экан “одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак”¹ дейди.

Қалтис даврни баҳолар экан Ислом Каримов “бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ” деб таъкидлаган. Мамлакат яхлитлигини, фуқаролараро бирлик ва ҳамжиҳатликни йўққа чиқариш, яна қарамлик юкини халқимиз елкасига ортиш учун турли ташқи кучлар геосиёсий мақсадларини амалга оширишга уринар, катта “сиёсий ўйин”да гоҳо миллий туйғу картасини ишга солар, “бўлиб ташла ва хукмрон бўл!” деган қадимги римлик сиёсатшунослар стратегияси қабилида иш кўрмоқчи, “оғалик” ни даъво қилмоқчи бўлар эдилар.

Бу даврни илмий таҳлил қилган олимларимизнинг ўринли таъкидлашларича “бу тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир”².

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – 4 – жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 13-б.

² Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. Қ.Назаров ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 306-б.

Ушбу тамойилни бир неча амалга ошириш йўллари ва усуллари мавжуд эди. Биринчиси – вақтинчалик вужудга келган иқтисодий қийинчиликларни бўртириб кўрсатиш, ҳокимиятни ушбу қийинчиликларни бартараф этишда ношудлигини турли йўллар билан кишилар онгига сингдириш ва ижтимоий норозичиликларни келтириб чиқариш эди. Иккинчи йўли эса – минтақа давлатлари, асосан кўшни давлатлар ўртасида ўзаро низо чиқариш, гўёки кимдир минтақада гегемонлик учун ҳаракат қилаётир деган уйдирмани ёйиш, биродаркуш фуқаролик урушини келтириб чиқариш эди. Учинчи ва энг манфур ва номард йўли – мустақил ёш давлатни халқаро ҳамжамият олдида обрўсини тўкиш, гўёки демократия бу ҳудудда сиқувда эканлиги тўғрисида нотўғри “образ”ни яратиш эди.

Ислом Каримов раҳбарлигидаги ҳукумат ушбу найрангларни мафкуравий табиатини фош этди, уларга қарши мафкуравий қалқон яратишни чуқур ҳис қилди. Бунинг натижасида “ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат”, “Туркистон – умумий уйимиз”, “Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтара олмайди”, “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” мавзуларида олиб борилган давлат сиёсати юргизилдики, улар халқимизни маънан жипслиги, ҳокимият ва халқ бирлигини амалда таъминлади, ҳукуматимиз олиб бораётган прагматик сиёсатга халқ ишончини оширди. Натижада миллий давлатчилигимиз асослари тобора мустаҳкамланиб бориши мобайнида “миллий истиқлол мафкураси” дастури ХХI аср бошларида “миллий истиқлол ғояси”га ва орадан кўп ўтмай “миллий ғоя”га ўсиб ўтди. Бугунги кунда миллий ғоямиз миллий ривожланиш дастури вазифасини ўтамоқда. Миллий ғоя ўз эзгу мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида маънавий асос, ҳар бир фуқаро учун ҳаёт дастури бўлиб бормоқда.

Холисона айтиш мумкинки, мустақилликка эришилгандан сўнг ховлиқиб демократияни “қўйиб юборган”, ўз фуқароларига, сиёсий субъектларга “демократияни қучоғинга сиққанича ол!” деб ижтимоий янгилашни жараёнларини тезлаштиришга уринган

давлатлар доғда қолишди – турли этник ва диний зиддиятлар, сепаратизм, уюшган жиноятчилик, терроризм каби ҳодисалар гирдобига тушиб қолишди.

Буни Россия давлати мисолида ёрқин кузатиш мумкин. Россиянинг хушёр, миллат тақдири ҳақида ўйлайдиган зиёлилари, ҳатто черкови ҳам миллатни гиёхвандлик, алкоголизм, этник алоҳидалик, шовинизм, зўравонликка мойиллик каби инсон ва жамиятни майиб қиладиган қусурлардан тезроқ қутқариш, жамият истиқлоли ҳақида қайғуриш тараддудига тушиб қолишган бўлиб, улар рус жамиятини бирлаштирувчи миллий ғоя зарурлигини тобора чуқур тушуниб етмоқдалар. Буни мамлакат сиёсий майдонида фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ҳам ўз сайловолди дастурларига киритаётганлиги ҳам бежиз эмас. “Единая Россия”, “Справедливость” деган сиёсий партияларнинг номланиши, фаолият дастури ҳам айнан шуни кўрсатади, ушбу сиёсий партиялар Россия Федерациясининг барча субъектларини бошини қовуштириш, жамиятда ҳамжиҳатликни таъминлаш, миллатни маънавий ва жисмоний соғломлаштириш устида тинимсиз иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда эса, фахр билан айтиш мумкинки, бундай режалар мустақилликка эришилганданоқ тузилди, Ислом Каримовнинг донолиги ва зукколиги туфайли кўплаб кулфатлар, бало-қазолар олди олинди, жамиятнинг бўлинишига, диний экстремизм куйига ўйнамасликка, дунёвий демократик давлат қуришдек эзгу ният атрофида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча катта-кичик миллатлар, элатлар ва миллий гуруҳлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Ўз навбатида, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг – “Мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини,

шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш”¹ каби прагматик вазифалар янада такомиллаштирилиб, аниқ сиёсий вазифалар белгилаб берилди.

Халқимиз яратувчанлик фаолиятининг меваси – миллий ғоямиз турли миллатлар ва диний эътиқод вакилларининг бир оила бўлиб яратувчанлик, ижодкорлик йўлида меҳнат қилишига ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий ва ҳам маънавий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими – халқимиз миллат сифатида тарихий ўзлигини англамоқда, “ўзи бек” лигини тобора мустаҳкамламоқда, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ўрнини сақлаб қолишга ва бу буюк ўрнини абадийлаштиришга уринмоқда.

“Миллий онг, миллий таффакур ва миллий ўзликни англашдан иборат бўлган учликка амал қилмаган, уни ўзида акс эттирмаган ёхуд уни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашига йўналтирилмаган ғоя ўзига миллий ғоя мақомини ҳам ололмайди”². – дейди таниқли файласуф, миллий масала бўйича республикамизнинг етакчи мутахассисларидан профессор Саъдулла Отамуратов.

Миллий ғоянинг асосий вазифаси – жамият аъзоларини бирлаштириш (интеграция) функциясидир. Миллий ғоя титул миллат ғояси эмас. Айрим холларда журналистлар, айниқса ҳис-туйғуларни уйғотишга мойил соҳа вакиллари – шоирлар ва санъаткорлар миллий-этник омилга кўпроқ урғу берадилар. Бундай хатти-ҳаракат ва позиция хатарли ва номақбулдир.

¹ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май. 101 (6795).

² Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.: “Akademya”, 2005. – 108-б.

2.2. Миллий ғоя ва ўзликни англаш

Миллий истиқлол мафкураси ва унинг такомиллашуви ифодаси – миллий ғоя халқимизнинг ўзлигини англаши, мустақиллигини мустаҳкамлаши учун руҳий қувват берувчи манбалардир. Мафкура масаласини ўртага ташлар экан, Ислом Каримов “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин”¹ мавзuidaги “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатида таъкидлаганидек, миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя Ватанимиз тараққиётининг ғоявий байроғидир², юксалишга йўналтирувчи кучдир.

Миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоямизнинг ўзагини шахс, индивид ва жамият томонидан миллий ўзлигини англаши ташкил қилади. Миллий ўзликни англаш концепциясининг назарий ва амалий, хусусан илмий методологик қиймати шундаки, у ижтимоий-фалсафий тушунилса миллатчилик, миллий худбинлик ёхуд шовинизмга эмас, балки этник мансубликни, миллий бирликни англаш орқали минтақавий ўзликни ҳам англаш ёки илмий тил билан ифодалаганда минтақавий идентификация қилиш туйғусига олиб боради. Бу эса фақат мамлакат доирасидагина эмас, балки минтақа миқёсида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарор ривожланиш муҳитини шакллантиради. Миллий ва диний “толерантлик” яъни бағрикенглик ҳақида миллий ва минтақавий ўзликни англашсиз гапириш мумкин эмас.

“Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 23 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида бугунги кунда республикада фаол “халқ дипломатияси” асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 489-508-бетлар.

² Бобоев Х., Ғофуров З., Исломов З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2001. – 211 б.

мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятини Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамиятлари мувафаққиятли фаолият юритиб келмоқда.

Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир¹.

Дарҳақиқат, ҳар қандай миллат бошқа миллатлар билан ўзаро мулоқотсиз, ҳамкорликсиз ўзлигини англаши гумон. Миллий ўзликни ангаш алоҳида ҳодиса бўлиб, методологик жиҳатдан алоҳидалик, яқкалик ва умумийликнинг ўзаро диалектикасига асосланади. Агар ушбу фалсафий методология миллий ўзликни англаш муаммоси асосига қўйилмаса, миллийлик, миллат, “ўзликни англаш” тушунчалари идеаллаштирилади, бу ўз навбатида миллий манманлик, миллийликни мутлақлаштириш, миллий ҳудбинлик, пировардида эса миллий шовинизм, ҳатто фашизмга ҳам олиб бориши мумкин.

Шу ўринда тадқиқотчи В.Кўчқоровнинг миллий ўзликни англаш ижтимоий-сиёсий жараёнларсиз мумкин эмас, улар балки узвий алоқадорликда бўлади², деган фикрига қўшилиш мумкин.

¹ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 майдаги 101 (6795).

² Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Т.: “Akademya” 2007. – 155 б.

Бундай ёндашувнинг афзаллиги ва сиёсий жиҳатдан тўғрилиги шундаки, миллий ўзликни англаш бирон бир этник гуруҳ ёки бирлик томонидан ўзининг бошқалардан устунлигини эмас, балки улар билан тенг ҳуқуқлилигини тўғри тушунишга олиб келади. Бу эса кўпмиллатли ва конфессияли ижтимоий маконда бениҳоят ўринлидир. Зеро миллатнинг умумий ижтимоий маконда катта-кичиги бўлмайди, агар демократия принциплари ушбу маконда қарор топган бўлса миллатлар ўртасида ўзаро тенглик ҳуқуқи мавжуд бўлади. Бу ерда ҳеч қандай миллат ёки элат эмас, балки фақат қонун устувор бўлади, қонун олдида барча кичик-катта миллатлар тенг ҳуқуқли бўлади.

Ўзбекистонда шакллантирилаётган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат ҳам айнан шундай принципга таянадики, диёримизда истиқомат қилувчи юздан зиёд миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳити мана чорак асрдан ошиқ вақт сақланиб келмоқда. Ташқи кучларнинг мамлакатимиз ва минтақамиз миқёсида миллатлараро низо чиқариш, биродаркуш фуқаролар уруши оловини ёқишга уриниши олиб борилаётган миллий сиёсатимиз, унинг сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан илмий асосда эканлиги туфайли чиппакка чиқмоқда. Ташқи кучлар қанчалик ҳаракат қилмасин, уларнинг миллий низо чиқаришга уринишлари беҳуда кетмоқда.

Бу дегани – мамлакатимизда ва минтақадаги мавжуд барқарорлик муҳити абадий сақланиб қолади, деб ўйлаб, лоқайдлик ва бефарқликка боришни англамайди. Зеро Президентимиз Мирзиёев ташаббуси билан давлат чегаралари бўйича тарихий келишувларга эришилгани, чегарадош ҳудудлараро борди-келди осонлаштирилгани маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлади. Бу истиқболда барча соҳаларнинг ривожини учун ҳам кенг имкониятлар очмоқда.

Марказий Осиё минтақасида юзага келган вазиятга тўғри баҳо берган Шавкат Мирзиёев илк расмий ташрифини ҳам айнан кўшни мамлакатларга уюштирди ва кўшнилари билан муносабатни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши деб белгилади. Шу билан қисқа вақт

оралиғида қўшни республикалар билан муносабатларда пайдо бўлган совуқликни эритган президент қўшнилари билан ҳар соҳада ҳамкорликни ривожлантириш мумкинлигини амалда исботлаб берди.

Масалан, Барселона халқаро муносабатлар марказининг экспертлари эътироф этишича, “Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзига хос баҳорни бошдан кечирмоқда. Улар мамлакатимиз етакчисини дунёдаги аҳволга таъсир кўрсатишга қодир буюк шахслар рўйхатига киритишди. Президентлигининг дастлабки йилидаёқ республика раҳбари турли-туман башоратларга қарамай, давлатни янада очиқроқ қилишга интилни ҳамда бунинг натижаси кундалик ҳаётимизда намоён бўлмоқда.

Испаниянинг кўҳна “ақл маркази” экспертлари таъкидлашича, буларнинг барчаси қўшнилари билан муносабатни яхшилашга қаратилган дипломатик саъй-ҳаракатлар билан бирга, мамлакат ичкарисида ва ундан ташқарида илгари кутилмаган келажакка ишонч туйғусини шакллантираётгани”¹ деб таъкидлади.

Президентимизнинг ташаббуси билан Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, ва Тожикистон республикалари давлат раҳбарлари билан истиқболли келушувлар бугун ўз мевасини бермоқда ва ушбу қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ўзига хос ташқи сиёсат принципини талаб қилади.

Муаммонинг ечими эса битта – “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилаётгани, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга

¹ Эзгу янгиланишлар мамлакати “Ўзбекистондаги амалий ва жадал ислохотлар дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда” // “Халқ сўзи”, 2018 йил 1 март. 41 (6999).

оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда”¹.

Миллий ўзликни англаш ХХІ асрда, айниқса демократик жамият шароитида титул миллат томонидан ўз ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашни англамайди, аксинча, фалсафий методологияга биноан, қисм ва бутун диалектикаси асосида ўз миллий маданиятини ривожлантиришни билдиради.

Бундай ҳолат “миллат” тушунчасига ҳам янгича ёндашувни, унга бошқача мазмун ва маъно беришни ҳам талаб қилади.

Шу ўринда мамлакатимизда миллий масала бўйича олиб борилаётган чуқур илмий тадқиқотлар амалий аҳамиятга эга. Бундай тадқиқотлар ичида таниқли файласуф С. Отамуротовнинг ўзига хос миллий ўзликни англаш концепцияси эътиборга сазовордир. Олим глобаллашув шароитида миллий ўзликни ангаш, миллат тақдирини тадқиқ этиб, миллий ривожланиш концепциясини яратди².

Ушбу концепцияда “миллатлараро муносабатлар” категориясига янгича таъриф берилган бўлиб, унда миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва принциплари методологик асос қилиб олинади. Тадқиқотчининг таърифига кўра миллатлараро муносабатлар дегани “у бир миллатнинг бошқаси билан бўладиган муносабати, давлат ёки бошқа объектнинг унга бўладиган муносабатини эмас, балки бир неча миллатлар ўртасида бўладиган кенг қамровли муносабатларни англатади”³.

Муаллиф ушбу таърифда илмий жиҳатдан тўғри методологияни қўллайди – миллий сиёсат миллатлараро муносабатларни тартибга солади деб таъкидлайди.

¹ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май. 101 (6795).

² Қаранг: Саъдулла Отамуротов. Глобаллашув ва миллат. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2008. – 202-б.

³ Ўша асар 64 бет.

Бирок дастлабки позицияда у бирмунча фарқ қиладиган ғояни олға суради, яъни миллатлараро муносабатлар табиатан давлат аралашувисиз кечади, дейди. С. Отамуротов миллий риожланиш концепциясида олға сурилган ғоялардан яна бир эътиборлиси – глобаллашув жараёнининг миллатлараро муносабатларга салбий таъсири муаммосидир. Муаллиф фикрича глобаллашув кам сонли миллат ва элатларни глобаллашув оқибатида кўп сонли миллатларга кўшилиб кетиши (ассимиляция) хавфи мавжуд¹ дейди.

С. Отамуротов таъбирига кўра, глобаллашув жараёни икки йўналишда миллатлараро муносабатларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Биринчидан, кўпмиллатлар яшаётган мамлакатлар ички ҳаётида маълум зиддиятларни вужудга келтириш хавфини туғдирмоқда. Муаллиф ҳадиксираган нарса гўёки кучли қудратли давлатларнинг ўзи ҳам глобаллашув таъсирини сезмоқда, ундан ҳимояланишнинг имкониятларини қидирмоқда. Айрим мафкурачилар қудратли давлатлар томонидан ўз тилини, урф-одат, анъана ва қадриятларини кичик халқларга ўтказишини, сингдиришга уринишини муаллиф фикрича бузиб кўрсатмоқдалар.

Глобаллашув жараёнининг миллатлараро муносабатларга салбий таъсирининг иккинчи йўналиши ушбу жараёнлар иқтисодиёти юксак тараққий этган давлатларга кам тараққий этган давлатларнинг қарамлигининг ошишидир.

Муаллифнинг ташвишланишича, бундай ҳолат кам тараққий этган давлатлар миллий маънавиятининг заифлашувига олиб келади. Бу – ўз навбатида аксилглобаллистик ҳаракатларини келтириб чиқаради.

Ушбу муаллиф глобаллашув жараёни миллатлар миграциясини ҳам жаҳондаги нотекис иқтисодий ривожланиш билан боғлайди ва бу жараён турли миллатларни ўзаро аралашиб кетиш тенденциясини кучайтиради² деган хулосага келади.

Шунингдек, тадқиқотчи Г. Каримова “Ахборотларнинг тиғизлашуви ва такомиллашуви оқибатида инсон ва жамиятнинг

¹ Ўша асар, 65-б.

² Ушбу асар 67-б.

ҳаёти ўзгарди, ижтимоий тараққиёт учун янгича объектив шарт-шароит яратилди. Ижтимоий ҳаёт ва унинг барча соҳаларида глобаллашув жараёни ҳам ахборотнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ ҳолда ўз йўналишида давом этмоқда. Жамиятда пайдо бўлаётган инсон учун хатарли ҳолатларнинг олдини олиш, муаммоларини ҳал қилиш, гуманистик, демократик тараққиёт йўлини танлаш ҳам ахборот оқимининг мазмуни ва йўналишига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда”¹, деб таъкидлаб ўтади.

Албатта глобаллашув ҳодисаси ҳам физика ва механика соҳасидаги каби таъсир ва акс таъсир ҳодисасини эслатади. Глобаллашув табиий равишда антиглобаллизмни, яъни аксилтаъсирни юзага келтиради. Глобаллашув шароитида миллий ўзликни сақлаб қолишга қаратилган табиий қаршилик қилиш туйғуси кучаяди. Бироқ бугунги замоннинг талаби ва объектив қонуниятлари шуки – ўзаро ҳамкорликсиз миллий тараққиётга эришиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Глобаллашувлар дарҳақиқат катта ижтимоий-фалсафий муаммодир. У, бир томондан, бутун бошли давлат тақдирига таъсир этса, иккинчи томонда эса миллий бирликларни ҳаракатга келтиради, ўзлигини англашга ундайди. Бундай шароитда фақат чуқур ва ҳар томонлама ўйланган миллий сиёсатгина миллий ўзликни сақлаган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

Бу ўринда айрим тараққий қилган давлатлар сиёсати ўзига хос намуна бўлиши мумкин. Масалан, бугунги Япония жамияти, унинг миллий бетақдорлиги, глобаллашув шароитида ҳам азалий миллий қадриятларини, урф-одат ва кўҳна анъаналарини сақлашга муваффақ бўлаётганлиги намунадир.

Япон жамияти ўзининг кўҳна дини – буддизм, унинг японча таҳлили – Синтоизм анъаналарига бугунги глобаллашув шароитида ҳам содиқ бўлиб қолган². Глобаллашув ривожланган давлатларни ўзаро интеграцияга киришишига олиб келмоқда. Бироқ

¹ Г.Каримова. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият қуришнинг миллий ахлоқий тамойиллари. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 26-б.

² Судзуки Д. Основы Дзэн – Буддизма. – Бишкек; МП “Одиссей”, 1993 – С. 672.

глобаллашув тарихий илдизи чуқур, мустаҳкам маънавий кадриятларга эга миллатларни ассимиляция бўлишига олиб келмайди. Япон жамияти бунга мисол бўла олади. Шу ўринда, “глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш”¹ фармондаги тезис жуда ҳам ҳаётийдир. Миллий ғоя айнан шу шароитларда, яъни глобаллашув тенденцияси тобора кучаяётган даврларда ўзининг методологик аҳамиятини янада равшан намоён қилади.

Ҳуқуқшуносларимиздан профессор С.М.Одилхўжаева ўринли таъкидлаганидек, глобаллашув шароитида давлат стратегиясини тўғри танлаш миллий ўзликни сақлаб қолиш, демак миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун бениҳоят муҳимдир². Юксак маънавиятгина глобализация таъсирини юмшатади, барқарор миллий тараққиёт учун замин яратади. Бунинг боиси кўхна миллий маданият ва маънавият глобаллашувнинг “суррогат” маданияти – “оммавий маданият” ва “оммавий маънавият” га нисбатан халқ қалбига, менталитетига доимо яқиндир. Албатта жамият таркиби бир хил бўлмайди. “Оммавий маданият” га оғиб кетувчи фуқаролар, ҳатто ўз иймон-эътиқодини ҳам ёт ғоя ва маслакларга осонгина алмаштирувчи, халқимизга ёт бўлган маслакларга эргашувчилар ҳар доим ҳам топилади. Бунга мисол 2011 йил миссионерлик фаолияти учун фош этилган “Иегова шоҳидлари” диний сектасининг пойтахт Тошкент ва қатор вилоятлардаги бузғунчилик фаолияти бўлиши мумкин. Шуниси ачинарлики, ушбу сектага маҳаллий миллатга мансуб кишилар ҳам кирганлар, иеговачиларнинг бемаъни даъватларига – “Яқинда охирзамон бўлиши”га ишонганлар, бор-бутини черков вакилига ўтказиб, ўзларини нариги дунёга тайёрлаганлар. Ҳуқуқ – тартибот ҳодимларининг тезкор ҳатти-

¹ “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // “Халқ сўзи”, 2018 йил 16 апрель. 76 (7033).

² Адилхожаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2007 – С. 130.

ҳаракатлари натижасида миссионер шахслар ғаразли мақсадни кўзлаган товламачилар эканлиги маълум бўлди. Улар халқаро миссионер ташкилотларининг Марказий Осиёдаги гумашталари эканлиги, конфессиялараро зиддиятларни келтириб чиқарадиган фаолият билан шуғулланганликлари фош бўлди. Улар мамлакатимиздан бадарға қилиндилар, адашган, алданган фуқароларимиз эса телевидение орқали халқимиз олдида товба-тазарру қилишга мажбур бўлдилар.

Президентимиз Ш.Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида – “Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундайди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди. Ана шу ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириш, террорчи бўлиш – бу Ўзбекистон халқига мутлақо тўғри келмайди.

Алҳамдулиллоҳ, ҳаммамиз мусулмонимиз, бунинг шукронасини қилиб, фарзандларимизни ҳам бундай неъматнинг қадрига етадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз керак эмасми?”¹ – деб, мурожаат қилди.

Дарҳақиқат, мухтарам Юртбошимизнинг имомларга қилган мурожаатида ҳамма вақт ҳам ўта долзарб вазифа бўлиб, тарихдан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизни бугундан англашимиз кераклигини таъкидлаб ўтилмоқда.

Ғурури, иймони баланд халқимизнинг бундай тоифа фуқароларга – диний экстремистлар, халқаро терроризм гумашталари ва турли иймонсиз ватанфурушларга нисбатан нафрати кучлидир. Буни хизбутчи, акромий, нурчи ва ҳ.к. экстремист бузғунчиларга халқимизнинг муносабатидан билса

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 475-бет.

бўлади. Мустақиллик йилларида бундай кучлар ташқи ҳомийлари томонидан қанчалик рағбатлантирилмасинлар халқимиз иродасини бука олмадилар, халқимиз уларга эргашмади, аксинча, халқ нохуш ҳодисалар сабабли жипслашди, олиб борилаётган давлат сиёсатини ёқлади. Буларнинг барчаси халқни бирлаштирувчи ғоя – миллий ғоямиз таъсирида бўлди. Миллий ғоя байроғининг энг юқорисига халқимиз танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл эканлиги битилган. Бу мамлакатимизни кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакат эканидан келиб чиқади. Фақат демократик давлат ва фуқаролик жамияти шароитидагина миллий фарқларга урғу берилмайди, ҳеч қайси миллат ёки элат камситилмайди, шовинизмга йўл қўйилмайди. Ўзбекистонда мана чорак асрдан зиёд давр ичида ҳукм сураётган миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликнинг сири ҳам ана шунда – эркин шахс ҳақ-ҳуқуқларининг расмий равишда кафолатланганлигидир.

Концептуал ва назарий жиҳатдан ёндашилганда миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликнинг сабаби – жамият демократлашуви шароитида янги типдаги шахснинг шакллануви деса бўлади. Албатта, совет даврида ҳам байналминалчилик, яъни интернационализм ғояси жамиятда ҳукмрон эди. Бироқ бундай байналминалчилик соҳта бўлиб, аслида рус шовинизми хуфёна равишда, турли сиёсий комбинациялар воситасида жамиятда қарор топтирилган эди, масалан рус тилини билмаган бирон бир оқсақол давлат идорасига ўз она тили – ўзбек тилида ариза билан кириб мурожаат қилса аризаси олдиға улоқтирилар “рус тилида ёзиб келинг!” деб қайтарилар эди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши (1989 йил) бу ҳолатга барҳам берди, 1991 йил августида мустақилликка эришгандан сўнг маъмурий иш юритиш тўла давлат тилига ўтди.

Миллий ўзликни англаш том маънода миллат учун муҳим бўлган хусусият – ўз она тилини англашдан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Иккинчидан, ўзликни англаш мутахассисларнинг фикрича, инсон томонидан ўз “Мен”ини

англашдан бошланади¹. Ўзликни англаш инсонни шахс даражасига етиши билан боғлиқ. Узоқ давр шахс категорияси турли ғайри-илмий, диний талқинда бўлиб келган. Масалан, насронийликда шахс ахлоқий хусусият, руҳнинг синоними деб тушунилган бўлса, янги даврга келиб француз мутафаккири Рене Декарт томонидан шахсни дуалистик тушуниши юзага келиб, ўзини-ўзи англаш “Мен” тушунчаси билан айнанлаштирилади.

Агар немис мумтоз фалсафаси вакили И. Кант шахс ўзини-ўзи англаши орқали хайвонлардан фарқ қилади, бунинг асоси ахлоқ қоидаларига риоя қилиш² деб тушунса, инглиз мутафаккири Ж. Локк эса шахсни тўғридан тўғри “ақлий”, “фикрловчи мавжудот”³ деб изоҳлайди.

“Шахс” тушунчасига марксча-ленинча ёндашув ҳам тарихан шаклланган бўлиб, марксистлар шахсни барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуаси деб изоҳлаганлар⁴.

Бугунги фалсафада шахс тушунчаси марксча – ленинча тушунишдан фарқ қилади. Бугун шахс деганда ўзини муайян ижтимоий маконда тарихий ўзлигини англовчи, жамият ва давлат олдида масъулиятини ҳис қилувчи, миллий тараққиёт тўғрисида қайғурувчи инсон назарда тутилади.

Албатта, барча шахслар ҳам ушбу таърифга тўғри келмайди. Масалан, жиноятчи “шахси”, экстремист-терорчи “шахси” ва ҳ.к. тушунчалар шахсни юқоридаги таърифидан истиснодир. Шу ўринда Юртбошимиз томонидан таъкидлаганидек “Аммо яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, эгри қадам босадиган, эл-юртимизга иснод келтирадиган кимсалар – уларни нонқўр десак, тўғри бўлади – бундай шахслар билан бошқача иш олиб борамиз. Буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек, **“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур, Ҳар кимки жафо қилса, жазо топқусидур”**.

¹ Хўжамуродов И., Якубов Ю. Ислом: жамият ва шахс. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007. – 13-б.

² Кант И. Соч 4. Ч. 2. – М., 1965. – С. 132.

³ Локк Дж. Избранные философские произведения. Т. 1. – М., 1960. – С. 338.

⁴ Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 45. Ч. 1. С. 214.

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди”¹.

Масалага цивилизация тартибда ёндашадиган бўлсак, ўрта асрлардаёқ “шахс” тушунчасини бугунги мустақиллик шароитидаги тушунишга яқин тушунишни олсак бобоқалонимиз А. Навоий томонидан “одам” тушунчасига берган изоҳида учратиш мумкин. Хазрат А. Навоий киши шахсини назарда тутар экан “Одам борки одамларнинг нақшидир, одам борки ҳайвон андин яхшидир” дейди. Бу билан ҳазрат Навоий шахслар турлича бўлиши мумкинлигини, шахс том маънода юксак ахлоқий-маънавий тушунча бўлиб, у ижтимоийликнинг олий кўриниши, яъни инсон томонидан ўз индивидуаллигини муайян тарихий-ижтимоий бирликка алоқадор, мансуб эканлигини англаб етиши, ушбу бирликнинг келажаги, тақдири билан қизиқиши, бефарқ, лоқайд бўлмаслиги билан узвий боғлиқ эканлигини чуқур англаши асосида намоён бўлади.

Миллий ғоя халқ дастурининг ҳаётбахш ва илҳомлантирувчи таъсири шундаки, бугун халқда миллий ғурур, ифтихор туйғуси қайта тикланмоқда, асрий орзулар ушалмоқда. Шу ўринда яқин ўтмишдаги илғор зиёлиларимиз – жадидлар томонидан миллий ўзликни англаш, турли диний ақидапарастларнинг салбий таъсирини миллий тараққиёт учун заифлаштиришга қаратилган саъйи-ҳаракатларини эслаш жоиз.

Ўзбек миллий менталитети хусусиятларини, унда демократик тамойил азалдан мавжуд эканлигини чуқур таҳлил қилган олимамиз профессор Ш.Мадаева айтишича жадид маърифатчилари таълимотида ёшларнинг миллий ўзлигини англаши муаммоси алоҳида ўрин тутди².

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 474-бет.

² Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2007. – 57 б.

Бугун рўй-рост айтиш мумкинки, миллий ғоямизнинг ўзликни англашга оид таркибий принципларининг тарихий илдизи жаид маърифатчиларимиз ҳаракатига бориб тақалади. Бунинг тарихий далили – улар ижодида миллий ўзликни сақлаб қолиш, истилочи рус маънавиятининг бузғунчилик таъсирини ёритишга қаратилган қатор асарларнинг мавжудлигидир. Масалан, Махмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” номли асарида ўзбек бойвачча йигитининг рус “биродари” таъсирига тушиб қолиши, пиво ичиб, маст бўлиб, ўз уйига ўғирликка тушиши, натижада отасининг фожеали ўлишига сабаб бўлиши бадий шаклда тасвирланади.

Эътиборимизни яна бир ҳақиқатга қаратсак, “Кейинги йилларда халқимиз ўртасида кенг тарқалган **“Ўз уйингни ўзинг асра!”** деган даъватга бугун **“Ўз болангни ўзинг асра!”** деб қўшимча киритиш вақти келди, деб ўйлайман.

Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гаплашишимиз лозим. Чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман”¹ деб, Президентимиз жуда катта имкониятлар бераётганлигини ҳам англаш зарурдир.

Бегона маънавий кадриятларнинг маҳаллий халқ маънавиятига салбий таъсири ҳақида қайғурар экан, М. Бехбудий миллатнинг ўзлигини англашига бағишланган қатор асарларни яратди. Унинг “Муҳтарам ёшларга мурожаат”, “Эҳтиёжи миллат”, “Жаҳолат дардларидан”, “Миллатлар қандай тараққий этарлар” каби асарлари мана орадан деярли бир аср ўтса-да, ҳозир ҳам долзарб ва замонавий бўлиб, бугунги глобаллашув шароитларида ёшлар онги ва маънавиятини “оммавий маданият” ва бошқа Ғарб маънавий кадриятларидан сақлаш учун, миллий ғоямизни мазмунан бойитиш учун ўта қимматлидир.

Миллий ўзликни англаш, шу орқали миллат равнақиға, ижтимоий юксалишга эришиш каби масалалар унинг издоши ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 481-бет.

замондоши Абдурауф Фитрат томонидан ҳам таҳлил қилинган бўлиб, бундай масалалар унинг “Бизда йигитлик”, “Тилимиз”, “Оила”, “Ҳинд сайёҳи” каби асарларида ўз аксини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жадинчилар томонидан миллий ўзликни англаш, миллатни юксалтириш ҳақидаги ўй-мулоҳазалар асло миллий маҳдудлик, миллатчиликка алоқаси бўлмай, аксинча, умуминсоний қадриятларни эгаллаш, миллий уйғониш, жаҳон илми, фани ва техникаси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ўзимизда ҳам шу асосда фан ва техника, илғор технологияларни яратиш ғоялари устувор бўлган¹.

Демак, миллий ғоямизда кўзда тутилган масала ва вазифалар тарихий асосга эга бўлиб, жадинчилар ғоялари билан уйғунлашиб кетгандир. Жадинлар ҳам, бугунги миллий ғоямиз тарафдорлари ҳам бир мақсадни – обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишни, миллий мустақилликни мустаҳкамлашни кўзлайди.

“Миллий ўзликни англаш – бу дунёдаги ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз тарихи, тақдири, тили, маданияти, маънавияти, кадр-қиммати, истиқболини мукамал билишдир”².

Юқоридаги мулоҳазаларга муайян хулоса тарзида шуни таъкидлаш зарурки, миллий ғоямиз гарчи ўзбек халқи томонидан ўз тарихини, ўз маданияти, маънавияти, урф-одатларини, анъаналарини, диний эътиқодини билишинигина англамайди. Миллий мансублик миллий ўзликнинг таркибий қисмидир. Бироқ миллий ғоя миллий мансубликдан юқори бўлган, умумжамиат тақдири ва истиқболини ифода этадиган ғоядир. Бу билан нима демоқчи бўламиз? Гап шундаки, айрим ҳолларда, баъзида айрим ўқув-услубий нашрларда хатто илмий асарларда ҳам юқорида таъкидлаганимиздек миллий ғоя – бу титул миллат, ўзбек халқининг ғояси деган тушунча учрайди.

Аслида эса миллий ғоя ўзгача бир маънода – яъни у мамлакатимизда истиқомат қилувчи юздан зиёд миллат, элат ва этник бирликларнинг демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

¹ Бу ҳақида қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: “Маънавият” 2002. – 32 б.

² Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З. Маънавий юксалиш сири. – Т.: Меҳнат, 2000. – 41 б.

хукуқий жиҳатдан кафолатланган жамиятдаги умумдавлат, умуммамлакат тараққиёт ғоявий дастуридир. Бундай тушуниш давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил миллий сиёсатга асосланади, келажакда мамлакатимизда яшовчи барча катта-кичик миллатлар, халқларнинг умумий истиқболи ва равнақини тасаввур қилишга асосланади, миллатлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро дўстлик ва ҳурмат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ҳар қандай кўринишдаги миллий этник ва диний низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайди, уларнинг олдини олишга хизмат қилади.

2.3. Диний омилнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролининг ошиб бориши

XX асрнинг сўнги йиллари ва XXI асрнинг бошларида ижтимоий-сиёсий жараёнларда ислом омилнинг ўрни ва роли хусусида мунозаралар кенг тус олди. Исломшунос ва сиёсатшунос олимлардан Ш. Ёвкочев таъкидлашича, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига ислом омилнинг тобора ортиб бораётган таъсири биринчи навбатда ислом оламида, шунингдек Европа, Шимолий Америка ва Осиё қитъаларида ҳам кузатилмоқда¹. Бунинг қатор объектив сабаблари борлиги маълум.

Объектив сабаблардан бири – бизнинг назаримизда, бугунги глобаллашув, ахборот технологиялари ва юқори коммуникацион алоқалар даврида исломий кадриятларнинг жаҳон узра кенг тарқалишига реал имкониятларнинг пайдо бўлишидир.

Иккинчи муҳим сабаб – ислом геосиёсатининг мавжудлигидир².

Дин ёки “диний” омилнинг бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни, таъсири ва ролини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишнинг аҳамияти шундаки, гарчи ислом геосиёсати мавжудлиги инкор этиб бўлмайдиган далил бўлса-да, ушбу омил турли жамиятларда ва сиёсий тартиботларда турлича баҳоланиши мумкин.

¹ Ёвкочев Ш.А. Ислам и политика: учебное пособие. – Т.: Таш ГИВ, 2010. – С. 3.

² Модестов С.А. Геополитика ислама. – М.: Молодая гвардия, 2003. – С. 190.

Марказий Осиёда, ислом омилининг ўсиб бориши турлича талқинларга сабаб бўлмоқда. Аксарият Ғарб тадқиқотчилари ислом динига тенденциоз муносабатда, яъни ислом динини зўравонликни тарғиб қилувчи дин деб тушуниб, уни ҳозирги замон терроризмининг ғоявий таянчи деган салбий образни яратмоқчи бўлсалар, Марказий Осиёнинг ёш мустақил давлатларида диний омил жамиятни демократлашуви ва модернизациялашувига тўсиқ бўлувчи омил деб тушунишга таяниб ислом дини табиатига батамом зид бўлган жиҳодчилар, хизбутчилик ва ҳ.к. диний экстремистик ва фундаменталистик сиёсий кучлар билан айнанлаштиришга уринадилар.

Зеро, Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлашича, “Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буён пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур.

Муқаддас Қуръони каримда мусулмонларга қарата **фирқаларга бўлинманг**, деган мазмундаги кўрсатмалар бор. Бу турли оқимларга бўлиниб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга динимиз мутлақо қарши эканига яққол далил эмасми?”¹ албатта, ушбу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Ислом омилининг Марказий Осиё халқлари тараққиётида ўзига хос беқиёс тарихий ўрни ва истиқболдаги аҳамиятини сиёсий ёки маъмурий йўл билан очиб бериш мушкул иш. Бизнинг назаримизда, ислом ва унинг истиқболимиздаги маънавий юксалишимиз учун аҳамиятини фақат ижтимоий-фалсафий таҳлил орқали ёритиш ва асослаш мумкин.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485-бет.

Қатор Ғарб олимлари ва сиёсий арбоблари халқаро террористик ташкилотлар ҳомийлигида жаҳон узра ХХ аср охирлари ва бошларида (2001 йил 11 сентябр, АҚШ, Нью Йорк шаҳри) содир этилган қатор террорчилик ҳатти-ҳаракатларини ислом дини билан боғлайдилар. Хатто АҚШ Президенти Ж. Буш ҳовлиқиб 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг мусулмонларга қарши “салб юриши”ни такрорлашга даъват этди. Бундай “даъват” мусулмон оламида, жаҳон ҳамжамиятида қандай акс-садо берганлиги маълум. Ушбу “даъват” АҚШ Гарвард университетининг профессори, футуролог (башоратчи) Самуэл Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” тўғрисидаги “фоли” га ҳамоханг эканлиги маълум. Албатта, Ж. Буш ўзига келиб, эртасигаёқ узр сўради. Бироқ “айтилган сўз – отилган ўқ” деганларидек, жаҳон ҳамжамиятида жаҳон динларидан бири – ислом динига нисбатан бунчалик ҳурматсизлик диний эътиқод вакиллари қалбидан салбий из қолдирди. Диктатор Саддам Ҳусайн сиёсатидан безиган Ироқ халқи ҳам, гарчи дастлаб АҚШ ҳарбийларига ҳайрихоҳлик қилган бўлсалар-да, ушбу “даъват”лардан сўнг тўнани тесқари кийди, бегуноҳ ҳарбийлар сафида қурбонлар сони ошди. Чунки АҚШ давлати Ироқ халқининг энг нозик туйғуси – диний эътиқодини ҳақорат қилган эди.

Ушбу воқеаларнинг фалсафий таҳлили дин масаласида, кишиларнинг эътиқоди масаласида жуда ҳам эҳтиёт бўлишни, зийраклик билан иш кўришни, диний омилнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини холисона баҳолашга ундайди.

Ўзбекистонда диний омилнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва роли мамлакат Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан пухта ва ҳар томонлама ишлаб чиқилди. 1999 йил 16 феврал воқеалари, 2004 йил ва айниқса 2005 йил 12-13 май Андижон воқеалари ҳам динга оид изчил давлат сиёсатини ҳам ўзгартира олмади.

Ушбу воқеаларни қийшиқ ойнада акс эттириб, ахборот хуружини бошлаган Ғарб оммавий ахборот воситалари вакилларига қараб **Ислам Каримов “дин бундан буён ҳам биз учун олий**

маънавий қадрият бўлиб қолаверади”, “Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда” деб жавоб берди. Акромий, ҳизбутчи ва ҳ.к. газандаларининг ислом дини қадриятларига ҳеч ҳам алоқаси йўқ эканлигини, улар дин ниқобида сиёсий мақсадларни кўзлаганларини рўй-рост жаҳон жамоатчилигига расман маълум қилди.

Ислом Каримов **“дунёвийлик даҳрийлик эмас”** деб, уни атеизмда, даҳрийликда айблаган сиёсатчиларни фош этди.

Ўзбекистон халқи танлаган йўл, дарҳақиқат, дунёвий демократик тараққиёт йўлидир.

1997 йилда чоп этилган ва бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан ижобий кутиб олинган асар – **“Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”** асари давлатимизнинг динга бўлган муносабатини рўй-рост акс эттиради. Асарда **“хавфсизликка таҳдидлар”**дан асосан еттитаси санаб ўтилади. Улар ичида диний экстремизм ва ислом фундаментализмининг барқарор тараққиётимизга асосий таҳдидлардан бири эканлигига эътибор қаратилади.

“... Энг мураккаб саволлардан бири шуки, - дейди Ислом Каримов, - биздаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз? Жамиятимиз тўхтовсиз ва барқарор ривожланишига, биз истиқомат қилаётган минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат сақлашига нималар кафолат бўла олади”¹. Халқимиз олдида қўйилган ушбу савол ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўта мураккаб саволдир. Ушбу саволга имкон борича жавоб беришга, **ижтимоий тараққиётимизда диний омилга муносабат ижтимоий-фалсафий жиҳатдан қандай бўлиши лозимлиги ҳақида қисқача тўхталамиз.** Зеро, тараққиётимизнинг маънавий негизи – Миллий ғоямиз айнан ўша эзгу ният – **озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш биринчи навбатда тинчлик ва**

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 123 б.

барқарорликни сақлаб қолиш, турли бузғунчи, вайронкор ғояларга қарши кураш олиб бориш билан бир қаторда муқаддас динимизга, ушбу динга эътиқод қилувчи фуқароларимизга зарар етказмаслиги, халқ билан давлат ўртасида масофани, жарликни шакллантирмаслиги керак. Огоҳликни сақлаш, дин ниқобидаги турли сиёсий мақсадларни фож этиш – давр талабидир¹.

Бироқ мамлакатимиз тараққиёти, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсати атрофида фуқароларни бирлаштириш “бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш”ни эмас, балки муқаддас динимиз ичига кириб олган турли бузғунчи элементларни, динни сиёсий мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган унсурларни зарарсизлантириш, фож этишни тақозо этади.

Ушбу фаслда ижтимоий тараққиётда диний омилнинг ўрнини таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам шу – дин ва ундан ғаразли мақсадда фойдаланувчиларни фарқлаш, диннинг жамиятда фуқаролараро ҳамжиҳатликни сақлашдаги ўрнини ёритишдир. Бундай ёндашувнинг илмий ва назарий-методологик қиймати шундаки, жамиятда фуқаролараро ҳамжиҳатлик, давлат ва дин ўртасида ижтимоий тараққиёт йўлида ўзаро ҳамкорликсиз миллий ривожланиш мумкин эмас.

Хўш, диннинг ижтимоий тараққиётга қандай алоқаси бор, деган саволни ўртага ташлаймиз.

Бу борада фалсафий адабиётларда кўлга киритилган айрим концептуал ва методологик ишланмаларга мурожат қилиш ўринлидир. Масалан, Р. Самаров ўз тадқиқотида тўғри таъкидлашича “ҳар қандай ривожланиш учун биринчи навбатда барқарорлик (у ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий ва бошқалар бўлиши мумкин) таъминланиши зарурият ҳисобланади”².

¹ Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. – 79 б.

² Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Akademya, 2010. – 35-б.

Бундай фикр ва методология муқаддам Ислом Каримовнинг юқорида эслатилган – “�збекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида ҳам илмий жиҳатдан ифода этилган эди.

Биринчи Президентимиз томонидан яратилган бу нодир асарнинг 7-боби барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларига бағишланади. Ушбу китоб чиққандан сўнг мамлакатимизда нашр этилган ижтимоий-фалсафий адабиётларда мазкур бобда битилган қимматли методологик чизгиларга кам эътибор берилган. Айтиш лозимки, ушбу боб ўта нозик ва қалтис муаммо – халқ маънавий меросини тиклаш масаласига бағишланади. Бобнинг бошидаёқ муаллиф ҳеч қандай жамият ўз маънавиятини ривожлантирмас ва мустақамламас экан ўзининг истиқболидан маҳрум бўлишини таъкидлайди¹.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, мустақилликка эришишнинг дастлабки даврларданок халқимиз ўз маънавий чанқоғини қондириш учун ўз тарихий меросига, бой маънавиятини қайта тиклашга зарурат сизди. Бироқ йўқотилган, унутилган бой маънавий меросимизни қайта тиклаш мураккаб шароитда кечди. Бир томондан, собиқ тоталитар тузумдан қолган салбий меросни инкор этиш билан гоҳида кўр-кўрона унутилган қадриятларни тиклашга уринишлар бўлди. Ислом Каримов таъбирича, иккиси ҳам нотўғри бўлиб, пировардида сиёсий экстремизмга олиб бориб, мамлакатни модернизациялашга тўсқинлик қилар эди.

Айнан шундай инкор ва эътироф диалектикаси тўлкинида экстремистик гуруҳдаги муҳолифатнинг юзага келишига сабаб бўлди. Айрим сиёсий ҳаракатлар ва партиялар айнан шундай экстремистик муҳолифат эдилар. Ушбу экстремист гуруҳлар шўро тузуми даврида шаклланган маънавий қадриятларни батамом инкор этиб, илмий тил билан ифодалаганда механик инкор этиб, ашаддий миллатчилик руҳида бўлган маънавий ишоралар билан чиқа бошлашди.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 115-б.

Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида 2017 йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида таъкидланишича, “Бугунги кунда Ўзбекистон китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланмоқда, уларнинг асосий қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Айни вақтда биз Ўзбекистон пойтахти Тошкентда **Ислом цивилизацияси марказини** ташкил этиш ишларини бошладик. Ва Ташкилотга аъзо мамлакатларни фаол ҳамкорликка чақирамиз.

Бу марказни **“Жаҳолатга қарши – маърифат”** шиори остида барпо этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда”.¹

Дарҳақиқат, ҳокимиятга даъвогар миллатчи кучлар бу шароитларда ўта бемаъни ва бемаза сиёсатни олиб боришга ҳаракат қилишди, тарихий ворисликни, миллий маданиятни ва қадриятлар ўртасида ўзаро алмашув, ўзаро маънавий бойиш, юксалиш қонуниятини жоҳилларча инкор этдилар. Бунинг контекстида диний экстремистик сиёсати ҳам бор эди, диний ниқоб остида миллий айирмачиликни давлат сиёсати даражасига кўтаришга уринишлар кузатилди. Кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакат бўлган Ўзбекистондан мустақилликнинг дастлабки йиллари ушбу миллатчи кучларнинг таъсирида русийзабон халқларнинг ўз тарихий ватанлари томон миграцияси кучайди.

Чунки, миллатчилар нимаики русча бўлса, уни таъқиқлашга, бошқа ном билан аташга ҳаракат қилдилар. Айнан шу даврда “университет” дорулфунун деб, “газета” рўзнома, “самолёт” учоқ, “аэропорт” эса тайёрагоҳ, “факултет” куллиёт, “район” – ноҳия деб аталиб, алмисоқдан қолган, аллақачон халқ талаффузидан ўчирилган иборалар ва номлар қайта тикланди, кўр-кўрона сиёсатга йўл очилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 11 сентябрь. 181 (6875).

Холислик нуқтаи назаридан айтиш лозимки, собиқ шўро тузумидан нафақат ўзбек халқи, балки собиқ иттифокда яшаган барча халқлар ва миллатлар озор чеккан. Рус халқи ҳам бундан истисно бўлмаган. Мачитлар билан бир қаторда христиан черковлари, яҳудий синагогалари ҳам вайрон қилинган, сиёсат бу даврларда тоталитар табиатда эди. Шўролар тарихи бунга гувоҳлик беради. Ислом Каримов мамлакат барқарорлиги ва миллий тараққиётнинг муҳим шартини – миллий тикланиш ва миллий ўзликни англашда муайян меъёр, ўта нозик ва қалтис чегара борлигини, агар шу меъёр ва чегара бузилса мамлакатда этник зиддиятларга йўл очилишини ўта зийраклик билан ушбу асарда уқтириб ўтади. 2011 йили нашрдан чиққан “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарининг сўзбошисида тўғри таъкидлаганидек “тарихий бурилиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши”ни яқин тарихимизда бўлиб ўтган суронли воқеаларни эслаш давомида янада чуқурроқ англаймиз¹.

Айнан Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий тараққиётимизни миллатлараро зиддиятлар ўзанига буриб юбориш, фуқаролар урушининг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон фармонида – Фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш мақсадида Республика байналмилал

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 30-31 бетлар.

маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини ташкил этиш¹ вазифалари белгилаб берилди.

Ижтимоий воқеаларни илмий таҳлил қилиш ва баҳолашда тараққиётнинг “ўзбек модели” ўзига хос илмий парадигма бўлди. Файласуф олима, профессор М. Абдуллаева тўғри таъкидлаганидек ижтимоий воқеаларга парадигмавий ёндашув фалсафани методологик жиҳатдан бойитади, мураккаб жараёнларни, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маданий модернизация жараёнларини илмий асосда бошқариш (фалсафий синергетика) имкониятини яратади².

Миллий ғоя Ўзбекистон тараққиёти учун методологик мазмунга эга.

Бу дегани – миллий ғоя бой тарихимизни, маънавий маданиятимизни кўҳна кадриятларини илмий асосда қайта тиклаш, ғайри-илмий, экстремистик – бузғунчи таҳлиллардан ҳоли бўлиш, мамлакатимизда яшовчи барча халқ ва миллатлар вакилларининг миллий ва диний туйғуларини, ўзаро ҳурматини шакллантириш учун амалий дастур эканлигидан далолатдир. Ислон Каримов юртимизда кечаётган туб ўзгариш, янгиланиш жараёнларини илмий таҳлил қилиб баҳолар экан, ушбу воқеалар ички мантиғидан келиб чиқиб, уларга диалектик инкор принципи орқали ёндашиш лозимлигини уқтиради. Диалектик инкор деганда, эски, умри тугаган тузумдан ҳам айрим ижобий томонларни вақтинча сақлаб қолиш, “янги уй қурмай туриб, эскини бузмаслик” назарда тутилади. Эски ва янги, модернизациялашган жамият афзаллиги ўзаро таққослаш, қиёслаш принципини қўллаш асосида яққол кўзга

¹ “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май, ПФ-5046-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май. 101 (6795).

² Абдуллаева М.Н. Модернизацияга парадигмал ёндашувнинг фалсафий-методологик таҳлили. // Модернизация жараёнининг фалсафий методологик таҳлили. Монография. –Т.: “Ношир”, 2010. – 8-23 бетлар.

ташланади. Демак, маънавий қадриятлар, жумладан дин ҳам ўзига хос модернизация жараёнини бошдан кечиради, замонга, даврга мослашмаган ҳар қандай мерос таназзулга маҳкум. Бугунги кун ва истиқбол учун муайян аҳамияти, кадрли бўлган нарсаларгина давр талабига жавоб беради. Фундаментализм, унинг салафий, ҳизбий ва бошқа таҳлиллари ва таҳрирлари бугунги ислом дини талабларига, унинг азалий қадриятларига зид бўлганлиги учун истиқболсиздир. Бу ҳақиқатни бугунги кунда барча аста-секин англаб етмоқда, дин ҳам фан каби ижтимоий юксалиш учун зарур ҳодиса эканлиги равшан бўлмоқда.

Бундай тушуниш қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. *Миллий гоя ижтимоий тараққиёт ва миллатлараро ҳамжиҳатлик учун интегратив аҳамиятга эга. “Миллий гоя” титул миллат гояси бўлмай, кўпмиллатли ва кўпдинли мамлакат аҳолисининг умумий тараққиёт гоясидир.*

2. *Миллий гоя миллий ўзликни англаш учун назарий асосдир. Миллий ўзликни англаш миллий тараққиёт учун муҳим ҳодиса бўлиб, у халқни илгор мамлакатлар ва халқлар қаторидан муносиб жой олишга йўналтиради, уни илҳомлантиради, озодликка ва эркинликка ундайди.*

3. *Маънавий қадриятлардан ҳисобланувчи дин ижтимоий тараққиётга зид эмас. У агар тўғри баҳоланса ва тўғри англолганса дунёвий тараққиёт учун маънавий асос бўла олади. Динийлик ва дунёвийликни бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас.*

3 боб. Миллий ғоя ва диний экстремизм мафкурасига диний конфессияларнинг муносабати

3.1. Миллий ғоя ва конфессиялараро бағрикенгликнинг Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти

Ўзбекистон халқи танлаган демократик дунёвий тараққиёт йўли, ушбу йўлнинг назарий асоси – тараққиётнинг “ўзбек модели” ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича **Харакатлар стратегиясининг** қабул қилиниши уни ҳаётда қарор топишини таъминлайдиган мафкура – миллий ғоя азалий эзгу диний қадриятлар ва уларга мазмунан ёт бўлган ғаразли ғояларни ўзаро фарқлаш учун ғоявий дастур вазифасини ўтайди.

Таниқли файласуф, профессор Қ. Назаров таъкидлаганидек “инсоният тарихида шундай ғоялар борки, улар буюк ишларга тайёр миллатларни ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришишга ундайди”.¹

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар миллий ғоямиз олға сурган эзгу мақсад – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек ниятни қўллаб-қувватлайди, диний экстремистик ғоянинг дин моҳиятига батамом зид эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакат. Бу жиҳат кўҳна тарих, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, Буюк Ипак йўли таъсирида турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва мулоқоти натижасида шаклланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида таъкидлаб ўтилганидек – “Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига

¹ Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademya, 2011. – 21 б.

айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона мурося асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз”¹ дейди Президентимиз.

Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистонда тарихан сулолалар, сиёсий тартиботлар, сиёсий тизимлар ва улар билан боғлиқ турли мафкуралар ўзгариши мумкин.

Бироқ этномаданий жиҳатлар, маданиятларнинг ўзаро бойиши, бир-биридан баҳра олиши жараёни ҳар доим давом этади.

Миллий мустақиллигимизнинг арафасида, ҳали юртимизда компартия мафкураси мустаҳкам асосга таянган даврлардаёқ бу жиҳат инкор этилмаган. “Мустақиллик Декларацияси” нинг қабул қилиниши арафасидаёқ (1990 йил 20 июнь), Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Ислом Каримов томонидан сўзланган “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб номланган ўша тарихий нутқда ушбу жиҳат алоҳида таъкидланган эди.

Ислом Каримов: “Ўзбекистон кўпмиллатли республика. Бу ерда қадим замонлардан бери неча ўнлаб миллат фарзандлари ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар... Ўзбек халқи ҳамиша – кулфатда ҳам, қувончда ҳам бошқа миллат ва элатларга алоҳида ҳурмат билан қараб келган, мамлакат халқларининг қардошлиги ва дўстлигини муқаддас билиб ардоқлаб келган. Бу нарса бутун дунёга маълум. Бу – биз бебаҳо бойлик деб асрайдиган ҳаётий қадриятдир: Биз барча миллат ва элатларнинг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун аҳиллик билан яхши яшашга имкон берадиган маънавий сиёсий муҳитни яратишни ўз бурчимиз деб биламиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь. 189 (6883).

Одамлар ўртасидаги мана шундай муҳит доимо беғубор ва мусаффо бўлсин, бу муҳитга чанг гард юкмасин ...”¹ деб таъкидлайди. Ҳамда, ўз нутқида ҳали шўро тузуми оёқда турган, “қизил империя” етарли сиёсий ресурсларга эга бўлган пайтларда бундай дейиш – ўта сиёсий жасорат ифодаси ҳисобланади. Орадан деярли икки ҳафта ўтиб “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилинади.

Тадқиқотимиз учун ушбу нутқнинг аҳамиятли томони шундаки, миллий мустақиллигимизга эришишгача мамлакатимиздаги миллий ва диний ҳамжихатлик, ўзаро дўстлик муҳитини сақлаб қолиш зийрак сиёсий арбоблар эътибор марказида турар эди. Чунки, энг ҳаётий эҳтиёж бўлган иқтисодий ислоҳотлар ҳам кўп жиҳатдан жамиятдаги барқарорлик муҳитига боғлиқ. Ўзаро жанжал, миллий ва диний низо мавжуд бўлган ерда тинч ишлаб чиқариш, иқтисодий самарага эришиш мумкин эмаслиги барчага маълум. Буни хатто ҳолис экспертлар ҳам эътироф этади. Масалан, юқорида тилга олинган хорижлик эксперт Леонид Левитин Президент И.А.Каримовга бағишланган асарида² XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йилларнинг бошлари Ислом Каримов учун ўта қалтис давр эди, деб баҳолаб, бу қалтислик кишиларда келажак учун умид учқунларининг йўқлиги эди деб баҳолайди. Бу даврда ислом динига, айниқса Марказий Осиёда анъанага айланган ханафия мазҳабига мансуб суннийлар эътиқодига зид таълимоти ўлкамизга вақтинчалик юзага келган бўшлиққа янгича диний ғоя кириб келди. Жиҳодчилар дастлабки кунлариданоқ Ханафия, (Имом Аъзам) мазҳабида бўлиб келган мусулмонларнинг эътирозига сабаб бўлди. Жиҳодчиларнинг такаббурлиги исломий дуоларни, Қуръон оятларини нотўғри талқин қилиши, сиёсий даъволари соф виждонли мусулмон жамоасининг ғашини келтирди.

Шу ўринда, француз исломшуноси Анри Массэнинг “Ислом” номли, XX асрнинг 60-йилларида рус тилига таржима қилинган, шарқшунослар ўртасида катта обрўга эга бўлган асари ислом

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 230-б.

² Левитин Л. Узбекистан эпоха Каримова. –М.: “ВАГРИУС”, 2003. – С. 41.

динининг жиҳодчиликка салбий муносабатини чуқурроқ акс эттиради.¹

А. Массэ ушбу асарда таъкидлашича, жиҳодчилар Қуръон ва Сунна текстлари асосида пайғамбарлар, турли авлиёларга сиғинишни нотўғри деб ҳисоблаганлар, бахтли ва бахтсиз кунларга ишонишни, дунёвий ҳаётдаги турли лаззатларга берилишни (тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, мусиқа, рақсга тушиш, кимор ўйнаш ва ҳ.к.) қоралаганлар. Манбаларга қараганда улар хорийжийлар ибодатига мансуб дейилса-да, аслида хорижийлик таълимотининг ҳанбалийча талқинидан келиб чиқиб, суннанинг дастлабки талқинини тиклаш учун курашганлар².

Адолат юзасидан таъкидлаш зарурки, ислом динини ижтимоий-тарихий контекстдан ташқари қараш, унинг фундаментал принципини замонга қараб талқин қилишга қарши чиқиш, илмий тил билан ифодалаганда “ислом модернизацияси” ни тан олмаслик ислом дини ичидаёқ бўлинишни, ўзаро зиддиятни келтириб чиқаради. Буни исломшунос М.Б.Пиотровский яққолроқ ифода этади³.

Ислом дини тарихида ушбу диний эътиқодни турлича талқин қилишга, ислом ақидаларини “асл ҳолати”ни тиклашга даъвогар кучлар доимо бўлган. Ислом динининг икки асосий оқимга илк ислом давридаёқ (VIII-IX асрлар) бўлиниб кетиши, ханбалия ва ханафия мазҳабларининг юзага келиши, шиалар томонидан ҳатто Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га нисбатдан имомийликка катта ўрин бериши, ҳазрат Алига сиғиниши азалдан ислом дини ичида ҳам конфессионал зиддиятлар намоён эканлигини кўрсатади.

Шиа таълимоти гарчи Эронда мустаҳкамланган, ҳатто XVI асрда Эроннинг расмий мафқурасига айланган бўлса-да⁴, аслида мусулмон ҳуқуқи – шариат, фикҳга таяниб, шиалар ҳар қандай бошқа эътиқодни қабул қилмас, улардан ҳазар қилар эди. Масалан,

¹ Қаранг: Массэ А. Ислам. – М.: Изд. Восточной латаратуры. 1962. – С. 230.

² Ўша асар, 194 б.

³ Пиотровский М.Б. Мухаммад, пророки, лжепророки, кохен. // Ислам в истории народов Востока. – М.: “Наука”, 1981. – С. 9-18.

⁴ Қаранг: Грюнбаум Г.Э. Классический ислам. – М.: “Наука”, 1988. – С. 216.

бошқа дин вакили – насроний ёки яхудий бирон бир буюмга тегиб кетса, уни синдириб ташлаш лозим бўлиб, ундан фойдаланиш “ҳаром” деб ҳисобланар эди. Бундай муросасизлик мутаваллилар, айниқса суриялик шиаларга хос бўлиб, улар олтинчи имом – Жаъфар издошлари ҳисобланиб, жафарийлар оқимини ташкил этган эдилар.

Яширин ўн иккинчи имомнинг қайтишига эътиқод қилишга асосланган теократик асос ўз моҳиятига кўра кўпроқ яхудий – насронийликка таянади. Бу таълимот таркибида зардуштийлик, манихейлик ва неоплатонлик ғоялари элементлари ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин¹. Насронийларда ҳам Исо масиҳнинг қайта тирилиши ва охиратда қайтиши тўғрисида ақида мавжуд бўлиб, мазмунан шиа таълимотини насронийлар таълимоти билан яқинлаштиради, дейиш учун асос юзага келади.

Ушбу боб мамлакатимиздаги диний конфессияларнинг миллий ғоя ва диний экстремизм (фундаментализм) мафкурасига муносабатини ёритишга бағишланганлиги сабабли, ислом диний таълимотининг мазмуни ва талқини масаласига ортиқча тўхталмай шуни таъкидлаш жоизки, ислом дини христиан (насроний) дини, яхудийлик ёхуд буддавийлик каби мазмунан зиддиятлидир. Агар насронийликда католиклар ва протестантлар ўртасида азалдан муросасизлик муносабати мавжуд бўлса (хатто, Шимолий Ирландияда ярим асрдан буён қуролли қарама-қаршилик, террор давом этмоқда), шиалар ва суннийлар ўртасида ҳам (масалан, Ироқда) шундай зиддиятлар, биродаркуш куч ишлатиш, ўзаро террорчилик бугунги кунда ҳам давом этаётир.

Мамлакатимизга диний эътиқод эркинлигини конституциявий жиҳатдан кафолатлаш оқибатида юзага келган шароитдан фойдаланиб, халқимиз орасига ўзаро нифоқ солишни, ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга урунувчи жиҳодчилар ва уларнинг маҳаллий гумашталари – акромийлар, хизбутчи ва салафийлар, кўпчиликни ташкил этувчи, Имом Аъзам мазҳаби издошлари –

¹ Массэ А. Ислам. М.: Изд. Восточ. Лит-ры, 1962. – С. 139.

Ханафийлар томонидан қораланмоқда, динлар, мазҳаблар ва конфессиялараро ҳамжихатлик, толерантлик, ўзаро биродарлик ва дўстона муносабат олқишланмоқда.

Бироқ бундан келажакда дин омилига лоқайд, бефарқ бўлиш лозим деган хулоса чиқмаслиги лозим.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев – “Минг афсуски, зарарли диний оқимга кирган болани **“Бу – қўшнининг боласи, бошқа кишлоқ ёки туманнинг боласи”**”, деб лоқайд бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Кимдир четга чиқиб, экстремистларга қўшилиб юрган бўлса, баъзи раҳбарлар, у Фарғонадан эмас, Андижондан, Қашқадарёдан эмас, Самарқанддан, деб бепарво бўлмоқда. Лекин у Ўзбекистон фарзанди, Ўзбекистон фуқароси-ку!

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда давлат давлатчилигини қилади, қонун устувор бўлади. Худога шукур, давлат раҳбари сифатида буни таъминлашга менинг кучим ҳам, билимим ва салоҳиятим ҳам албатта етади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармасин”¹ – дея, диний соҳа вакиллари олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда диний миссионерлик ҳаракати хуфёна бўлса-да мавжудлигини, прозелитизм (бир диний эътиқоддан бошқа бир диний эътиқодга миссионерлар таъсирида ўтиш) фактлари аҳён-аҳён бўлса-да учраб тураётганлигини инкор этиш фалсафий ва сиёсий жиҳатдан шапқўрликдир. Шу ўринда фаолияти 2011 йили фош этилган “Иегова шоҳидлари” диний сектаси қилмишларини, бузғунчи жинойй ҳатти-ҳаракатларини эслаш кифоядир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, жамоатчилигимиз орқали бундай бузғунчилар фаолияти фош бўлди. Ачинарлиси шуки, бундай бегона сектага айрим юртдошларимиз ҳам кирганлар, ўз ота-оналари, аждодлари эътиқодига зид бўлган фаолиятга йўл қўйганлар. Шунинг учун улар турмуш фаолиятида муаммоаларга дуч келадилар. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси бундай “шайтон

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 477-бет.

йўли”га кирганларни расмий равишда қоралади ва имомларимиз ҳафталик жума намозларидаги маърузаларида бундай шаккокликнинг сабабларини холисона ёритдилар, маърифат нурини таратдилар.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган ноисломий диний ташкилот вакилларининг миссионерлик ва прозелитизм билан боғлиқ ишларига барҳам бериш учун Адлия вазирлиги ва Дин ишлари бўйича Қўмита диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, сўнг улар фаолияти учун руҳсат бериш, легитимлигини таъминлаш амалиётига ўтмоқда.

Бундай сиёсат мамлакатимизда ижтимоий осойишталик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини сақлаб қолишга ҳизмат қилади, ҳар қандай бузғунчиликларнинг, айниқса диний асосдаги бузғунчиликларнинг олдини олади. Ўзбек олими профессор Темир Жўраев ўринли таъкидлаганидек, “бугун инсоният ўз орзу қилган ва ўзининг муносиб яшаш андозасига эриша олмай, қалби, шуури нотинч бир даврни бошидан кечиряпти”.¹ Бу даврда огоҳлик, атрофимизда, айниқса жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий бўҳронларга нисбатан ҳушёрлик ва зийраклик ўта муҳимдир.

Замондан орқада қолиш, геостратегик манфаатлар ва мақсадлар йўлида Ғарб оммавий ахборот воситаларининг ислом дини тўғрисида носоғлом образини яратишга уриниши, цивилизациялараро тўқнашувни (С.Хантингтон) сунъий равишда чиқаришга уринишларнинг моҳиятини тўғри ва ўз вақтида англаш мамлакатимизда замонавий кучли давлат барпо этиш йўлидаги саъйи-ҳаракатларимизга барака ато этади, миллий ғоямизда кўзланган эзгу мақсадларга тезроқ етишни таъминлайди.

Араб дунёсида 2010-2011 йиллари бўлиб ўтган “араб баҳори” сиёсий кампанияси дин, исломий қадриятлар тўғрисида муқаддам шаклланган тасаввур ва тушунчаларни ҳам тезроқ ислоҳ қилишга, “ислом – терроризм”, “ислом – таҳдид”, “ислом – зўравонлик” каби

¹ Жўраев Т. Миллий давлатчилик: ҳавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Akademya”, 2007. – 4-б.

парадигмаларга барҳам беришга, жаҳолатга қарши маърифатни ривожлантиришга ундамоқда.

Бизнинг назаримизда дин ва жамият ўртасида ўзаро толерантлик, жамият мақсадлари атрофида барча фуқароларнинг бирлашиши барқарор ривожланиш талабидир.

Россиялик ҳуқуқшунос – Леонид Сюкияйнен ҳам ушбу хулосага яқин фикрни билдирар экан, “мусулмон ҳуқуқий маданияти миллатлараро ва динлараро ўзаро консессусга эришишга кўмаклашуви мумкин”¹ дейди. Ушбу фикр ва мулоҳазалардаги рационал томон шуки, улар миллий ғоямизнинг асосий принципларига, айниқса толерантлик, диний бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик принципига ҳамоҳангдир.

Мусулмон ҳуқуқий маданияти турли диний экстремистик ғояларнинг, айниқса унинг сиёсий кўринишидагиларини – дунёвий давлат ўрнига халифалик кўринишидаги теократик давлат куриш ғояларни фош этишда ёрдамлашади. Фикримизча, бундай диний васвасаларга қарши курашда фақат дунёвий позициядан туриб курашиш етарли эмас, диний ақидапарастликларга, теократик давлат сиёсий тартиботини шакллантиришга ҳаракат қилувчи, ушбу йўлни турли йўллар билан асослашга уринувчи кучларга қарши ҳақиқий ислом динининг ҳуқуқий маданиятини ҳам фойдаланиш истиқболлидир. Аниқроқ ифодамоқчи бўлсак, диний бузилишларга қарши диннинг асосий принципларидан ҳам фойдаланиш маъқул. Қувонарли нарсаси шуки, кейинги йилларда бу йўналишда Дин ишлари бўйича Қўмита томонидан анча ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда – Имом Бухорий номидаги жамғарма қошида Самарқанд шаҳрида имомлар учун махсус ўқув машғулотлари ташкил этилган бўлиб, бу машғулотларда республикамизнинг диний ишлар муаммолари бўйича кўзга кўринган шарқшунослар, исломшунослар, тарихчилар ва сиёсатшунослар томонидан дин ва олиб борилаётган ижтимоий

¹ Сюкияйнен Л. Мусульманско – правовая культура и светское государство (на примере России и стран Центральной Азии) // Ислам и светское государство. Над ред. З.И.Мунавварова и В.Шнейдера – Детерса. Т., 2003, – С. 84.

ислоҳотларимизнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида маърузалар ўқилмоқда.

Демак, дин манбаларидан фойдаланиш ҳам миллий ғоямизнинг эзгу мақсадларига эришиш учун ўринлидир.

Хулоса қилиб айтилганда, барча динлар – ислом ҳам, христианлик ҳам ва бошқа диний конфессиялар ҳам диннинг ижтимоий обрўйини тўқувчи ҳар қандай кўринишдаги диний экстремистик оқимлар, секталар ва гуруҳларга салбий муносабатда. Бироқ бундай гуруҳлар ва секталар мамлакатимизда “Иегова шоҳидлари”, хизбутчилар, жиҳодчилар ва акромийлар каби Ер юзининг бошқа минтақаларида ҳам бузғунчилик фаолияти билан шуғулланмоқдалар. Ҳали миллий ғояси шаклланмаган ҳудудларда, масалан биргина Россия Федерациясининг ўзида “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое братство”, “Боженственный орден Первого Ангела” каби ўнлаб турли мақомдаги ва йўналишдаги диний секталар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитларида бундай секталарнинг фақат ўз ҳудудларида эмас, балки христианлар яшайдиган, диний эътиқодга катта эркинликлар ва шароитлар яратилган минтақаларга ҳам ўз миссионерлари орқали таъсир этишга уринишларининг бўлмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Чунки дин геосиёсати бор экан, миссионерлик, бошқа ҳудудларга ҳам муайян эътиқодни ёйиш доимо бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Миллий ғоя илмий принципларини ҳаётда қарор топтириш бундай таъсирларни заифлаштиради ва нейтраллаштиради.

3.2. Диний бағрикенглик – конфессиялараро ҳамжиҳатлик омили

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ислом маданияти маркази ташкил этилди ва қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳон аҳлини бир мақсад йўлида – жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга чорлайдиган турли анжуманлар, маърифий тадбирларни амалга ошириш;

Европа Ренессансининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожини тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонларини ташкил этиш орқали Марказда намойиш этиладиган экспозицияларни мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмалар билан бойитиш;

Жаҳон тарихида “Амир Темур ва темурийлар ренессанси” деган ном билан алоҳида ўрин эгаллайдиган даврда яратилган илм-фан, маданият ва меъморлик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш кераклиги¹ мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик ўз-ўзидан юзага келган ҳолат бўлмай, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг азалий қадрияти – бошқа диний эътиқод ва миллат вакиллариغا нисбатан ҳайрихоҳлик, ҳурмат, меҳмондўстлик, илмий тил билан ифодалаганда толерантлик фазилатларини тиклаш ва янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил сиёсатининг натижасидир.

Ушбу тадқиқотимизнинг бошида Марказий Осиё минтақаси ўз этник ва диний рангбаранглиги жиҳатидан Болқон ярим ороли минтақасидан ҳеч ҳам кам эмас, ҳатто ўн чандон мураккаб эканлигини, этник ва диний низони келтириб чиқаришга қаратилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 январь, 23-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17.01.2018 й., 09/18/23/0576-сон.

хар қандай учқун, зарра минтақа барқарорлигига реал хавф туғдириши, фуқаролараро уруш оловини ловуллашиб юбориши мумкинлиги ҳақида гапирган эдик. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган, 2011 йили нашр этилган “Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи” унинг мазмуни буни янада яққол исботлайди¹.

Атласда келтирилишича, 1897 йили республикамизнинг ҳозирги ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1921 йилда уларнинг сони 90 га етган. 1959 йил 113 тага кўпайган ва 1979 йили эса 123 тага етган. Мустақиллик йилларида миллатлар сони 136 тага етган бўлиб, бу – мамлакатимизда ҳақиқий демократизм муҳити мавжудлигидан, бу ҳолат қонун йўли билан мустақамланганидан далолат беради.

Минтақамизнинг бошқа ҳудудларидан фарқли ўлароқ, кўп сонли миллатдан сони жиҳатдан кам сонли миллатлар мамлакатимизда камситилмайди. Шу боис давлат ва жамият бошқарувида барча миллат вакиллари турли лавозим ва мансабларда фаолият қилишмоқда. Бундай амалиёт айрим кўшни мустақил ёш давлатларда кузатилмайди. Давлат ва жамият бошқарув тизимида ҳам ўзбек халқига азалдан хос бўлган бағрикенглик, меҳмондўстлик, хотамтойлик ва меҳр-шафқатлилик, кечиримлилик каби футувватчилик қадриятлари қарор топди.

Буни қанчалик бебаҳо маънавий ютуғимиз ва бойлигимиз эканлигини ҳатто бир динга мансуб бўлатуриб ўзаро биродаркуш низолари тобора авж олаётган шиа ва сунний йўналишдаги Ироқ мамлакатада мусулмон аҳолининг аҳволи билан қиёслашда яққолроқ кўзга ташланади. Ҳатто бир диний эътиқодга мансуб фуқароларни бошини қовиштира олмаган ҳукумат бу борада ожизлигини намоён қилмоқда.

Шимолий Ирландияда эса католиклар билан протестант христианлари ўртасидаги қонли тўқнашувлар мана деярли ярим

¹ Қаранг: Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи. Т.: 2011.

асрдан буён тўхтамаяпти, аҳён-аҳён террорчилик ҳатти-ҳаракатлари ИРА номли террорчилик ташкилоти томонидан уюштирилмоқда.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим мамлакатларида ҳам диний конфессиялар ўртасида ўзаро низоли вазиятларга чек қўйилмаган. Ушбу низолар фуқаролар хавфсизлигига, ижтимоий барқарорликка доимо хавф туғдириб келмоқда, бегуноҳ қурбонларга сабаб бўлмоқда.

Диний бағрикенглик кушандаси диний эътиқод зўравонлигидир. Зўравонлик ислом динининг моҳиятидан келиб чиқмайди, у бошқа динлар каби эзгуликка, раҳм шафқатга ундайди. Унда ислом терроризми қаердан пайдо бўлади, деган савол туғилади. Айрим мутахассислар зўравонликни сиёсий ислом табиатидан қидиришади. Масалан, Жазоир “Норд – Зюд Вентчер” тадқиқот марказининг ОАВ ва стратегия бўйича маслаҳатчиси Арслан Чихауининг таъкидлашича зўравонлик ва экстремизм исломнинг сиёсий табиатидан келиб чиқади¹.

Ушбу муаллифнинг ёзишича, ислом дини пайдо бўлишиданок фитнанинг оқибатида зўравонликка асосланган сиёсат олиб борган. Масалан, халифалар – Умар ибн ал-Хаттобнинг 644 йили, Усмон ибн Аффоннинг эса 656 йили ўлдирилиши, Сиффин ёнида 657 йил июлида мусулмонлар ўртасидаги ўзаро жанг бунинг далилидир.

Аслида шиалик ва суннийлик ҳам табиатан радикал эмас. Ханбализм ва хорижийлик каби оқимлар ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу муаллифларнинг таъкидлашича, шиа мазҳаби ичида анъанавий ислом ва фундаменталистлар ўртасида юзага келган мунозара, баҳс натижасида ушбу мазҳаб радикаллашади.

Мусулмон руҳонийларининг таълимотларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили шуни кўрсатадики, бағрикенгликнинг акси – мурасасизлик тенденциялари асосан у ёки бу диний авторитет, машҳур шахс диний қарашлари билан боғлиқ бўлиб, ислом динининг асосий ғояларига мутлақо зиддир.

¹ Арслан Чихауи. Исламизм: между насилием и демократией. // Государство и религия в странах с мусулманским населением. Под ред. З.И.Мунавварова и Р.И.Крумм. – Т., 2004. – С. 100.

Шу аснода суннийликда салафийлик оқими асоссиз ҳолатда радикализм оқимига мансуб деган фикр мавжуд бўлиб, аслида обрўъли диний шахс – Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855 й.) номи билан боғлиқ бўлиб, бундай радикал оқим XIII – XIV асрларда ибн Таймийя (1263-1328 йй.) даврида ўз мурасасизлиги билан машҳур бўлиб, “ҳанбалилик” деган номга сазовар бўлган.

Ҳанбализм исломда устувор мавқега эга бўлиш учун курашар экан, суннийлик, суфийлик, шофийлик ва моликийлик каби диний оқимларга нисбатан бағоят мурасасиз бўлган.

Диний мурасасизлик ғояси ислом дини таркибида шу боис миллий ўзликни англаш, миллий мустақилликка эришишга бўлган интилиш билан ўзаро уйғунлашади.

Масалан, “Мусулмон биродарлари” деган уюшманинг Хасан ал-Банна (1906-1949 йй.) исмли мисрлик араб руҳонийси томонидан ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас. 2011 йили Миср Араб Республикасида Ҳусни Муборак маъмуриятига қарши норозилик – “араб баҳори” номини олган ижтимоий бўҳронларда айнан “Мусулмон биродарлар” ташкилоти мафкураси етакчилик қилди ва бугун ҳокимиятни эгаллаш ниятига эришай деб қолди. Радикал ислом мафкурасига асосланган ҳудди шундай мурасасиз диний ташкилот Покистонлик ал-Маудидий (1903-1979 йй.) томонидан 1941 йилда ташкил этилган “Жамоа ал исламийа” дир. Ханафия мазҳабига нисбатан ўта мурасасиз бўлган диний секта – “Ат-Такфир ва – л-Ҳижра” ташкилоти ҳам мисрлик назариётчилар – Саййид Қутуб ва Абдас-Салам-Фараҳ каби руҳонийлар томонидан асос солингани маълум.

Ҳўш, бундай мурасасиз, радикал мазмундаги диний ташкилотларнинг Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик, ҳамжиҳатликка қандай алоқаси бор, деган ўринли савол туғилади.

Ислом Каримов айтишича, **бундай алоқа бевоситадир.** Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугун мамлакатимизда қарор топган осойишталик, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабат муҳити осмондан тушган неъмат эмас. Ушбу муҳит ортида чуқур ва пухта ўйланган изчил ижтимоий

сиёсат ётади. Ва бундай муҳит ўз-ўзидан юзага келган эмас, Ислом Каримов бу хусусида “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларини бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”¹ дейди.

Дарҳақиқат, миллий мустақилликка эришишгача ва ундан кейин босиб ўтилган тараққиёт йўлимиз Президентимизнинг ушбу фикрларини қанчалик ҳаётий эканлигини кўрсатди. 1999 йил 16 февраль фожеалари, диний экстремистик кучларнинг 2004, 2005 йилларида бош кўтарганликлари, очикдан очик дунёвий демократик давлат ўрнига шариат қоидаларига асосланган диний-теократик давлат – халифаликни барпо этишга даъват этганликлари, ҳозир ҳам бундай хавфни халқаро диний экстремистик ташкилотлар таъсири натижасида потенциал равишда мавжуд эканлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Халқимиз миллий менталитетида бошқа диний эътиқод, маслак вакилларига нисбатан муросасизлик, диний мутаассибчилик, адоват туйғуларига ўрин бўлмаган. Шу ўринда исломшунос ва диншунос олим, профессор Иброҳим Хўжамуродовнинг “Туронзаминнинг қадимги тарихида диний мутаассиблик ёки адоват, умуман диний асосларда қирғинбарот урушлар юз бергани ҳақида биронта тарихий ҳужжат мавжуд эмас”² деган фикрларида асос бор. Диний бағрикенглик, қардош халқлар ва элатлар маданиятига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром, меҳмондўстлик каби фазилатлар ўзбек халқининг қадимий қадриятларидир. Буни яқин тарих воқеалари ҳам яққол кўрсатди. Масалан, II-жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга Россия, Украина ва Белоруссиянинг уруш олови ловиллаб ётган ерларидан маҳаллий аҳоли Ўзбекистонга эвакуация қилинди, унинг ортидан шўро тузумига нисбатан салбий муносабатда бўлган Кавказ ва Қрим халқлари мажбуран депортация

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 28-б.

² Хўжамуродов И., Абдураимов М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Т.: ЎЗРФА Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2010. – 75-б.

қилинди. Натижада мамлакатимиз ҳудудида миллий-этник рангбаранглик, кўпконфессиялик муҳити шаклланди.

Шўро сиёсати бундай муҳитни даҳрийлик мафқураси асосида назорат қилди, ҳеч қайси динга эркинлик бермади, қаттиқ секуляризм сиёсати юргизилди, динни ижтимоий ҳаётдаги азалий ўрни ва мавқеига барҳам берилди. Бундай шароитда диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик сиёсати учун ўрин ҳам, шароит ҳам йўқ эди.

Динлараро, конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, шу орқали жамият барқарорлиги ва тинчлигини таъминлаш эҳтиёжи миллий мустақилликка эришиш, демократик тараққиёт йўлига ўтиш натижасида юзага келди. Жамият демократлашуви муқаддам мавжуд бўлмаган, гарчи потенциал мавжуд бўлмаса-да, қаттиқ мафқуравий тазйиқ остида бошини кўтара олмаган, юзага чиқа олмаган ҳодисаларни ҳам пайдо бўлишга олиб келди. Бундай ҳолатни таниқли немис социологи Мангейм “негатив демократлашув”¹ деб атади. Таъкидлаш жоизки, “негатив демократлашув” ҳодисаси гарчи маҳаллий ўзбек ижтимоий-фалсафий адабиётида махсус ўрганилмаган бўлса-да, ушбу ҳодисанинг диний экстремизм, фундаментализм ва терроризм шаклидаги кўринишлари қатор илмий тадқиқотларнинг предметиға айланган².

Бизнинг назаримизда “Негатив демократлашув” Ғарб либерал демократиясининг қатор тамойиллари – мутлақ эркинлик, маънавий инкироз, “Оммавий маданият”, масъулиятсизлик ва анархия каби ҳодисаларни келтириб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, турли экстремистик ижтимоий унсурларининг фаоллашувига олиб келади.

¹ Мангейм К. Возрастание иррациональных элементов в общественном сознании. // Кризис сознания. – М.: Алгоритм, 2009. – С. 20.

² Қаранг: Закурлаев А. Ғоялар кураши. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000.; Мирзаев Т. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилишнинг айрим жиҳатлари ва ушбу жиноий ишларнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “Янги аср авлоди” 2000. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Т.: ТДҶОИ. 2006, Ғоибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009; Ғофуров З., Тохиров Ф. Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий хавфлилиги. – Т.: ТДҶОИ. 2004. ва бошқалар.

Ўзбекистон мисолида жиҳодчилик, акромийлик ва хизбутчилик каби радикал оқимларининг фаоллашувига, мустақиллик шарофати билан юзага келган ва конституциявий жиҳатдан кафолатланган эътиқод эркинлигини ғаразли мақсадда фойдаланишга уринишларни келтириб чиқарди.

Концептуал ва илмий – методологик жиҳатдан ёндашилганда “негатив демократлашув” ижтимоий рационаллашув ўрнига ижтимоий иррационализмни, зўравонликка асосланган мафкуравий жараёнларни туғдиради, ижтимоий барқарорлик, осойишталик ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни бузилишига олиб келади. Мамлакатимизнинг йигирма етти йилдан зиёд мустақил тараққиёт йўлида бундай ҳодисалар кўплаб кузатилди, “негатив демократия” ёки бошқача ифодалаганда демократиянинг негатив оқибатлари ҳам кўриниб қолди. Демократия, албатта, умуминсоний қадрият. Бироқ у конкрет ижтимоий муҳитда конкрет тарзда, муайян миллатнинг тарихий қадриятлари асосида ўзига хос бетакрорлик билан қарор топади. Демак, шундай экан, мамлакатимиз ижтимоий шароити демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини қабул қилган ҳолда Ғарб жамиятлари учун хос бўлган унинг “негатив” ҳодисаларини ҳазм қила олмайди. Бироқ, бу дегани- демократлашув ўзининг негатив, яъни салбий оқибатларини потенциал хавфини йўқотади, дегани эмас. Демократия, агар у назорат қилинмаса, у ўз ҳолига “қўйиб” юборилса – салбий оқибатларга, аниқроғи ижтимоий анархияга, жамият тартиб-интизомининг бузилишига олиб келади. Буни демократиянинг оталаридан бири – қадимги юнон мутафаккири Афлотун ҳам эътироф этган эди. Шу боис демократлашув шароитида конфессиялараро, демак миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш кўпмиллатли, кўпдинли жамият мисолида ижтимоий тараққиёт ва барқарорликнинг муҳим омилига айланади.

3.3. Ёшлар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-мафкуравий омиллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида – “Биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жинойтларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”¹ деб таъкидланди.

Дарҳақиқат, XXI асрга келиб инсоният мисли кўрилмаган ижтимоий жараёнларга юз тутди: муқаддам бир-биридан узок, алоҳида тараққий этиб келган қитъалар, минтақалар ўртасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида масофа, вақт омили йўқолди, макон ва вақт континиуми ижтимоий тараққиётда сифат жиҳатидан янги чўққига чиқди.

Ушбу ҳолат ва жараёнлар ҳар бир миллий давлат ва субмаданият учун қатор муаммолар туғдирди. Биринчи муаммо – муайян халқ, миллат томонидан миллий ўзликни сақлаш, миллий давлатчиликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўлса, иккинчи муҳим муаммо – миллат ва давлатнинг келажаги ва истиқболлини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь. 189 (6883).

белгиловчи авлодда миллий тарихий ворисийликни қарор топтириш, миллий ўзликка иммунитетни, яъни бегона таъсирларга нисбатан бардошлик қобилияти мустаҳкамлаш муаммосидир. Мазкур икки ижтимоий муаммо бирлиги учинчи муҳим умумий муаммони юзага келтиради – кўпмиллатли ва кўпконфессияли давлат ва жамият шароитида миллатлар ва уларнинг эътиқодлари ўртасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, бир сўз билан айтганда бағрикенгликни (толерантлик) сақлаб қолиш ва такомиллаштириш муаммосидир. Ушбу муаммо бизнинг назаримизда ёшлар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш орқали ҳал этилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммога оид миллий мустақилликка эришилгандан сўнг кўплаб тадқиқотлар юзага келди¹.

Қуйида ёшлар онги ва қалбида мафкуравий иммунитет шаклланишнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий омиллари ҳақида тўхталар эканмиз, бу борада Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев диний соҳа вакиллари билан учрашувда муҳим масалага урғу берди: “Мана, ўзингиз кўряпсиз, Афғонистон, Сурия, Ироқ, Ливия каби давлатларда нима бўляпти? Яна қандай мисоллар керак ўзи? Бу фожиалар барчамизнинг кўзимизни очиши зарур эмасми?”

Қуръони каримда айтилган **“Ўз қўлларингиз билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг”**, деган ҳикматли сўзлардан ҳаммамиз хулоса чиқаришимиз лозим. Бизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз фақат фожеа келтиради. Болаларимиз, оиламиз, бутун юртимиз бошига фалокат келтиради. Айтинглари, ўзини инсон

¹ Қаранг: Миллий ғоя ва раҳбар масулияти. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашрёт матбаа ижодий уйи, 2007. – 736 б. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: “Маънавият”, 2011. – 272 б.; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Шарқ, 2001. – 137 б.; Саифназаров И., Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. – Т.: Мехнат, 1997. – 110 б.; Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила ватан таянчи. – Т.: “Та’лим нашрийоти” МЧЖ, 2018.132 б.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 171 б.; Қўчқоров Б. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий ҳаёт. – Т.: Akademya, 2011. – 56 б.; Қўчқоров Э. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 202 б.; Рўзиева Р. Ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш. – Т.: Фан, 2011. – 261 б.

деб биладиган, виждони, имони бор ҳеч бир одам буни истайдими? Йўқ, албатта.

Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўғрида бонг уриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир ҳол деб баҳолаши керак.

Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта биз вазиятни қўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартира оламиз” - деб, ҳаммани огоҳликка чақирди.

Зеро, ёшлар қалби ва онгида мафкуравий иммунитет аслида уларни бузишга йўналтирилган салбий таъсирларга нисбатан бардошлик, чидамлилик, қаршилиқ қилиш каби фазилатлар билан боғлиқ.

“Мафкура” – ижтимоий-сиёсий категориядир. “Иммунитет” эса аслида тиббиёт соҳасига оид категория бўлиб, ижтимоий воқеаларда ўзига хос маданий-маънавий маъно касб этадиган тушунчадир.

“Мафкуравий иммунитет” шу боис ўз-ўзидан эмас, балки муайян сиёсий восита, таъсир орқали қарор топадиган хусусиятдир.

“Мафкуравий иммунитет” деган категория мамлакатимиз миллий мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш масалалари билан боғлиқ. Мафкуравий иммунитетнинг сиёсий омили ўз навбатида муайян давлат сиёсатига бориб тақалади. Концептуал ва методологик жиҳатдан ёндашилганда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга оид сиёсат муқаррар равишда маънавият ва ахлоқ билан боғлиқ. Чунки маънавият ва ахлоқ сиёсатнинг мазмуни ҳисобланади. Буни ахлоқ ҳақидаги фан – этиканинг асосчиси “Катта этика”, “Никомах этикаси” ва “Эвдемон этикаси” асарларнинг муаллифи, қадимги юнон мутафаккири Аристотел (Арасту) ҳам эътироф этган. У “ахлоқ – одоб ҳақидаги ғоялар, давлат ва сиёсатга оид қарашларнинг давоми сифатида эзгу фазилатлар инсонга хос бўлиб, унинг ақлу иродаси, интеллектуал қобилияти таълим-тарбия

жараёнида шаклланади. Инсоннинг етуклиги, кадр-қиммати ақлий фаолиятида кўзга ташланади”- дейди¹.

Сиёсат ва ахлоқ ўзаро уйғун ҳодисалар бўлиб, ахлоқий кадриятлар ҳар қандай сиёсатнинг таркибига киради. Ёшлар онгида турли салбий таъсирларга нисбатан иммунитетни шакллантириш уларга доир сиёсат воситалари, ахлоқий тарбия сиёсати орқали амалга оширилади. Ёшларда ташқи салбий таъсирларга нисбатан ғоявий иммунитетни шакллантириш тахминан қайси ёшдан бошланиши керак деган савол пайдо бўлади. Агар “ёшлар” ижтимоий қатламга расман 30 ёшга эга бўлган фуқаролар кирса, ёшликнинг илк даври – 10-12 ёш сиёсий онг шаклланишининг дастлабки босқичи эканлиги қатор педагог ва психолог олимлар томонидан эътироф этилади².

Ушбу ёшда болалар сиёсат ва ахлоқ, ахлоқийлик ва санъат, эзгулик ва адолат каби тушунчалар моҳиятини маълум даражада англай оладилар. Айни шу ёшдан болалар сиёсий ҳаётга қадам қўядилар. Албатта, айрим давлатлар қонунчилигида ўсмирлар ҳатти-ҳаракати, қилмишларига нисбатан қонунни қўллаш турли жиноий жавобгарлик даражасида бўлади. Шу ўринда бизнинг воқеликда бу ёшда касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчиларида сиёсий маданиятнинг илк куртаклари шаклланиши ҳам айрим тадқиқотчилар томонидан қайд этилади³.

Хуллас ёшларда муайян иммунитет қарор топиши муайян сиёсий омилни, яъни ёшларга оид давлат сиёсатининг мавжудлигини тақозо этади. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Аҳолининг деярли 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бош қомусимиз бўлмиш Конституциямизнинг 64, 65, 66-моддаларида келтирилган ёшларнинг оила ва Ватан олдидаги масъулияти масаласи, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари

¹ Қаранг: Шайхова Х. Баркамол авлод – ахлоқий кадриятлар қуршовида. – Т.: Фалсафа ва Ҳуқуқ институти, 2010. – 17 б.

² Кукушин В.С. Теория и методика воспитания. – Ростов на Дону: Феникс, 2006. – С. 228.

³ Қодиров Э. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 150 б.

тўғрисида”ги Қонун (1993й) қабул қилинди. 2016 эса давлатнинг ёшларга оид махсус Қонуни қабул қилинди ва “Таълим тўғрисида” ги Қонун (1997й) ҳам айнан ёшлар таълим тарбиясига мўлжалланган бўлиб, у она Ватанга муҳаббат, халқ азалий қадриятларига содиқлик, авлодлар ўртасида ўзаро ворислик ришталарини мустаҳкамлаш ғоясига бўйсингандир.

Ислом Каримовнинг “Биз фарзандларимизни миллий табиатига ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, уларни ҳаётда, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга даҳлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган имон-эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим. Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур”¹- деган пурмаъно фикрлари бунинг далилидир.

Ёшлар қалбида халқимиз маънавиятига ёт ғоялар ва таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган иммунитетнинг шаклланишида оила институтининг роли бекиёсдир.

1998 йилни “Оила йили” ва 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб аталиб, Давлат дастурларининг қабул қилиниши бежиз эмас.

Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ёшларга оид давлат сиёсати ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида – “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда.

«Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат,

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи, 2008 йил 8 феврал.

карама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда.

Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани — айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”¹ деб таъкидланади.

Жамиятнинг муҳим бўғини – оила институти Шарқ халқлари маданияти ва маънавиятида муҳим ўрин татади. Оила мустаҳкам экан жамият мустаҳкам ва соғлом, дейди халқимиз. Оила институтига баркамол авлод етилиб чиқиши учун, халқимиз маънавиятига ёт таъсирларга бардош берадиган маънавий иммунитетни шакллантиришдаги ролига бунчалик эътибор берилиши, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Оила бўлажак фуқаро шаклланадиган маънавий-руҳий муҳит, кичик бир жамиятдир². Ёшлар онги ва қалбида айнан оила, ундаги маънавий муҳит таъсирида дастлабки маънавий иммунитет, ижтимоий қадриятлар рефлекси қарор топади. Шу боис уни бегона ғояларга ва таъсирларга қарши иммунитетни шакллантирувчи омил деб баҳолаш учун етарли асослар бор.

Мустаҳкам оила йили дастури оилалардан миллий мустақиллигимиз ғояларига содиқ, Ватан тақдири учун масъулиятни сезувчи, бегона ғоялар таъсирига берилмайдиган, миллий қадриятларимизни қадрлайдиган авлод етишиб чиқишини кўзлайдиган дастур ҳамдир. Хулоса қилиб айтганда, оила – ёшларда халқимиз маънавиятига бегона бўлган салбий қадриятлар таъсирига қарши маънавий иммунитет, яъни кўникма шаклланадиган ижтимоий макон, муҳим маънавий омилдир.

Ушбу омил мамлакат тақдири, унинг хавфсизлигини таъминловчи мафкуравий омил билан ўзаро уйғунлашиб кетгандир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 504-505-бет.

² Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТТМ. 2006. – 30 б.

Қуйида ушбу омил хусусида батафсилроқ тўхтаимиз.

Даставвал таъкидлаш жоизки, бугунги ўзбек ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда “глобаллашув”, “хавфсизлик”, “миллий хавфсизлик” каби тушунчаларни таҳлил қилишга уринувчи турли даражадаги илмий, ўқув-услубий ва ҳ.к. китоблар, мақола ва рисоалар ёмғирдан кейин униб чиқадиган қўзиқоринлар каби ҳаддан зиёд кўпайиб кетди.

“Хавфсизлик” масаласи ёшларда бегона, бузғунчи, ёт ғояларга қарши иммунитет, қаршилиқ кўрсатиш кўникмасини шакллантириш масаласи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ушбу масалага батафсилроқ тўхтаб ўтишга тўғри келади.

“Хавфсизлик” кенг тушунча бўлиб, у экологик, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий, ахборот, генетик ва ҳ.к. ҳодисалар билан боғлиқдир.

“Миллий хавфсизлик” эса бизнинг нуқтаи назаримизча, муайян жамият сиёсий тизими, ижтимоий тузуми ва сиёсий тартиботи томонидан муайян эҳтиёж асосида юзага келадиган заруратдир. Миллий хавфсизлик, бир сўз билан айтганда, муайян жамиятнинг, давлатнинг конституциявий асосларини сақлаш, уни мустаҳкамлаш, емиришга, қўпоришга қаратилган ташқи ва ички таъсирларни зарарсизлантириш ва олдини олишга мўлжалланган амалий тадбирлар тизими, мажмуасидир. Айнан шу ғоялар ва мақсадлар 1997 йили августида қабул қилинган Ўзбекистон “Миллий хавфсизлик концепцияси” ва “Ҳарбий доктринаси” да ўз аксини топган. Ушбу концепциянинг асосини шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш ташкил қилади.

“Хавфсизлик асослари”ни ёритишга даъво қилувчи айрим қўлланма ва рисоаларда айнан шу жиҳатлар заиф ёритилган ва Ўзбекистон манфаатлари тўғрисида лом-мим дейилмаган. Масалан, 2011 йил Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан нашр қилинган “Хавфсизлик асослари”¹ номли ўқув-қўлланма (Бобоқулов И.И., Умаров Х.П.) методологик жиҳатдан

¹ Бобоқулов И.И., Умаров Х.П. Ҳавфсизлик асослари. – Т.: 1998. – 41 б.

оқсайди, миллий хавфсизлик тушунчасининг таркиби тўла очилмайди¹. АҚШ мутахассислари таъсирида “ҳаётий муҳим манфаатлар”, “хавфсизлик режими”, “хавфсизлик ҳамжамияти” каби геостратегик тушунчалар билан айнанлаштирилади.

Ушбу қўлланмада хавфсизлик концепциясининг асосий категориялари деб “миллий манфаатлар”, “миллий хавфсизлик”, “миллий хавфсизлик тизими” ва “ҳаётий муҳим миллий манфаатлар” категорияларигина олинади.

Бугунги замон хавфсизлик концепциясининг энг муҳим категориялари “шахс хавфсизлиги”, “инсон хавфсизлиги”, “жамият хавфсизлиги” ва ниҳоят “давлат хавфсизлиги” категориялари эсга олинмайди. Шуниси ачинарлики, қўлланмада мантикий тавтологияга ҳам йўл қўйилади. Масалан, 45-бетда “миллий хавфсизлик сиёсий категория сифатида миллий манфаатларни таъминлашнинг усуллари, воситалари ва шакллари ни англатади” дейилади. Оддий мантиқ қоидаларига биноан категория ва усул, восита, фалсафий тил билан ифодалаганда “метод” айнан бир нарса эмас.

Концептуал ноаниқлик, тушунчавий мавҳумлик, ўқувчида, талабада табиий равишда мавҳум тушунча ва тасаввур шакллантиради.

Шу боис ушбу соҳада профессионализм ёки “компетентлик” масалаларида олимларнинг тадқиқотлари янада янги концепцияларини ривожлантириш талаб этилади.

Ёшлар онгига бегона, ёт ғоялар қанчалик салбий таъсир кўрсатса, айрим нарса ва ҳодисалар ҳақида мантиқан зид, мавҳум тушунчалар бериш улардан ҳам кўпроқ зарар етказиши мумкин.

Илмий билишнинг амалий мезони – илмий тушунчаларнинг қанчалик объектив реалликка мос келиши, амалий жиҳатдан исботланиш даражасидир.

Ушбу тадқиқотимиз нуқтаи назаридан ва ишчи фарази бўйича жамиятда фуқаролараро, динлараро ва миллатлараро

¹ Қаранг: Ўша манба, 42 – 44 бетлар.

ҳамжиҳатликни таъминлашда кишиларга дин, давлат, жамият, шахс, инсон ҳуқуқлари тўғрисида реал тушунчалар шакллантириш, ижтимоий воқелигимизга мос бўлмаган бегона тушунчаларни киритмаслик, тушунча ва ҳодиса ўртасида ўзаро мутаносибликни таъминлаш, фалсафий тил билан ифодалаганда шакл ва мазмун уйғунлигига эришиш – ҳам назарий ва ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир. Ёшлар онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни қарор топтиришнинг муҳим мафкуравий омили – миллий ғоядир. Миллий ғоянинг назарий манбаларидан бири – Ислом Каримов томонидан Оқсарой қароргоҳида 2000 йилнинг 6 апрелида бир гуруҳ олимлар, зиёлилар билан бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган “Миллий ғоя – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаидир” номли маърузаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг – “Бизнинг Конституциямиз ва қонунларимизда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани қафолатлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Биз бугун амалга ошираётган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган”¹ – деб, ўта муҳим ва долзарб масалани таъкидлади.

Дарҳақиқат, турли халқлар, миллатлар ва элатлар, уларнинг турли эътиқодларини ўзаро келиштирувчи, муроса-ю мадора ўрнатувчи ғоя бўлмаса, жамият ва давлат компаси йўқ кемага ўхшаб қолади, у ўз йўналишини йўқотади. Шу маънода жамият ва давлат қурилиши худди Соҳибқирон Амир Темур “Тузуклар”и каби ғоявий дастурамалга муҳтожлик сезади. Миллий ғоя айнан шундай “тузук”лар вазифасини бугунги кунда ўтамоқда.

Миллий ғоямизнинг ушбу тадқиқотимиз муқаддимасида таъкидланган эзгу мақсади – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 465-бет.

ҳаёт барпо этиш вазифаси биринчи навбатда фуқаролараро ҳамжихатликни таъминлаш орқали бажарилади.

Таниқли ўзбек олими Абдурахим Эркаев тўғри таъкидлашича “Миллий ғоя – этнографик тушунча эмас, яъни у Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг, бошқа давлатларда уларга ном берадиган миллатнинг манфаатларинигина ифодаладиган ғоя эмас. У муайян мамлакатда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларини ифодаладиган тушунча ва тамойиллардан таркиб топади”¹.

Айнан шундай муҳим тамойиллардан бири – диний бағрикенглик тамойилидир. Диний бағрикенгликни таъминлашга ва ушбу тамойилни жамият ҳаётида тобора мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат миллий ғоямиз асосида олиб борилади. Унинг натижалари бугунги кунда аён – жамиятимизда бошқа минтақаларда бўлаётгани каби миллий ва диний низо йўқ, ўн олти диний конфессия эмин-эркин фаолият юргизмоқда, секуляр сиёсат қарор топмоқда. Миллий ғоя бу йўналишда мафкуравий омил вазифасини ўтамоқда. 2000 йил сентябрдан бошлаб “Миллий ғоя” ўқув курсини олийгоҳлар, коллеж ва академик лицейлар ўқув режасига киритилиши миллатлараро тотувликни сақлашнинг истикболли субъекти – ёшлар онгини толерантлик руҳида шаклланиши учун ғоявий асос бўлмоқда.

Ёшлар онгида бағрикенглик тамойилига асосланган ғоявий иммунитетни шакллантириш амалий аҳамиятга ҳам эга.

Буни фаҳмлаш қийин эмас.

Маълумки, Марказий Осиё худуди, аниқроғи – минтақаси, ўзининг қатор геостратегик имкониятларига эга. Буни XX асрларнинг бошларидаёқ ҳар нарсага фаҳму-фаросати етадиган, ўз миллий манфаатларини планетар миқёсда қондиришга уринувчи айрим Ғарб сиёсатшунослари ва футурологлари (башоратчилари) англашган эди. Масалан, инглиз сиёсатшуноси Маккиндер “римленд” ва “хартленд” деган ибораларни сиёсий фан талафузига

¹ Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: “Маънавият”, 2011. – 219 б.

киритар экан “хартленд” деганда Марказий Осиёни, планетанинг “юраги” ни кўзда тутар экан, ким бу ерда ҳукмронликка эришса дунёга ҳукмрон бўлади деб башорат қилган эди. Инглизларнинг кўшни Афғонистон, кейинчалик Туркистонни забт этишга, Рус таъсирини бу минтақада заифлаштиришга қаратилган очик, гоҳида хуфёна сиёсий-ҳарбий саъйи-ҳаракатлари бежиз эмас эди.

Агар Марказий Осиёдаги мавқеи учун таниқли АҚШ стратеги Збигнев Бзежинский таъбири билан айтганда “катта ўйин” хануз давом этаётган бўлса, демак ушбу **“ўйин”нинг муҳим ва ҳал қилувчи картаси – миллат ва дин ҳисобланади.** Геостратегик мақсадни кўзловчи йирик “ўйинчи”лар мустақиллигимиз арфасида миллий низо чиқаришмоқчи, минтақа халқлари ўртасида уруш оловини ёқмоқчи бўлишди. Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарида ёритилган Ўш, Бўка, Пискент воқеалари, месхети турклар, қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида юзага келган тангликлар бунинг ёрқин мисолидир.

Иккинчи муҳим шарт –дин картаси ҳам XX асрнинг 90-йилларида ишга солиб кўрилди. Жиходчилик ва хизбутчилик каби ислом динига ёт оқимларнинг фаоллашуви, халқлар ўртасига нифоқ солишга уринишлар ҳали халқимизнинг хотирасидан ўчгани йўқ.

Шуниси диққатга сазоворки, бундай ўйинларнинг асосий нишони – ёшлар онги ва қалби эди. Инсон қалби ва онги учун кураш Ислом Каримов таъбири билан айтганда **бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.**

Шу ўринда миллий ғоя ташқи салбий таъсирларга нисбатдан ғоявий қалқон вазифасини ўтайди. Айниқса “оммавий маданият” ниқоби остида мамлакатимизга кириб келаётган бизга ёт одатлар ва расм-русумлар маънавиятимизга нисбатан таҳдидир¹.

Турли зарарли вирус ва бактерияларга нисбатан организмда етарли иммунитет бўлса, у ўз вақтида “эмланса”, уни зарарли вируслар енга олмайди. Ҳудди шундай, киши онгида ҳам ўз вақтида

¹ Рахимбобоева Н., Рахматова Д. Жамиятни демократлаштириш ва янгилашда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. // Қадриятлар ва тараққиёт. – Т.:ТДИУ,2011.–87-95 б.

унинг маънавий қувватини оширувчи тарбия ва таълим берилса – бундай киши турли бузғунчи таъсирларга берилмайди, ўйлаб кўради ва олган билимлари билан таққослайди, таҳлил қилади ва осонликча беъмани ғояларга эргашмайди. Айниқса ҳали етарли ҳаётий тажриба ва билимга эга бўлмаган ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантириш ижтимоий аҳамият касб этади. Шунинг учун ўз вақтида қабул қилинган миллий ғоя таълим ва тарбия дастури ёшлар онги ва қалбини мусаффо ва соғлом бўлиши учун мафкуравий омил вазифасини ўтайди.

Юқоридаги мулоҳаза ва таҳлиллар қуйидаги хулосага олиб келади.

1. Мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик, фуқаролараро ҳамжихатлик ва динлараро бағрикенглик осмондан тушган инъом эмас, балки Биринчи Президентимиз И.А.Каримов бошлаб берган ва амалдаги давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан давом эттирилаётган маҳаллий диний-этник, маданий ва тарихий хусусиятларни ҳар томонлама ҳисобга олувчи изчил миллий сиёсатнинг натижасидир.

2. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси вазифаларини кибержиноятчиликка қарши курашиш йўналиши бўйича кенгайтириш ва ахборот технологиялари соҳасида биргаликда фаолият юритувчи тузилма ташкил этиш борасидаги ташаббуслари ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Юртбошимиз Ш. Мирзиёевнинг ташаббуси билан Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабининг ташкил этилиши юртимизда эътиқодга бўлган нурафшон йўлини кўрсатилганлигидир.

4. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Имом Бухорийнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Президентимизнинг сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаати мусулмон оламининг софлигини таъминлайди.

5. Бугунги кунда жаҳонда ва минтақамизда юз бераётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашни, эришилган ютуқларни янада ривожлантиришга, доимо огоҳ ва хушёр бўлишимизга ундайди.

6. Жаҳонда ўзининг машъум геосиёсий ва геостратегик мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, ўз манфур манфаатлари йўлида фуқаролараро нифоқ, биродаркуш низоларни чиқаришдан, дин ниқоби остида демократик дунёвий тараққиёт йўлимизни диний ўзанга буриб юборишни орзу қиладиган кучлар ҳам мавжуд. Бундай кучлар манфаатларига ҳайрихоҳ кучлар ҳар қандай жамиятда топилади. Юртимизда мустақиллик йилларида диний экстремизм ва фундаментализм таъсирига тушиб қолган кишилар қисмати бунинг далилидир.

7. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов олға сурган ва Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳозирги кунда қўллаб қувватланаётган миллий ғоя концепцияси (2000 йил 6 апрель) ва аҳолининг кўпчилигини ташкил қилувчи ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида эзгу мақсад – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш атрафида бирлаштиришга, турли зарарли таъсирларга берилмасликка кўмаклашади.

8. Тадқиқотимиз асосида маълум бўладики, диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик тарихий анъаналарга эга. Буюк Ипак йўли, Ғарб ва Шарқ цивилизацияларининг(тамаддунларининг) ўзаро мулоқотини таъминлаб келган муқаддас диёримиз ушбу анъаналарни эъзозлаб, асраб келган. Давлатимиз олиб бораётган миллий сиёсат ҳар қандай миллатчиликка, айирмачиликка йўл бермайди. Буни мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзолигимиз (2001 йил 14-15 июн), “Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш ҳақида Конвенция”ни ратификация қилганлигимиз, минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлашга доир ташаббусларимиз тасдиқлайди.

9. Ўзбекистонда конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш – миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, тараққиётнинг “ўзбек модели”ни ҳозирги куннинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш, миллий ғоямизнинг эзгу мақсади – озов ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, жонажон диёримизни жаҳоннинг тараққий этган давлатлари қаторига олиб чиқишнинг ишончли гаровидир. Ижтимоий фалсафа олдида динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш орқали мамлакатда ва минтақада тинчлик ва осойишталик, барқарор тараққиётни таъминлашга кўмаклашувчи илмий-фалсафий тадқиқотларни ҳам чуқурлаштиришни, Ғарб демократия қадриятларини кўр-кўрона қабул қилмасликни, буни Шарқ маданиятига хос қадриятлар асосида илмий-фалсафий асослашини талаб қилади.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси конфессиялараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга доир амалий ишлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Диний ва миллий бағрикенглик, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва толерантликни сақлаш, уларни янада мустаҳкамлаш ёш мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Юртимизнинг давлатчилик тарихидан маълумки Соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар салтанатида эришилган умуммиллий ва динлараро уйғунликнинг гўзал намунаси бугун ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларда намоён бўлмоқда.

Қадимий обидаларимизда битилган тасвирлар, ёзувлар, аҳил кўшничилик анъаналари, ислом динининг бағрикенглик тамойиллари ҳозир ҳам амалда. Халқимиз томонидан маданиятлараро мулоқотда ўзига хос кўприк йўлини ўтаган юртимиз – Буюк Ипак йўли чорраҳаларидан бири эканлиги динлараро, маданиятлараро ўзаро уйғунликнинг рамзи эканлиги бунинг исботи саналади.

Бошқа дин ва миллат вакиллариға ҳурмат кўзи билан қараш, меҳмондўстлик, қалби очиклик, самимийлик ўзбек миллий характерининг туб хусусиятидир. Мамлакатимизда шу асосда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик кун сайин мустаҳкамланмоқда.

Айни вақтда жаҳоннинг айрим минтақаларида кўпмиллатлилик, кўпконфессиялилик ижтимоий муаммоларнинг энг асосийси деб баҳоланиб, агрессив миллатчилик, маҳаллийчилик, ҳатто неофашистик кайфиятлар шаклланмоқда, кам сонли диний ва этник гуруҳларға нисбатан таъқиблар, ҳатто зўравонликлар кузатилмоқда. 2012 йили Норвегиянинг Осло шаҳрида бўлиб ўтган қотиллик, кўплаб бегуноҳ фуқароларнинг террористик ҳаракат оқибатида 80 дан ортиқ қурбонларнинг бўлиши бунинг далилидир. Ҳатто бир динға мансуб миллатлар ўртасида ҳам баъзан бағрикенглик, ўзаро ҳурмат йўқлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Шимолий Ирландияда католиклар ва протестантлар ўртасида мана ярим асрдан буён давом этиб келаётган низоларнинг поёни

кўринмаётир. Ёинки Ироқда шиа ва сунна оқимларига мансуб фуқаролар ўртасида биродаркуш зиддиятлар ҳануз давом этмоқда.

Ушбу ҳодисалар ҳақида ўйлар эканмиз юртимиздаги ижтимоий ҳолатнинг соғломлиги мустақиллик йилларида олиб борилаётган бу борадаги миллий сиёсатнинг нақадар тўғри ва халқчил эканлигига яна бир иқроф бўласан.

Бироқ таъкидлаш зарурки, юртимизда эришилган ушбу ютуқ ва ҳолат ўз-ўзидан вужудга келмаган ҳамда унинг давомийлигини бугун амалга оширилаётган ўзгаришларни барчамиз Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилларининг юксалтирилиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Миллатлараро тотувлик ва динлараро ҳамжиҳатлик ҳолатидан маст бўлиш, лоқайд ва бепарво бўлиш мумкин эмас. Зеро эришилган ютуқларимизни юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий юксалишни кўра олмайдиган, “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!” деган шиордан воз кечмаган кучлар ҳали атрофимизда бор. Улар минтақада миллатлар, динлар ўртасига нифоқ ташлашга, биродар халқларни ўзаро уриштирмоқчи, низо чиқармоқчи бўладилар. 2010 йил Ўш шаҳрида бўлиб ўтган низолар шулар жумласидандир. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилган вазмин ва доно сиёсатгина Марказий Осиёни бўлиб ўтиши мумкин бўлган парокандаликдан сақлаб қолди.

Ушбу тадқиқотимиз диний ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик стихияли кечадиган жараён эмаслигини, миллатлараро ва динлараро тотувлик ва биродарлик уларни бирлаштирувчи муайян ғоя, маслак асосида бўлажаклигини яна бир карра асослади. Халқимиз томонидан олға сурилган миллий ғоя айнан шундай бирлаштирувчи омилдир. Миллий ғоянинг халқимизни бирлаштирувчи, у ёки бу ижтимоий муаммо бўйича яқдиллигини таъминловчи омил эканлигига сабаб – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқлардаир. Ушбу ҳужжатнинг 18, 31 ва 61-моддалари ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

тўғрисида”ги Қонунда ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминлайди, диний қарашларни мажбуран сингдиришни таъқиқлайди.

Ўзбекистонда миллий ғоя асосида амалдаги қонунчилигимизга таянган ҳолда изчил диний сиёсат олиб борилмоқда, диний эътиқод масаласи, уларга қай даражада ҳуқуқ ва эркинликлар берилаётганлиги мунтазам мониторинг қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Диний ишлар бўйича Қўмита улкан хайрли ишларни амалга оширмоқда, турли диний конфессияларга бирдай тенг ҳуқуқлик асосида муносабат қилмоқда. Бунга мисол нафақат масжидларни, балки синагога ва христиан черковларини таъмирлаш, қайта реконструкция қилиш, диний адабиётлар нашри, диндорларни тарихий Ватанига бориб-келиши, зиёратлар уюштирилишига ҳисса қўшмоқда. Ушбу тадбирлар турли миллат ва элатларнинг муқаддас туйғуси – диний эътиқодига бундай муносабат демократик эканлигини, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар сиёсати халқчил ва инсонпарвар эканлигига ишонч ҳосил қилишига олиб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида муҳим манба – “Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи” нинг яратилиши ушбу соҳа ривожига ҳизмат қилувчи илмий-амалий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Ушбу ҳужжатда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диний конфессияларнинг вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақолпоғистон Республикаси кесимидаги ҳолати акс этган. Бу манба Ўзбекистонда халқимизга хос азалдан мавжуд бўлган меҳмондўстлик, бағрикенглик, яъни кўпмиллатли давлатчилик асосларини кўрсатиб беради. Ушбу атласга мурожат қилсак, манзара янада равшанлашади. Масалан, агар XIX аср охирида, яъни 1897 йилда республиканинг ҳозирги ҳудудида 70 миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, 1927 йилга келиб уларнинг сони 90 тага етган. 1959 йили 113 тага, 1979 йили эса 123 тага етган. Ҳозирги кунда,

мустақиллик даврида 136 миллат ва элат вакиллари ҳамжихатликда истиқомат қилмоқда¹.

Ўзбекистонда 16 диний конфессияга мансуб 2233 диний ташкилот, жумладан 2052 та масжид расмий рўйхатдан ўтган. Мустақиллик арафасида бор йўғи уларнинг сони 146 та эди. Бугунги кунда масжид имомларининг 517 нафари (25%) олий, 1440 нафари (71%) ўрта махсус диний маълумотга эга, қолган 81 нафар имом (4%) Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг махсус гувоҳномаси асосида фаолият юритмоқда. Республикада Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти ҳамда Православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. Юртимизда етишиб чиққан буюк хадисшунос алломалар меросини ҳар томонлама ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳамда диний ходимларнинг билим ва тажрибасини, касбий малакасини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро маркази очилган.

Юқорида таъкидланганидек, миллий мустақиллик йилларида юзлаб черков, синагога ва ибодат уйлари барпо этилди, эскилари таъмирланди. Улар қаторида Тошкент, Самарқанд, Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкент шаҳридаги католик костёли, Самарқанддаги арман-апостол черкови, Тошкентдаги Будда ибодатхонасини қайд этиш мумкин.

Диний эътиқодга доир давлат сиёсати асосида муқаддам нишонланиши таъқиқланган диний маросим ва байрамларга ҳам кенг йўл очилди, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1991 йил 20 июнь ва 1992 йил 27 мартдаги фармонларига биноан “Ийд ал-Адхо” (Қурбон) ва “Ийд ал-Фитр” (Рўза) хайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Агар мустақилликгача мусулмонликнинг фарзларидан бири – ҳаж амалига Ўзбекистондан ҳар йили фақат 3-4 киши борган бўлса, Юртбошимиз Ш. Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан учрашувда “Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд

¹ Қранг: “Ўзбекистон этноконфессионал атласи”. Т., 2011. – 3 б.

юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда (2017 йил инобатга олинган) 7200 нафар фуқароларимиз муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўладилар”¹ деб таъкидлаб, ҳаж ва Умра амалини бажо келтириш учун Макка ва Мадина шаҳарларига зиёрат қилмоқда.

Мустақилликнинг 27 йиллиги давомида хожиларининг сони 100 мингдан ошиб кетди. Бошқа диний жамоа ва конфессияларнинг вакиллари ҳам Россия ва Исроил каби давлатларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳларга эркин-эмин бориб келмоқдалар.

Конфессиялараро тотувлик ва ҳамжихатликни таъминлашга қаратилган миллий ғоямиз таъсирида Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Дин ишлари Қўмитаси ҳузурида диний конфессиялар раҳбарларидан ташкил топган Конфессия ишлари кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Миллий мустақиллик йилларида диний адабиётларни нашр қилиш, асосий манбаларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш, дин тўғрисида фуқароларнинг саводхонлигини ошириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Қуръони карим (беш марта), Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари, Библия (Янги аҳд), Қадимий аҳднинг баъзи қисмлари (Сулаймон ҳикматлари, Рут, Эстер ва Юнус пайғамбарлар тарихи) ўзбек тилига таржима қилиниб, оммавий адабда нашр қилинди. Ўзбекистон бу борада жаҳоннинг ушбу хайрли ишини амалга оширган учинчи мамлакат бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Ҳидоят” ойлик журнали 41 минг нусхада, “Ислом нури” газетаси ойида икки марта 145 минг нусхада, Рус православ Черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг “Восток свия” журнали ҳар чоракда минг нусхада чоп этилмоқда. Буларнинг барчаси айрим Ғарб ва Шарқ сиёсатчиларининг Ўзбекистонда дин таъкиб остида, деб қилган даъволарини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилаётганлиги ҳақидаги бўҳтонларини пучга чиқаради, ашъвий далил бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда дин эмас, балки дин

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 466-бет.

ниқоби остида турли бузғунчи, вайронкор ғояларни тарғиб қилувчи, турли миллат ва элатлар ўртасига уларнинг муқаддас туйғусини китиклаб нифоқ солувчи турли диний экстремистик кучлар фаолияти таъқиқланган. Миллий ғоямиз уларга қарши ўзига хос мафкуравий қалқон вазифасини ўтамоқда, халқимизда ҳақиқий диний билимлар асосида ғоявий иммунитетни шакллантирмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган минтақавий ҳамкорлик ва дўстлик сиёсати бунинг гарови эканлигининг ёрқин тасдиғи сифатида «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференцияси ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш, мусулмон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларнинг раванқ топиши ва фаровонликка эришишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилишига ишонаман¹ деб таъкидлади.

Яна бир муҳим хулоса шуки, миллий ғоямиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнининг минтақавий маҳсули бўлиб, у минтақа миқёсида динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни, ўзаро ҳурмат ва биродарликни сақловчи асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

Тавсиялар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳамда Миллий маданият марказларига – динлараро юзага келган ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик ва дўстлик муҳитини янада мустаҳкамлаш ва бузулишига йўл қўймаслик учун динлараро мулоқотни кучайтириш мақсадида “Ўзбекистонда диний эътиқод” номли иллюстратив журнални таъсис этиш ва уни ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этишни йўлга қўйиш тавсия қилинади.

¹ «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига // “Халқ сўзи”, 2017 йил 19 октябрь. 211 (6905).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва улар тасарруфидаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежларида диний таълим масаласини кучайтириш йўли билан динга оид давлат сиёсатини самарадорлигини янада ошириш тавсия қилинади.

3. Маънавият тарғиботи марказига фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла институти ва сиёсий партиялар фаолиятларини фаоллаштириш мақсадида динга оид турли буклетлар, лавҳалар ва фильмларни ушбу масала бўйича шуғулланувчи олимлар, ёзувчилар, маданият ходимлари ва журналистлар иштирокида яратиш тавсия қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига “Диншунослик” курси бўйича ўқув соатларини камида икки марта кўпайтириш, амалий машғулотларнинг самарасини оширишга оид янги педагогик технологияларни яратиш, ҳар қандай прозелитизм ва диний экстремизмнинг олдини оладиган аниқ маърифий тадбирлар режасини яратиш тавсия қилинади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига диний-маърифий мавзуларга оид кўрсатув ва эштиришлар соатини кўпайтириш эфир ва экран орқали аҳоли диний саводхонлигини ошириш, бузғунчи диний ғояларни янада кенг фoш этиш тавсия қилинади.

6. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқига ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда диний ва дунёвий дунёқарашлар шаклланишида уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки ўзаро толерантликни (бағрикенглиги) таъминлашга қаратилган чуқур ва ҳартомонлама фаолият юргизиш тавсия қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
1. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА
МЕТОДОЛОГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК НАШРЛАР

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. // ЮНЕСКО Халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2004.

2. Декларация о правах и достоинстве человека X Всемирного Русского Народного Собора. (Электронный ресурс) – Русская Православная Церковь. Официальный сайт Московского патриархата. – <http://www.patriarchia.ru/db/text/103235.html>. (Мурожаат санаси: 26.01.2018).

3. Декларация принципов толерантности. Утверждена резолюцией Генеральной конференции ЮНЕСКО от 16 ноября 1995 года. – 1995. – Режим доступа: <http://www.tolerance.ru/declar.html>. (Мурожаат санаси: 11.01.2018).

4. Обращение участников V пленума Христианского межконфессионального консультативного комитета. 26 апреля 2017 г. (Электронный ресурс) Официальный сайт www.patriarchia.ru/db/text/103235.html (Мурожаат санаси: 27.12.2017).

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Масъул мух. А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004.

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз –Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь / Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 104 б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ

фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017.

10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз /Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017.

11. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон, “Халқ сўзи”, 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

13. “Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили” (Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувидаги нутқи). “Халқ сўзи”, 2016 йил 31 декабрь. № 259 (6694).

14. “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда сўзлаган нутқи). “Халқ сўзи”, 2017 йил 11 ноябрь. № 228 (6922).

15. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

16. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.

17. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.

19. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

20. Каримов И.А.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.

21. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000.

22. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2001.

23. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2002.

24. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

25. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2004.

26. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

27. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2006.

28. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. И.Каримов. – Т.: “Маънавият”, 2008.

29. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

30. Послание Папского совета по межрелигиозному диалогу мусульманам по случаю окончания священного месяца Рамадан 2006 г. Христиане и мусульмане: доверительный диалог для совместного ответа на вызовы нашего мира. (Электронный ресурс) Официальный сайт <http://www.katolik.ru/dokumenty-vatikana/item/1362-poslanie-papskogo-soveta-.html> (Мурожаат санаси: 27.12.2017).

31. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т. Ўзбекистон, 2017.

32. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т. Ўзбекистон, 1989.

33. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. -Т. Ўзбекистон, 1998.

34. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // Халқ сўзи, 2006 йил, 26 август.

2. МОНОГРАФИЯЛАР, ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР, ТЎПЛАМЛАР

35. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий: 2 жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

36. Ал-Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад. Сайланма / Тузувчилар: З. Исломов, А. Абдуллаев. –Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 11 б.

37. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. / Масъул муҳ. А.Очилдиев. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2007. – 132 б.

38. Борейко В.Е. Прорыв в экологическую этику / Издание пятое, дополненное. – К.: Логос, 2013. – 168 с.

39. Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир: З.Исломов. – Тошкент: “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2002. – 19 б.

40. Вольтер Ф. Философские трактаты и диалоги. – М.: Изд-во Эксмо. 2005. – 432 с.
41. Глебкин В.В. На пути к толерантному сознанию. – М.: Смысл, 2000. – С. 255.
42. Диншунослик асослари / Масъул муҳ. И.Усмонов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013. – 248 б.
43. Ислам минбаре. Трибуна ислама. 1998. № 5 (43). Май.
44. Исломшунослик қомусий луғати. –Т. I. –Т.: Мовароуннаҳр, 2013. – 272 б.
45. Кушаев У.Р., Дорошина И.Г. Толерантность: энциклопедический словарь. – Пенза: Научно-издательский центр «Социосфера», 2014. – 403 с.
46. Лекторский В.А. О толерантности, плюрализме и критицизме. // Вопросы философии. – 1997. - № 11. – С. 46-54.
47. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Akademiyа” нашриёти, 2007. – 204 б.
48. Минг бир хадис. –Т. I. / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. С жилдли. –Т.: Ўзбек маскани, 1991. – 66 б.
49. Нравственность мусульманина / Шейх Мухаммад Аль-Газали; [пер. с араб. Рустамова Айдера Иса-огълы] Киев: Ансар Фаундейшн, 2005.
50. Основы социальной концепции Русской Православной церкви. – М. 2000. – С. 9.
51. Толерантность / Общ. ред. М.П.Мчедлова. – М.: Республика, 2004. – 416 с.
52. Хўжамуродов И.Р., Якубов Ю.М. Ислам: жамият ва шахс. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 89 б.
53. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик: (Монография). – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2006. – 164 б.

3. Қўшимча адабиётлар

54. Абдувоҳид Очилдиев. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.

55. Адилхожаева С.М. Глобализация и стратегия государства. - Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2007.

56. Абдуллаева М.Н. модернизацияга парадигмал ёндашувнинг фалсафий-методологик таҳлили. // Модернизация жараёнининг фалсафий методологик таҳлили. Монография. -Т.: “Ношир”, 2010.

57. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. - 552 б.

58. Арслан Чихауи. Исламизм: между насилем и демократией. // Государство и религия в странах с мусулманским населением. Под ред. З.И.Мунавварова и Р.И.Крумм. -Т., 2004.

59. Бобоев Х., Ғофуров З., Исломов З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2001.

60. Бобоев Х., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

61. Бенсман Р. Деятельность религиозных организаций по укреплению менирелигиозного согласия. // Менирелигиозное согласия – важное условия углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (например Республика Узбекистан). «Материалы международной конференции» -Т.: 2002.

62. Ваҳоб Қўчқоров. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Т.: “Академия” 2007.

63. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

64. Грюнбаум Г.Э. Классический ислам. М.: “Наука”, 1988.

65. Гумилев Л. Древние тюрки. – М.: Айрис-пресс, 2008.560 с.

66. Даминов И. Жаҳолатга қарши маърифат – шиоримиз.- Т.: “Маънавият”, 2018. – 32 б.

67. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Akademya”, 2007.
68. Жумаев Р. Политическая система Республики Ўзбекистана: становление и развития. – Т.: “Фан”, 1996.
69. Закурлаев А. Гоялар кураши. – Т.: “Мовароуннахр”, 2000.
70. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.: “Адолат”, 2007.
71. Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествия по Средней Азии – М.: 1987.
72. Кант И. Соч 4. Ч. 2. – М., 1965.
73. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТТМ. 2006.
74. Кукушин В.С. Теория и методика воспитания. – Ростов на Дону: Феникс, 2006.
75. Левитин Л. Узбекистан. Эпоха Каримова. – М: ВАГРИУС, 2003.
76. Локк Дж. Избранные философские произведения. Т. 1. – М., 1960.
77. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. Қ.Назаров ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
78. Миллий ғоя: назарий манбалар. Т.: Akademya, 2007.
79. Мадаева Ш.О. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007.
80. Мақсуда Хожиева. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. Т.: “Fan va technology”, 2010.
81. Мангейм К. Возрастание иррациональных элементов в общественном сознании. // Кризис сознания. – М.: Алгоритм, 2009.
82. Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 45. Ч. 1. С. 214.
83. Массэ А. Ислам. – М.: Изд. Восточной латаратуры. 1962.
84. Мирзев Т. Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилишининг айрим жиҳатлари ва ушбу

жиной ишларнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: “Янги аср авлоди” 2000.

85. Модестов С.А. Геополитика ислома. – М.: Молодая гвардия, 2003.

86. Муҳаммадиева О., Хўжаев М. Ўзбекистонни ривожлантиришда миллий ғоянинг стратегик аҳамияти. – Т.: “Adabiyot uchqunlari”. 2018/ - 148 б

87. Назаров К.Н. Миллатлараро тотувликнинг маънавий ва ғоявий тамойиллари // Ўзбекистон бағрикенг диёр. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ., 2007.

88. Назаров Қиёмиддин. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademya, 2011.

89. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.: “Akademya”, 2005.

90. Питш Р. Современное секулярное государство в условиях исламского общества. // Секуляризм и ислам в современном государстве: Что их объединяет? Материалы международного “круглого стола” (Алматы за ноября 2004 г.). Б.К.Султанов – Алматы: КНСИ при Президенте Р.К., 2008.

91. Пиотровский М.Б. Мухаммад, пророки, лжепророки, кохен. // Ислам в истории народов Востока. М.: “Наука”, 1981.

92. Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. – Т.: “Мовароуннахр”, 2000.

93. Рахимбобоева Н., Рахматова Д. Жамиятни демократлаштириш ва янгилашда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги. // Қадриятлар ва тараққиёт. – Т.: ТДИУ, 2011.

94. Ртвеладзе Э.В., Саъдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006.

95. Рустамжон Самаров. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Akademya, 2010.

96. Рўзиева Р. Ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш. – Т.: Фан, 2011.

97. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2008.

98. Отамуратов С. Глобаллашув: Миллатни асраш масъулияти.- Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2018. – 352 б.

99. Саифназаров И. Маънавиятимизнинг умрбоқий сарчашмалари. – Т.: Меҳнат, 1997.

100. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Шарқ, 2001.

101. Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила Ватан таянчи.- Т.: «Ta’lim nashriyoti» МЧЖ, 2018. 132 б.

102. Саодат йўли = Путь к счастью= The Road to Happiness.- Т., 2016. – 240 б.

103. Сюкияйнен Л. Мусулманско – правовая культура и светское государство (на примере России и стран Центральной Азии) // Ислам и светское государство. Над ред. З.И.Мунавварова и В.Шнейдера – Детерса. Т., 2003.

104. Туленов Ж., Қодиров Б., Гофуров З. Маънавий юксалиш сири. – Т.: Меҳнат, 2000.

105. Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: Чўлпон, 1995.

106. Удадьцова З.В., Осипова К.А. Геополитические особенности феодализма в Византии. // проблема социальной структура и идеологии средневекового общества. – Вып. 1. – Л.: Изд. ЛГУ., 1974.

107. Ҳасанбоев Ўткир. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафқуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Ў.Ҳасанбоев; масъул муҳаррирлар К.Камилов, А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. - 552 б.

108. Хасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш // Ислам ва дунёвий маърифий давлат. З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер – Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т.: 2003.

109. Хатима Шайхова. Баркамол авлод – ахлокий қадриятлар қуршовида. – Т.: Фалсафа ва Ҳуқуқ институти, 2010.
110. Хўжамуродов И., Якубов Ю. Ислом: жамият ва шахс. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007.
111. Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
112. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: “Шарқ”, 2001. – 25 б.
113. Шухрат Ёвкочев. Ислам и политика. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2011.
114. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: “Маънавият”, 2011.
115. Эшмуҳаммад Қодиров. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. – Т.: ТДЮИ, 2010.
116. Ёвкочев Ш.А. Ислам и политика: учебное пособие. – Т.: Таш ГИВ, 2010.
117. Ўзбекистондаги маънавият соҳасидаги ислохотлар: ривожланиш босқичлари эришилган натижалар ва истиқболи. Тўплам. – Т.: Akademya, 2010.
118. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар: стратегияси ва эришилган натижалар. – Т.: “Akademiya”, 2010.
119. Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи. Т.: 2011.
120. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси. – Т.: ТДЮИ. 2006.
121. Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Т.: ТДЮИ. 2006.
122. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: “Маънавият” 2002.
123. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Т.: “Маънавият”, 2018. – 112 б.
124. Қуронов М. Ниқоб ортига бир нигоҳ. – Т.: “Маънавият”, 2018. – 32 б.
125. Қўчқоров Б. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий ҳаёт. – Т.: Akademya, 2011.
126. Қўчқоров Э. Ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши. – Т.: ТДЮИ, 2010.

127. Ғоибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

128. Ғофуров З., Тохиров Ф. Терроризм ва диний экстремизмнинг ижтимоий хавфлилиги. – Т.: ТДЮИ. 2004.

4. Диссертация ва авторефератлар

1. Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш омиллари ва муаммолари. – Т.: 2000.

2. Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси – миллатлараро муносабатларни такомиллаш омили. – Т.: 2005.

3. Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. – Т.: 2010.

4. Хашимов М. Юнеско фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари. – Т.: 2010.

5. Камилов К. Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: 2011.

6. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари, замонавий кўринишлари ва унга қарши кураш асослари (Ўзбекистон мисолида). – Т.: 2012.

7. Кушаев У.Р. Жаҳон динларида бағрикенглик ғояларининг уйғунлиги. – Т.: 2017.

5. Интернет ва матбуот ресурслари

129. Мегаэнциклопедия Шрилла и Мефодия. – <http://www.megabook.ru/Article.asp?AID>.

130. Абуов А.П. Межконфессиональный диалог как основа социального согласия, – www.embkaztm.org/article/142.

131. «Мазҳабларни инкор қилишнинг ҳукми» Таржимон: Ҳамидуллоҳ Беруний. Абдулхай Лакнавий. «Мажмуатул фатово». 1-жилд. – Лакнав: Юсуфий, 1907. – Б. 20-22. – <http://old.islom.uz/content/view/3172/100/>

132. “Тўрт фикҳий мазҳабнинг ҳақ экани борасида мусулмон умматининг ижмоъси” Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, роҳимаҳуллоҳ. – <http://old.islom.uz/content/view/4451/217/>

Мундарижа

МУҚАДДИМА	3
БИРИНЧИ БОБ. Ўзбекистондаги динга оид давлат сиёсати ва унинг динлараро ҳамжиҳатликни таъминлашдаги методологик аҳамияти	11
1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – динлараро ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий кафолати сифатида.....	11
1.2. Секуляризация ва ресекуляризация.....	29
1.3. Диний бағрикенглик – демократик жамият талаби.....	48
ИККИНЧИ БОБ. Миллий ғоя ва тараққиётда диний омил муаммоси	58
2.1. Миллий ғоянинг интегратив функцияси ҳақида.....	58
2.2. Миллий ғоя ва ўзликни англаш.....	69
2.3. Диний омилнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва таъсирининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари.....	83
УЧИНЧИ БОБ. Миллий ғоя ва диний экстремизм мафкурасига диний конфессиялар муносабати	93
3.1. Миллий ғоя ва конфессиялараро бағрикенгликнинг Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти.....	93
3.2. Диний бағрикенглик – конфессиялар ҳамжиҳатлик омили.....	101
3.3. Ёшлар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-мафкуравий омиллари.....	109
Хулоса	123
Тавсиялар	128
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	130

Исмоил Саифназаров
Аслиддин Обидов

Динлараро ҳамжиҳатлик - ижтимоий барқарорлик
ОМИЛИ

Монография

Муҳаррир Ф. *Мухаммадиева*
Саҳифаловчи А. *Эргашев*

Нашриёт лицензияси: АИ №009 20.07.2018.
Босишга руҳсат этилди 27.10.2018. Формат 60x84 ¹/16.
Гарнитура Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули
Шартли босма табағи 8,9 Нашр босма табағи 5,9
Адади 100. Буюртма № У/18-2019

“IMPRESS MEDIA” МЧЖда чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Қўшбеги кўчаси, 6 уй.